

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКА АСОСЛАРИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ – УСЛУБИЙМАЖМУА**

**Тошкент 2021**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчилар:**

Л.А.Муҳаммаджонова - фалсафа фанлари номзоди, профессор в.б.;  
Д.С.Қодирова фалсафа фанлари номзоди, доцент; Н.Ш.Агзамова фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**Тақризчи:**

О.Нишонова.– фалсафа фанлари доктори, профессор  
Абдуллаева Н.Б - фалсафа фанлари доктори, доцент

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги №3 -сонли баённомаси)*

**МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....	13
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	14
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	126
V. ГЛОССАРИЙ .....	138
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	140

## I. ИШЧИ ДАСТУР КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4358-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўнкимларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўнким ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Этика ва эстетиканинг назарий асослари” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Хозирги вақтда мамлакатимизда таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг таълим соҳасида жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад -

таълим сифатини янада яхшилаш ва самарадорлигини ошириш, таълимга инновацияларни жорий қилиш, ўкув жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ҳамда жаҳон талабларига жавоб берадиган етук ва малакали кадрлар тайёрлашдан иборатдир. Бу мақсад ўз навбатида, олий таълимда этика ва эстетика фанларини ўқитишни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, фаннинг назарий ва амалий асосларини давр талабларидан келиб чиқсан ҳолда мустаҳкамлаш, талабаларнинг ахлоқий ва эстетик дунёқарашини бойитиш каби қатор вазифаларни белгилайди.

Этика ва эстетика олий таълимнинг бакалавриат йўналишида ўқитиладиган гуманитар фанлар туркумига киради ва улар “Фалсафа” фани таркибида ўқитилади. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигига келиб, глобаллашув жараёни нафақат иқтисодиёт ва молиявий соҳаларда балки маънавий соҳада ҳам талайгина муаммоларни юзага келтирди. Айни пайтда этика ва эстетика фанларидаги ўзаро боғлиқликнинг кўпгина соҳалари ҳам глобал эҳтиёжга муҳтож бўлиб бормоқда. Айниқса, киберэкстремизм, биоэтика, касбий одоб, техника эстетикаси, санъат социологияси ҳамда эстетиканинг умумназарий масалалари атрофида юзага келаётган баҳс-мунозаралар соғлиқни сақлаш тизимида, репродуктив саломатлик, биологик хавфсизлик, генетик ресурслардан фойдаланиш, ОИТС, гиёхвандлик, экология ва хатто органлар трансплантацияси каби глобал масалалар атрофида тахлил қилинмоқда.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг “Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари”нинг барчаси бевосита ва билвосита этика ва эстетика масалаларига даҳлдор. Хусусан, “таълимнинг ижтимоийлашуви”да – таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрларни шакллантириш” кадрлар тайёрлаш миллий моделининг муҳим қисми сифатида кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун олий таълим тизимида этика ва эстетика фанларини ўқитишни янги босқичга кўтаришни давр тақазо этмоқда.

“Этика ва эстетиканинг назарий асослари” модули бўйича дастурда фаннинг глобал муаммолари, таълим билан тарбиянинг узвийлиги масалалари, назарий асослари, амалий аҳамияти, этика ва эстетика фани машғулотларини самарали ташкил этишнинг янги, замонавий усул ва услубларидан фойдаланишга доир масалалар ўз аксини топган.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулининг мақсади:** “Этика ва эстетиканинг назарий асослари” модулининг мақсади: педагог кадрларни этика ва эстетика фани ҳақидаги билимларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, этика ва эстетика фанидан ўқув жараёнини методик ташкил этишнинг замонавий усулларидан самарали фойдаланишга доир амалий тавсияларни беришдан иборат.

### **Модулнинг вазифалари:**

- этика ва фанлари бўйича ўқув жараёнини техник ва технологик таъминлашга оид назарий билимлар бериш;
- этика ва эстетика фанларининг ижтимоий-маънавий тараққиёт учун заруриятига доир илмий масалаларни тахлил қилиш;
- етук ва малакали кадрларни тайёрлашда этика ва эстетика фанларининг амалий аҳамиятини ёритиш;
- ижтимоий-гуманитар фанларнинг умумназарий масалаларини этика ва эстетика фанлари билан узвийлигини таъминлашга қаратилган методик асосларини ишлаб чиқиши.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Модулни ўзлаштириш жараённида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- этика ва эстетиканинг назарий асосларини;
- этика ва эстетика фанларининг умумназарий масалалари, глобал муаммолари, таълим, тарбия ва маънавий тараққиётдаги ўрнини;
- этика ва эстетика фанининг асосий тушунчалари, меъёrlари ва тамойилларини;
- педагогик фаолияти соҳасида этика ва эстетиканинг тамойиллари ва қонуниятларини;
- миллий ва умуминсоний қадриятлардаги инъикоси, воқеликка ахлоқий ва эстетик муносабатда бўлишнинг замонавий қўринишларини;
- маънавий баркамол авлодни тарбиялаш вазифаларини **билиши** керак.
- илмий-тадқиқот ишларида фалсафанинг замонавий масалаларига ёндашиш услубиятини тўғри танлаш;
- миллий ва умуминсоний ахлоқий-эстетик маданиятнинг анъанавий ва замонавий асосларини фарқлаш;
- педагогик фаолият соҳасида этика ва эстетиканинг амалий

аҳамиятига доир ишланмаларни тайёрлаш;

- этика ва эстетика фанларининг умумназарий масалалари, глобал муаммолари, таълим, тарбия ва маънавий тараққиётдаги ўрни ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- этика ва эстетика фанининг асосий тушунчалари, меъёрлари, тингловчи педагогик фаолияти соҳасида этика ва эстетиканинг тамойиллари ва қонуниятлари, миллий ва умуминсоний қадриятлардаги инъикоси, воқеликка ахлоқий ва эстетик муносабатда бўлишнинг замонавий кўринишлари ҳақида назарий билимларга эга бўлиши;

- амалий аҳамиятига доир ишланмаларни тайёрлаш, дарсни самарали ташкил этиш, ўкув жараёнида замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш ҳамда миллий ва умуминсоний ахлоқий-эстетик маданиятнинг анъанавий ва замонавий асосларини фарқлашга доир амалий **кўникмаларни эгаллаши**;

- тингловчи педагогик фаолияти соҳасида этика ва эстетиканинг умумназарий масалаларига доир илмий хулосаларни ўрганиш, этика ва қарашларни қиёсий тахлил қилиш, фанинг илмий, назарий, тарихий ва прогматик аҳамиятини ҳаётий воқелик ва илмий асосда тушунтириб бериш **малакаларини эгаллаши лозим**.

- тингловчи этика, эстетика фанларида инновацион ўкув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;

- этика, эстетика фанларини ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш;

- коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориши **компетенцияларига эга бўлиши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Этика ва эстетиканинг назарий асослари” курси маъruzaga va amaliy mashgʻulotlar shaklida olib boriladi.

Модулни ўқитиши жараёнида taъlimning замонавий metodlari, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari kўllaniliishi назарда тутилган:

- маъruzaga darсларида замонавий kompyuter texnologiyalari ёрдамида prezентasiyon va elektron-didaktik texnologiyalardan;

- ўтказиладиган amaliy mashgʻulotlarда texnik vositalaridan, ekspress-surovlar, test súrovlari, aқliй ҳужум, guruhli fikrлаш, kichik guruhlar bilan ishlash, rolli ўйин va boşqalar

### **Модулнинг ўкув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Этика ва эстетиканинг назарий асослари” модули ўқув режадаги “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” ва мутахассислик фанлари блокидаги барча ўқув модуллари билан узвий боғланган.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларида этика ва эстетика фанларининг назарий ва амалий асосларини, илмий техник тараққиётнинг ахлоқий ва эстетик тафаккурга таъсири, инсонлараро муносабатда ахлоқий ва эстетик маданиятнинг ўзига хос кўринишлари ва хусусиятларини амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

#### **“Этика ва эстетиканинг назарий асослари” модули бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					<b>Мустакил таълим</b>	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси					
			Жами	жумладан				
				Назарий	Амалий	Кўчма		
1.	“Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишининг замонавий усуллари ва услублари. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари.	4	4	2	2			
2.	XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари: ахлоқий, экологик ахлоқ, этосфера. Инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари унинг жамият ривожига таъсири.	6	6	2	4			
3.	Ахлоқ психологияси. Рухий таҳлил йўналиши ва ғайризўравонлик. Давлат хизматчилари этикаси ва имиджи. Гендер муаммолари. Аёл	4	4	2	2			

	ва эркакларнинг оддий хулқ-автори ва мотивациясининг ахлоқийлиги ва рационаллиги.						
4.	Давлат хизматчилари этикаси ва имижи. Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги; касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти. Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характеристи. Модернизация жараёнларида эстетик фаолиятнинг кўринишлари.	6	6	2	4		
	<b>Жами: 20 соат</b>	<b>20</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>12</b>		

### **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишининг замонавий усуллари ва услублари. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари ( 2-соат)**

1. “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишининг замонавий усуллари ва услублари.
2. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари.
3. Ўзбекистон таълим тизимининг ахлоқий-эстетик мазмуни.
4. Олий таълимда этика ва эстетика фанларининг ўқитилиши ҳолати. Этика ва эстетика фанларини ўқитишга янгича ёндошувлар.

**2-мавзу. XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари: ахлоқий, экологик ахлоқ, этосфера. Инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари унинг жамият ривожига таъсири. ( 2-соат)**

1. XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари.
2. Ахлоқий, экологик ахлоқ, этосфера.
3. Инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари унинг жамият ривожига таъсири.
4. *Интернетнинг ахлоқий-эстетик тафаккурни ўзгаршишига таъсири.*
5. *Тиббиёт эстетикаси ва биоэтика.*

**3-мавзу: Ахлоқ психологияси. Руҳий таҳлил йўналиши ва**

**Ғайризўравонлик. Гендер муаммолари. Аёл ва эркакларнинг оддий хулқ-атвори ва мотивациясининг ахлоқийлиги ва рационаллиги. ( 2-соат)**

1. Ахлоқ психологияси.
2. Руҳий таҳлил йўналиши ва ғайризўравонлик.
3. Гендер муаммолари.
4. Аёл ва эркакларнинг оддий хулқ-атвори ва мотивациясининг ахлоқийлиги ва рационаллиги.

**4-мавзу: Давлат хизматчилари этикаси ва имижи. Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги; касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти. Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характеристи. Модернизация жараёнларида эстетик фаолиятнинг кўринишлари. ( 2-соат)**

1. Давлат хизматчилари этикаси ва имижи. Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги
2. касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти.
3. Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси.
4. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характеристи.
5. Модернизация жараёнларида эстетик фаолиятнинг кўринишлари.

### **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот.** “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишининг замонавий усуллари ва услублари. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари ( 2-соат)

**2-амалий машғулот.** XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари: ахлоқий, экологик ахлоқ, этосфера. Инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари унинг жамият ривожига таъсири. ( 4-соат)

**3-амалий машғулот.** Ахлоқ психологияси. Руҳий таҳлил йўналиши ва ғайризўравонлик. Гендер муаммолари. Аёл ва эркакларнинг оддий хулқ-атвори ва мотивациясининг ахлоқийлиги ва рационаллиги. ( 2-соат)

**4-амалий машғулот.** Давлат хизматчилари этикаси ва имижи. Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги; касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти. Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характеристи. Модернизация жараёнларида эстетик фаолиятнинг кўринишлари. ( 4-соат)

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитишиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (күрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (кейслар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим (БББ)” методи

**Методнинг мақсади:** талабаларни мустақил фикрлашга ундаиди  
Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ўқитувчи доскани уч қисмга ажратади.
2. 1-қисмга “Биламан”, 2-қисмга “Билмайман”, 3-қисмга “Билиб олдим” деб ёзади.
3. Ўқитувчи ўқувчиларга мурожаат қилиб, “Этика ва эстетика категориялари ҳақида ким нималар билади?” деб сўрайди.
4. Талабаларнинг фикрларини “Биламан” устунига ёзади.
5. Талабалар ўз фикрини айтиб бўлгандан сўнг ўқувчиларга этика категориялари ҳақида яна нималарни билишни хоҳлашларини сўрайди.
6. Ўқувчиларнинг саволларини досканинг “Билишни хоҳлайман” қисмига ёзади.
7. Талабаларнинг саволлари тугаганидан кейин ўқитувчи этика категориялари ҳақида маълумотлар ёзилган, олдиндан тайёрланган матнларни талабаларга тарқатади.
8. Талабалар матн билан танишадилар ва янги маълумотларни бир-бирлари билан ўртоқлашадилар.
9. Ўқитувчи талабалардан этика категориялари ҳақида яна қандай янги маълумотларга эга бўлганликларини сўрайди ва “Билиб олдим” устунига ёзади.
10. Ўқитувчи уччала устунни умумлаштиради ва талабалар билан биргаликда хулоса қиласди.

**Намуна:** Гўзаллик тушунчасининг фалсафий моҳиятини тушунтириб беринг?

<b>Биламан</b>	<b>Билмайман</b>	<b>Билиб олдим</b>

**Блум таксономиясига асосланган ҳолда Когнитив (билишга оид) соҳадаги “Таҳлил” ўқув мақсадини амалга ошириш учун қўлланиладиган метод**

**Методнинг мақсади:** талабаларда ўқилган материални эслаб қолиш, мазмунига қараб туркумлаш, тушунчаларни тизимга солиш қўнимасини пайдо қиласди. Шунингдек, талаба фанда қўлланиладиган тушунчалар, тамойиллар, меъёrlар ва ўзига хос сифатларини туркумлашни билади.

Методни амалга ошириш тартиби:

1. Дарс ўқитувчининг кириш сўзи билан бошланади.
2. Ўқитувчи Кириш сўзидадарснинг мавзуси, мақсади ва ўтказиш тартиби билан талабаларни танишитиради.
3. Талабалар 5 та гурухга бўлинадилар.
4. Гуруҳларга 2 тадан савол ёзилган қоғозлар тарқатилади.
5. Талабалар қоғоздаги саволларга ўз жавобларини берадилар.
6. Бошқа гурух аъзолари қўшимча фикр ёрдамида жавобни тўлдиришлари мумкин.
7. Барча саволларга жавоблар бериб бўлингач ўқитувчи мавзу бўйича якуний хулоса қиласди.
8. Гуруҳларга қўйган баҳоларини эълон қиласди.
9. Ўқув машғулотини натижаларини шарҳлайди.

**Намуна:**

1-гурухга бериладиган 1-савол: Этика (ёки эстетика) фанининг амалий аҳамиятини шархлаб беринг? 2-савол: Этика (ёки) эстетика) фанининг глобал муаммолари хақида фикр билдиринг?

2-гурухга бериладиган 1-савол: Этика (ёки эстетика) фанининг асосий мезоний тушунчаларини ҳаётий мисоллар ёрдамида асосланг? 2-савол. Этика (ёки эстетика) фанининг шахс камолотидаги ўрнини тушунтиринг?

**Намуна:** Топширик №1. Қуидаги тушунчаларни жадвалдаги йўналишига мос тарзда ажратинг? Ғайриинсонийлик Ватанпарварлик Нафрат Ватанфурушлик Мухаббат Адолатсиз Эркпарварлик Эзгулик Миллатпарварлик Лоқайдлик Адолат Ёвузлик Шафқат Бурч Шафқатсиз Лоқайд Инсонпарварлик Куллик Миллатчилик Фидойилик

Этиканинг асосий тушунчалари (категориялари)	Этиканинг асосий тушунчалари (категориялари) зидди	Этиканинг тамойиллари	Этика тамойилла рининг зидди

### III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-мавзу: “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишининг замонавий усуллари ва услублари. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари.**

#### **РЕЖА:**

1. “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишининг замонавий усуллари ва услублари.
2. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари.
3. Ўзбекистон таълим тизимининг ахлоқий-эстетик мазмуни.
4. Олий таълимда этика ва эстетика фанларининг ўқитилиш ҳолати. Этика ва эстетика фанларини ўқитишга янгича ёндошувлар.

#### **Таянч сўзлар:**

Этика ва эстетика, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, этика, эстетика, ахлоқ, нафосат, эстетик билим, эстетик таълим, маънавият, этикани ўқитиш, эстетикани ўқитиш, эстетик дунёкараш, ахлоқий ёндошув, категория, гўзаллик, хунуклик, улуғворлик, фожеавийлик, эстетик объект, муҳаббат, нафрат, адолат, ватанпарварлик, миллатпарварлик, санъат, носанъат объекти, техника эстетикаси, дизайн, спорт эстетикаси, табиат эстетикаси.

#### **1.1. “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишининг замонавий усуллари ва услублари.**

Ўзбекистон Республикасида юқори малакали олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишда, янги педагогик технологияларга алоҳида ўрин ажратилган. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да тарькидланганидек, "Талабаларни ўқитишни янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда жадаллаштириш зарур".

Педагогик технология - бу давр талабидир. Ўқитувчилик фаолияти ишлаб-чиқариш фаолиятининг бир тури бўлгани сабабли, педагогик технологиянинг пайдо бўлиши ҳам шу билан боғлиқдир. Шунинг учун, унга ҳам, ишлаб-чиқариш технологиясидек қуидаги талаблар қўйилади: лойиҳалаш, бошқарилиш, натижаларга кафолатли эришилиш, тузатувлар киритилиши, тежамкорлик.

Педагогик мақсадларнинг ҳозирги кунда энг кенг тарқалган таксономияси, америкалик педагог олим Б.Блумнинг тизими ҳисобланади. Ўқув мақсадларининг асосий тоифалари, Б.Блум бўйича, қуидагилар ҳисобланади: билиш; тушуниш; қўллаш; анализ; синтез; баҳолаш

Ўқув фанининг мақсадларини аниқлаштириш, бу таксономия бўйича қуидаги

икки босқичда амалга оширилади:

1. Фаннинг ўқув мақсадларини белгилаш.

2. Ҳар қайси мавзу, бўлим, модулнинг мақсадларини белгилаш.  
Ўқув мақсадлари тизими니 тузиш ва даражалашни жадвал кўринишида тасвир этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Биринчи босқичда** ҳар бир мавзу (бўлим) бўйича таянч ибораларни алоҳида кўрсатиш лозим.

**Иккинчи босқичда**, ҳар бир таянч иборани, ўрганилиш чукурлигини ўрнатиш зарур бўлади. Яъни, талаба қайсиdir таянч иборани билиш даражасида (ўқув материалини эслаб қолиш етарли бўлади), бошқа таянч иборани кўллаш даражасида (аниқ шароитлар учун ўқув материалидан фойдаланиш), айрим таянч ибораларни баҳолаш даражасида (ўқув материалининг у ёки бу қийматини аниқ мақсадига кўра баҳолаши ва бунинг натижаси ижодий хулоса чиқариши) ва ҳ.к. ўзлаштириши зарур бўлади.

**Учинчи босқичда** ҳар бир ўқув мақсадига эришиш, мезонни ўрнатиш керак бўлади. Яъни, ўқув мақсади шундай ифодаланиши зарурки, унга етиш ёки етмаганлигини адашмасдан аниқлаш мумкин бўлсин.

Ўқув мақсадларининг бундай аниқ турланиши, ўқитиш жараёнини оптималь режалаш ва ўқитишдан қўзланган натижаларга эришиш имкониятини беради. Ўқув мақсадларига эришилгани ёки ўқитиш натижалари ҳақида фақат ташқи белгилар жавоблар, масалаларни ечиш ва ҳ.к. бўйича хулоса чиқариш мумкин.

Ифодаловчи белгилари тўла ва ишончли ёритилган мақсад, идентификацияланадиган мақсад дейилади. Шунинг учун, ўқитиш вазифасини идентификация қилиш учун, унинг ташқи белгиларини тўла ифодалаш зарур.

### **Илғор педагогик технологиялар асосида дарс жараёнини ташкил қилиш тартиблари**

Ўқув жараёнининг асосий қисми дарс машғулотлари бўлиб, уни қай даражада моҳирона ташкил этилиши пировард натижаларда, яъни талабалар томонидан ўтилган мавзуни қай даражада ўзлаштирилишида ўз ифодасини топади.

#### **Дарс жараёнига тайёргарлик қўриш**

Анъанавий дарсларга тайёргарлик қўришда, одатда, тегишли адабиётларни ўрганиб, дарснинг режаси ва тегишли маъруза матни тайёрланар эди. Илғор педагогик технологиялар асосида дарсга тайёргарлик қўриш анъанавий тайёргарликдан катта фарқ қиласи. Яъни, бунда, ўқитувчи тайёргарлик давомида тегишли мавзунинг мақсадини, уни ўтказиш усули ва воситаларини танлаши ёки аниқлаши, намойиш этилиши зарур бўлган тасвирий материалларни тахт қилиб қўйиши, етарли даражада тарқатма материалларни тайёрлаши, ўқув мақсадларига эришганлик даражасини аниқловчи баҳолаш мезонлари ишлаб чиқиши зарур. Ушбу тайёргарлик давомида дарс боришини ифодаловчи лойиҳа ёки бошқача айтганда дарснинг сценарийсини тайёрлаши

лозим. Унда дарснинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш назарда тутилади.

### **Дарс жараёнини лойиҳалаш**

Дарс жараёнини лойиҳалаш - дарс давомида ўқитувчи томонидан талабаларга тегишли билим, кўникма, ахборот ёки маълумотларни етказишни тартиблаштиришдир. Бунда қуидаги ишлар амалга оширилади:

1. Мавзу ва таянч ибораларнинг ўқув мақсадлари шакллантирилади (Б.Блум таксономияси асосида).

2. Мавзуни ёритиш услуги танланади.

3. Талабаларни фаоллаштирувчи саволлар, топшириқлар, тестлар, масала ёки машқлар тайёрланади.

4. Баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Бунда ўқув мақсадларга эришилганлигини аниқловчи белгилар, топшириқларнинг жавобларига мослигини белгиловчи мезонлар келтирилиши мақсадга мувофиқ.

5. Дарс жараёни лойиҳасининг ҳар бир қисмида ўқитувчи ва талабанинг аниқ вазифаси келтирилади.

Фаннинг бир семестр давомида ўқитиладиган қисми учун юқорида зикр этилган бандлар тўла ёритилган услугбий ишланма янги педагогик технологияни тегишли фанга қўллашга доир услугбий қўлланма ҳисобланади. Бунда тегишли фандан маъруза ва амалий машғулотлар учун алоҳида-алоҳида услугбий қўлланма яратиш мақсадга мувофиқдир. Қуида техник, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарс лойиҳалари намуналари келтирилди.

### **“Этиканинг асосий тушунчалари. Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлари” мавзусига “Пинборд” методининг қўлланилиши.**

**Дарс мавзуси:** (семинар) Этиканинг асосий тушунчалари, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлари

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ахлоқнинг моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, ахлоқ тузилмаси тушунчаси: ахлоқий онг ва унда урф одат ва анъаналарнинг ўрни; ахлоқий ҳиссиётнинг ўзига хос ҳиссий кечинма эканлиги; ахлоқий муносабатлар ва уларнинг ахлоқий фаолиятга таъсири, Ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов тушунчалари ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг ижтимоий заруриятлиги ҳамда этиканинг асосий мезоний тушунчалари, тамойиллари ва меъёрлари ҳакида маълумотлар бериш .

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларнинг ахлоқшунослик асосий мезоний тушунчаларини инсон ҳаётидаги ўрнини хис қилиш ҳамда қўллай билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантиришдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқ тузилмаси тушунчаси: ахлоқий онг ва унда урф одат ва анъаналарнинг ўрни; ахлоқий ҳиссиётнинг ўзига хос ҳиссий кечинма эканлиги; ахлоқий муносабатлар ва уларнинг ахлоқий фаолиятга таъсирини тушунтиришдан иборат.

## **Дарсда фойдаланиладиган метод “Пинборд”**

### **Дарснинг бориши:**

1. Ташибилий қисм.
2. Талабаларни маъруза машғулотининг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

3. Маъруза якунида мавзуга оид тушунчалар билан ишлаш

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. Маъруза машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, ахлоқ тузилмаси тушунчаси: ахлоқий онг ва унда урф одат ва анъаналарнинг ўрни; ахлоқий ҳиссиётнинг ўзига хос ҳиссий кечинма эканлиги; ахлоқий муносабатлар ва уларнинг ахлоқий фаолиятга таъсири, ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов тушунчалари ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг ижтимоий зарурияти ҳақида маълумотлар беради.

### **“Пинборд” методи мазмуни.**

Пинборд методи (инглиз тилидаги ріп – ёпиштироқ, board – доска) – яъни олинган билимларни доскага мустаҳкамлаш, ёпиштироқ деган маънони англатади. Пинборд методи-вазифаларни ҳал этиш бўйича ғояларни тизимлаштириш ва гурухлаштириш ва ягона нуқтаи назарни ишлаб чиқиш имконини беради. Методни қуидагича қўллаш тавсия этилади: талабларни ранги карточкалар ёрдамида кичик гурухларга ажратиш ва вазифалар бериш, иложи борича ҳар бир гурухга алоҳида вазифалар берилади. Гурухлар вазифаларни бажаришлари учун қоғоз тўплами ва ёзишлари учун маркерлар тарқатилади. Берилган вазифани кичик гурух аъзолари келишилган ҳолда қоғозларга ёзib боради. Гурухдан битта иштирокчи ёзади қолган иштирокчилар вазифа жавобларини айтиб туради. Вазифа бажариб бўлгандан кейини магнитлар ёрдамида доскага маҳкамланади ва тақдимот қилинади. Барча кичик гурухлар тақдимотидан кейин гурухлар билан биргаликда бажарилган вазифалар муҳокама қилинади ҳамда нотўғри жавоблар бўлса олиб ташланади. Ҳар бир гурух тақдимотидан сўнг, олдиндан ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланилади.

### **“Пинборд” методининг ишланмаси**

Кичик гурухларга бериладиган вазифалар :

- 1-гурух: Этиканинг асосий категориялари (қизил рангли карточкалар)
- 2-гурух: Этиканинг тамойиллари ( яшил рангли карточкалар)
- 3-гурух: Этиканинг меъёрлари (сариқ рангли карточкалар)

### **Этиканинг асосий категориялари:**

- Мұхаббат ва нафрат
- Эзгулик ва ёвузлик
- Яхшилик ва ёмонлик
- Камтарлик

- Бахт
- Ҳаётнинг маъноси
- Виждон
- Номус
- Адолат

**Этиканинг меъёрлари:**

- Миллатпарварлик
- Ватанпарварлик
- Эркпарварлик
- Инсонпарварлик
- Мехмондўстлик
- Мехнатсеварлик
- Тинчликпарварлик
- Фидойилик
- Зиёлилик

**Этиканинг меъёрлари:**

- Ҳалоллик
- Ростгўйлик
- Ҳаёлилик
- Инсофилик
- Хушфеъллик
- Камтаринлик
- Босиқлик
- Худбинлик
- Шухратпастлик

**Хулоса:** “Пинборд” методини ўтказиш талабаларга семинар машғулотда этиканинг категориялари, тамойиллари ва меъёрларига оид тушунчаларни ўз ўрнида қўллашда фойда беради.

**“Кичик гурухларда ишлаш”**

“Кичик гурухларга бўлиш” мақсадлари қуйидагилардир : 1- дарс жараёнида янги ўқув материалини ўзлаштириш; 2- амалий топшириқларни бажариш; 3- тарбия жараёнида ижтимоий топшириқларни бажариш; 4- дарсдан бўш вақтларини ташкил этиш; 5-талабаларнинг қизикиш ва қобилиятларини ривожлантириш; 6 - шахслараро муносабатларни мустаҳкамлаш.

Гурухларда ишлаш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

1. Гурухларда машғулотни режалаштириб, талабаларни 4-5 гурухга тақсимлаш зарур, хар гуруҳда 4 - 6 иштирокчи бўлиши мумкин.

Изоҳ: гурухларнинг кўплиги иш натижалари презентацияси ва баҳолаши вақтини чўзиб юборади; гурухда талабалар сонининг кўплиги гуруҳ ишида фаол иштирок этиш имкониятини чеклайди.

2. Гуруҳ таркибини ўқитувчи белгилайди. Гурухнинг таркиби хилма-хил бўлиши керак. Барча муносабатларда “табақалаштирилган”гурӯхлар тузиш

мумкин. Энг зехнили ва қобилиятли талабалар ҳарбир гурухга киритилиб, зехни ўткир бўлмаган талабаларни ҳам ҳарбир гурухга тақсимлаш мумкин. Иложи борича гурух таркибини тез-тез алмаштиришга ҳаракат қилиш лозим. Талабалар доимо бир

таркибда ишлашига йўл қўймаслик керак.

3. Тақсимлашнинг бирдан бир усулини 3-4 марта қўлланганда у зерикарли бўлиб қолади, шунинг учун гурухларга тақсимлашнинг қизиқарли усулларини топиш зарур (лотерея, алифбо бўйича, имконият ва қизиқишлиар асосида ва бошқалар).

4. Берилган топшириқни бажариш учун гурух доира шаклида ўтиради. Ҳар бир иштирокчи ҳаммани кўрмагунча гурух ишни бошлай олмайди. Улардан бири ёзди ("райтер"), бири қилинган ишни сўзга чиқиб ҳимоя қиласди (спикер). Бу роллар ижросини барча гурух аъзолари навбати билан бажаради. Кичик гурух раҳбарларини тез-тез (1-2 хафтада, бир ой ёки чорақда бир марта) алмаштириш керак, чунки ҳар қайси талаба ҳам раҳбар, ҳам бўйсунувчи сифатида гуруҳдаги ишларни бажариши лозим.

5. Кичик гурух учун берилган вазифани бажаришга аниқ йўриқлар кўрсатиш ва етарлича вақт бериш зарур.

6. Гурух иши натижаларининг қандай шаклда топширилишини аниқ тушунтириш ва у ҳақида гурухга кимни эълон қилиши керак бўлса, уни олдиндан танлаб қўйиши зарур.

7. Ўқитувчи иш вақтида доимо ҳар бир гурух атрофида юради, чунки уни саволларга жавоб бериш зарурати бўлиши мумкин.

8. Гурухларни баҳолаш ва мукофотлаш тизимини ишдан олдин ўйлаб топиш ва тушунтириш керак. Муваффақиятга эришилган гурух-учун албатта мукофот тайёрланади. Қиммат бўлмаса ҳам шундай мукофотлар талабаларни рағбатлантиради. Бажарилган ишлар учун кичик гурухларнинг тўпланган баллари маҳсус стендда кўрсатилади.

Талабаларни кичик гурухларга тақсимлаш учун турли усулларни қўллаш мумкин. Масалан:

- ◆ 4 гача санаш;
- ◆ меваларнинг номларига кўра - олма, нок, олхўри, анор;
- ◆ геометрик шакллар номи билан - учбурчак, тўртбурчак, квадрат, айлана ва ҳоказо.

### **“КЕЙС-СТАДИ” МЕТОДИ**

Кейс-стади инглизча case – аниқ вазият, study – таълим сўзларининг бирикувидан ҳосил қилинган бўлиб, аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим методидир.

### **“КЕЙС-СТАДИ” методини амалга ошириш босқичлари**

- Кейс билан танишув (индивидуал)
- Асосий муаммони (ўкув муаммосини) ажратиб олиш ва ўрганиш (индивидуал ва кичик гурухларда)
- Фоялар йиғиши ва муаммонинг мақбул ечимини танлаш,

моделлаштириш (кичик гурухларда)

- Кейс ечими учун таклиф этилган гояларни тақдимоти, таҳлил ва баҳолаш (ўқитувчи ва кичик гурухлар)
- Кейс ечими ва тавсиялар. (ўқитувчи, кичик гурухлар ва индивидуал)

### **“Оила, фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий асослари. шахс ахлоқий тарбияси” мавзусига «Кейс стади» методининг қўлланилиши.**

**Дарс мавзуси:** (амалий машғулот) Оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг фарзанд тарбиясига таъсири, эркак ва аёлнинг ўрни. Оилавий муносабатларга ноанъанавий ёндошувлар: бир жинсли никоҳлар, никоҳсиз оиласлар ва уларнинг оқибатлари.

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ахлоқнинг моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, оила тушунчаси: оилани шаклланишида урф одат ва анъаналарнинг ўрни, Давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни. Давлат томонидан ёш оиласларни ижтимоий муҳофаза қилишининг ахлоқий аҳамияти ҳақида маълумотлар бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, этиканинг мезоний тушунчаларини инсон ҳаётида қўллай билиш кўнилмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантириш, оиланинг муқаддаслиги аҳамиятини тушунтиришдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқнинг инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, оила тушунчаси: оилани шаклланишида урф одат ва анъаналарнинг ўрни, давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни, давлат томонидан ёш оиласларни ижтимоий муҳофаза қилишининг ахлоқий аҳамияти ҳақида маълумотлар бериш.

**Дарсда фойдаланиладиган метод: “Кейс стади”**

**Дарснинг бориши:**

1. Ташкилий қисм.

2. Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда ахлоқнинг моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, оила тушунчаси: оилани шаклланишида урф одат ва анъаналарнинг ўрни, Давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни. Давлат томонидан ёш оиласларни ижтимоий муҳофаза қилишининг ахлоқий аҳамияти ҳақида маълумотлар беради.

3. “Кейс стади” методни ўтказиш.

Бу методдан мақсад: ушбу кейснинг асосий манбаи кабинетли, лавҳали

бўлиб, ҳаётий вазиятлар асосида баён этилган. Кейснинг асосий обьекти шахсга йўналтирилгандир. Бу ташкилий институционал кейс бўлиб, маълумотлар, вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача, тизимлаштирилган бўлиб, амалий машғулотларга мўлжалланган ўқув мавзу бўйича билим ва қўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.

Аудиториядаги талабаларнинг сонидан келиб чиқиб, журналдаги тартиб рақамлари ёки, ўтирган жойдаги инсонларни қизиқишлари, ёки рангли қофозларини тарқатиб бир хиллиларни ажратиб олиш йўллари билан гурухларга ажратиб олинади. Ҳар бир гурухга “муаммо” тарқатилади.

### **1 – вазият:**

Ёш оила қураётган келин - қуёвга ўз оилавий шифохоналарига тиббий қўрикдан ўтиш учун йўлланма берилди. Қуёв туй тараддуди билан вақти йўқлигини важ қилиб бўлим бошлиғи билан “таплашиб” маълумотномани бир амаллаб олади. Келин эса барча қоидага кўра қўрикдан ўтади. Бу ёш оила қурувчиilar бир – бирларига соғлом эканликларини билдиришди ва уларни ФХДЁ бўлимида қайд этилди. 4 –5 ойлардан сўнг келин оилавий шифохонага қайноаси билан чиқиб, ҳомиладорлик бўйича рўйхатга қўйилади. Олинган биринчи таҳлиллар келинда захм касали мавжуд эканлигини кўрсатади.

Бундан хабар топган эр ва қайнона келинни “енгил табиат аёл бизнинг хонадонимизга мос келмайди” – деб шармандаларча уйдан хайдаб юборишади. Бу ёш оилани тиклаб бўладими?

### **2 – вазият:**

Оиладаги аёл раҳбар. Оила юмушларини бажаришга, болалар ўртасидаги муаммоларни ҳал қилишга, турмуш ўртоғининг ҳам қўнглига йўл топа олишга улгурмоқда. Оиладаги эркак ҳам раҳбар. У факат давлат ишлари билан банд. Аёл ва сиёsat сизнинг муносабатингиз.

### **3 – вазият:**

Шундай вазиятни тасаввур қилинг: Сиз бир оилага кирдингиз. Шу оиладаги мавжуд турмуш тарзини нималар орқали баҳолайсиз? “Соғлом турмуш тарзи мустаҳкам оиланинг гаровидир” деган фикрга қарашларингиз.

### **4 – вазият:**

Янги кўчиб келган қўшнингизни қизи ташқи жихатдан ўзининг чиройли одоби ва ахлоқи билан ажраб туради, оиласи ҳам баобрў, ҳурматга сазовор инсонлар. Маҳаллага келган қуёв томоннинг вакиллари сизлардан шу оила ҳақида маълумот беришни сўраб қолди сиз ва бошқа қўшнилар улар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмассизлар сизнинг бу оилага берадиган баҳоингиз.

Шундан сўнг гурухдагиларга 10 дақиқа вақт берилади. Улар ўзларининг ораларидан битта тақдимотчини танлаб оладилар ва барча фикрларни жамлашни ўқитувчи сўрайди. Бунда ватман қофоз ва маркерлардан фойдаланган холда алоҳида ишланади. Вақт тугагач биттадан тақдимот учун 5 дақиқа берилади шу вақт ичида муаммони ечини топишга ҳаракатлар бўлади.

**Хулоса:** “Кейс стади” ни ўтказиш орқали талабалар ўртадаги муносабатлар илиқлашади, фаоллашади, оилавий муносабатларга амалий ёндашилади. Ўқитувчи ўз ўрнида Давлатимизни оила институтига бўлган муносабатини илмий жиҳатдан асослаб беришга эришади.

### “ДОМИНО” МЕТОДИ

**“Этиканинг мақсади ва вазифалари. Ахлоқий тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари. Гедонизм ва эвдемонизм тушунчаларининг ахлоқий моҳияти” мавзусига “Домино” методининг қўлланилиши.**

**Дарс мавзуси:** (семинар) Этиканинг мақсади ва вазифалари. Ахлоқий тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари. Гедонизм ва эвдемонизм тушунчаларининг ахлоқий моҳияти.

**Дарснинг таълимий мақсади:** Этика фанининг моҳияти, унинг тадқиқот обьекти ҳамда ижтимоий фанлар билан алоқадорлигини тушунтириш; ҳозирги кунда ахлоқнинг замонавий муаммолари ва уларга тааллуқли бўлган тушунчалар ҳақида маълумотлар бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларга этиканинг тадқиқот обьекти бўлмиш одоб, хулқ, ахлоқ тушунчаларини моҳиятини батафсил тушунтириб бериш ҳамда ҳозирги кунда инсон асосий фаолиятининг баҳтга эришувга интилиши билан боғлиқ бўлган ахлоқшунослик йўналишлари билан таништиришдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқий тушунчаларини инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини ҳис қилиш ҳамда тўғри қўллай билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантиришдан иборат.

#### Дарсда фойдаланиладиган метод “Домино”

##### Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм.

2. Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб; бугунги кунда этика фанининг аҳамияти, унинг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги; ахлоқий тафаккур тараққиёти ҳамда ахлоқнинг замонавий муаммолари ҳақида маълумотлар беради.

#### “Домино” методининг ўтказилиши.

Бу методдан мақсад бугунги кунда этика фанининг назарий ва амалий аҳамиятини батафсил ёритиб бериш орқали талабаларда одоб, хулқ ва ахлоқ тушунчаларини инсон ҳаётидаги ўрнини ҳис қилиш ҳамда қўллай билиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Гуруҳдаги талабаларнинг сонидан келиб чиқиб 4-5 та кичик гуруҳ шакллантирилади. Кичик гуруҳларга мавзуга оид бўлган саволлар ва саволга жавоблардан иборат карточкалар тарқатилади. "Домино" методни ўтказиш

тартиби: кичик гурухлар берилган карточкалардаги саволларга тұғри жавобларни топиб тұғри кетма-кетликда жойлаштириши керак бўлади. Кичик гурухларнинг вазифалари бир хил бўлади. Бу ерда асосий мақсад қайси гурух берилган саволларга биринчи бўлиб куйиб чиқиши керак тұғри жавоб топади ва тұғри кетма-кетликда жойлаштиради. Карточкаларни жойлаштириш пайтида биттасининг жавоби нотұғри жойлаштирилса барча жавоблар кетма-кетлиги бузилади.

Тайёрланган карточкалар сони жуфт бўлиши талаб этилади ҳамда карточкалар сони жуда кўп бўлмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади.

### “Домино” методнинг ишланмаси

<b>“Этика” фани</b>	ахлоқ ҳақидаги қарашлар тарихини ва бой маънавий меросини ўрганиш асосида замонавий одоб - ахлоқ қоидалари ва уларга амал қилишнинг ижтимоий маънавий аҳамиятини ўрганишдан иборат.
<b>Фанни ўқитишдан мақсад</b>	-ахлоқнинг миллийлик ва умумбашарийлик хусусиятларини таҳлил этиш, замонавий ахлоқий меъёрларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш; - ахлоқий категорияларининг инсон ҳаётидаги белгиловчи ўрнини аниқлаш.
<b>Фаннинг вазифалари</b>	инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида бурилиш ясайдиган даражада муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урфодатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.
<b>Одоб</b>	оила, жамоа, маҳалла-кўй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-ҳаракатларнинг мажмуи.
<b>Хулқ</b>	жамият, замон, баъзан умумбашарий аҳамиятга эга, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодиса.
<b>Ахлоқ</b>	(греч. Hendone-лаззатланиш) - қадимги давр фалсафий тушунчаларидан бири сифатида кўнгилочарлик, ҳузурланиш маъноларини беради.
<b>Гедонизм</b>	(греч.ευδαιμονία—барқарорлик, ҳузурбахшилик, баҳт )— инсон асосий фаолиятининг баҳтга эришувга интилиши билан боғлиқ бўлган ахлоқшунослик йўналишлардан бири саналади.
<b>Эвдемонизм</b>	ҳар иккала фан ҳам бир хил муаммо - ахлоқий мезон муаммосини ҳал этишга қаратилган.
<b>Этика ва диншунослик</b>	иккала фан кишилар хатти-ҳаракати, феъл-атвори ва майл-истакларини ўрганади. Бу ўрганиш икки хил нуқтаи

	назардан олиб борилади: бири у ёки бу хатти-харакат, феъл-атвор, сабабий асосларнинг руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиб беради, иккинчиси эса руҳшунослик тадқиқ этган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради.
<b>Этика ва руҳшунослик</b>	ўз моҳиятига кўра инсонни сийратан баҳолайди, унга мана бу – фазилат, бу эса иллат деб, инсоннинг мавжуд хислатларини таҳлил қилиб кўрсатади.

**Хулоса:** “Домино” методини ўтказиш орқали талабалар фаннинг назарий қисмини чуқур ўзлаштиришга олиб келади. Ўқитувчи ўз ўрнида фаннинг категориал тизимини илмий жиҳатдан асослаб беришга эришади.

**Санъатнинг келиб чиқиши ва тараққиёти. Санъат ва унинг турлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги мавзусига “Чархпалак” методининг қўлланилиши.**

**Дарс мавзуси(семинар):** Санъатнинг келиб чиқиши ва тараққиёти. Санъат ва унинг турлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги

**Дарснинг таълимий мақсади:** Санъат эстетиканинг обьекти сифатида ўзига хос олам. Унда эстетик хусусиятлар бўртиб кўзга ташланади. Шунга кўра, уни нафосатга бурканган ижтимоий ҳодиса дейиш мумкин. Санъат ҳаётни инъикос эттирад экан, инсоннинг ўзини ўзига кўрсатувчи улкан кўзгу вазифасини ўтайди. У инсонни ўргатади, даъват этади, гўзаллаштиради. Бу вазифаларни бажаришда эстетика санъатнинг кўмакчиси, етакчиси ҳисобланади. Эстетика бир томондан, санъатнинг пайдо бўлишидан тортиб, унинг турларию жанрларигача, санъат асарининг ички мурватларидан тортиб, санъаткорнинг ижодкорлик табиатигача бўлган барча жараёнларни ўрганади. Иккинчи томондан, санъат учун умумий қонун-қоидаларни ишлаб чиқади ва татбиқ этади. Учинчи томондан, эса санъат асарини англаш этаётган киши руҳидаги ўзгаришларни нафосат нуқтаи назаридан тадқиқ қиласди.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Фуқароларда юксак дид ва идеални шакллантириш эстетик тарбиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу вазифанинг залворли юкини аввал ҳам, ҳозир ҳам ва бундан кейин ҳам чинакам санъат, адабиёт ва маърифат кўтаришига шубҳа йўқ. Санъат моҳиятан шахснинг хис-туйғуларига таъсир кўрсатишга қодир бўлган муҳим восита сифатида инсонни доимо ўзига жалб этиб келганлигини таҳлил қилишдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Санъат ва унинг турлари санъатнинг хусусиятлари ва вазифалари, бадиий ижод жараёни, ижодкор ва англаш этувчи ҳамда санъат турларнинг ўзига хос хусусиятларини тафаккур орқали талқин этишда ҳамда турли хил муносабатларни ўрганишда инсонга кўмак берувчи восита эканлигини англаш билан белгиланишини тушунтириб беришдан иборат.

**Дарсда фойдаланиладиган метод “Чархпалак”**

**Дарснинг бориши:**

1. Ташкилий қисм.

2. Талабаларни семинар машғулотининг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. Семинар машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бутунги кунда санъат ва унинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиёти ҳамда эстетика фалсафий фан сифатида барча санъатшунослик фанлари эришган ютуқлардан умумий хуносалар чиқариб, шу хуносалар асосида инсонни гўзаллик орқали хақиқатга етиштиришга хизмат қилиши ҳақида маълумотлар беради.

### **“ЧАРХПАЛАК” методининг мавзуга қўлланилиши**

Талабаларни сонидан келиб чиққан ҳолда 4 ёки бешта гуруҳга ажратиш ва қўйидаги жадвални бериш. Кичик гурухларда турли хилдаги ручкалар берилади Бажарилган ишнинг ўнг бурчагига гуруҳнинг рақами, чап бурчагига эса ўзига тегишли бўлган бирор белгини қўяди ва берилган рангли ручкада вазифани бажаради шу асосида гурухларни вазифалари бир-биридан ажралиб турилади. Жадвалдаги тушунчаларнинг маъносидан келиб чиқиб хусусиятлар, тамойиллар ва вазифаларга тааллуқлигини ручка билан ажратиб белги қўйиб чиқади.

### **Жонлантирилган маъруза**

Маълумки, маъруза олий ўқув юртларда таълим беришнинг асосий воситаси (қуроли) хисобланади. Яхши тайёрланган ва ташкил этилган, динамик тарзда ўtkazilgan маъруза: янги инфомацияни бериши, мураккаб назарий масалаларни тушунтириб системага солиши, муаммони ҳал этиш жараёнида ижодий тафаккурни моделлаштириши, турли ғоялар ўртасидаги боғланишларни таҳлил қилиши ва кўрсатиши, билим олишга интилишни шакллантириши, таълимни давом эттириш учун ташаббус ва мотивацияни келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари маъруза иқтисодий жиҳатдан ҳам қулайдир. Идеал тарздаги маъруза талабаларни ўқув жараёнига жалб этиши, улар ўртасида ўзаро таъсирни келтириб чиқариши ва қизиқиши уйғотиши керак. Лекин, афсуски, бундай идеал ҳолатга жуда оз маърузалар эриша олади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳатто энг қизиқарли маълумот берувчи маърузалар ҳам 15 - 20 дақиқадан сўнг ўз унумдорлигини йўқотади.

Ҳозирги замон олий таълимининг талабларини ҳисобга олиб, талабаларда танқидий фикрлашни ривожлантирувчи ва ўрганилаётган материални фаол таҳлил қилишни рағбатлантирувчи янги педагогик технологияларга таянган ҳолда қўйидаги жонлантирилган маъруза вариантини ҳавола қиласиз.

Жонлантирилган маъруза - анъанавий маърузанинг чукурлаштирилган вариандидир. Мазкур маърузада фаолиятнинг ҳар хил шакл ва турлари қўлланилади. Жонлантирилган маъруза билим, ўқув ва кўникма ҳамда шахснинг эмоционал-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

### **Маърузани ўтказиши усули:**

- 1-қадам. Аввалдан маърузани мантиқан тугалланган қисмларга бўлиб чиқинг.
- 2-қадам. Талабаларга диққатини материалнинг муҳим жиҳатларига жалб этувчи вазифа беринг. Вазифалар турлари:
  1. Барча билимларини жамлаш мақсадида "ақлий ҳужум" ўтказинг. (Кичик гуруҳларда) фикрларни ватмонга ёзиб, доскага илиб қўйинг.
  2. Жуфтликларда муҳокама қилиш учун савол беринг.
  3. Бошламоқчи бўлган маърузага тегишли бўлган атама ва тушунчалар рўйхатини кўрсатиб, 3 - 4 минутдан сўнг бу термин ва тушунчаларни тахминий талқинини беришни сўранг.
- 3-қадам. Маъруза материалларини 5 минут давомида баён этинг (10 минутдан ошмасин).

4-қадам. Дастребки натижаларни хulosалаш, талабалар ўз фикрларини маърузада эшитган ғоялар билан таққослайдилар.

5-қадам. Унча катта бўлмаган вазифалар берилади (кичик гуруҳларда ёки жуфтликларда ишлаш учун).

Вазифалар турлари;

- ..... учун нима қилмоқ керак
- ..... билан нима бўлади?
- .....да қандай қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин ва ҳоказо.

Иккинчи қадамда баён этилган вазифалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Муҳими маърузани давомини тинглаш учун талабаларда қизиқиш ва интилиш пайдо бўлсин.

6-қадам. Маърузани кейинги қисмини 10 - 15 дақиқа баён этиш.

7-қадам. Маърузанинг бу қисми бўйича фикрларини хulosалаш. Талабалар ўз ғояларини маърузада баён этилган фикрлар билан таққослайдилар.

8-қадам. Якуний вазифа:

1. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, маърузанинг муҳим тамойилларига тегишли бўлган саволга жавоб берадилар.
2. Талабалар 10 минутли "эссе" ёзадилар.
3. Улар 5 дақиқада "чиқиш карта"сини тўлдирадилар.

### **Ўқитувчига маслаҳат**

Жуда яхши тайёргарлик кўришингиз, жонлантирилган маъруза (продвинутая лекция) ўтказишнинг турли вариантларини қўллай билишингиз, импровизация қилишга тайёр бўлишингиз лозим.

### **1.2. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин дастлабки ўртага ташланган энг долзарб муаммолардан бири маънавият бўлди. Ҳозир ҳам бу муаммо жамиятимизнинг диққат марказида. Зоро, маънавиятсизлик ҳар қандай жамиятни таназзулга олиб бориши шубҳасиздир. Шу боис «Таълим тўғрисида»ги қонун,

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида миллий ва умуминсоний қадриятларни ўйғунлаштириш, ўқувчи шахси асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, ўз Ватани ва халқига содик фуқароларни шакллантиришга алоҳида аҳамият берилган. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлган Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларда «Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тариҳий анъаналарига, урф-одатлари хамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий хамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат ахолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади», -деб кўрсатилади<sup>1</sup>.

Дараҳқиқат, инсоният тарихини ахлоқий, маданий, эстетик тараққиётдан айри холда тасаввур этиш мумкин эмас.

«Эстетик маданият» тушунчасига илмий манбаларда турли фикрлар ва таърифлар берилади. Жумладан, «Эстетик маданият - эстетик қадриятлар, уларни яратиш ва истеъмол қилиш усуулларининг мажмуи»<sup>2</sup>. Бу таърифда эстетик маданият қадриятлар доирасида олиниб, уни жамиятда таркиб топиши ва ўзлаштирилишига ургу берилади. Бироқ, аслида эстетик маданият шахсни табиатга бўлган интилишлари ва уни ўзлаштиришга қаратилган муносабатларининг маҳсали сифатида вужудга келиб, воқелик гўзаллигидан баҳраманд бўлиш, турли шартшароитларда ўз эҳтиёжларига қараб нарса ва ҳодисаларни ўзгартириш асосида шаклланиб келган.

Шунингдек, «Эстетик маданият - бу инсон эҳтиёжларининг мураккаб тизими бўлиб, унда одамзод ҳиссиётлари, малакалари, кўниқмалари, билимлари, меъёрлари, маслаклари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганлиги»<sup>3</sup> дир. Мазкур таърифда эстетик маданият қўпроқ инсоннинг эҳтиёжларига боғлиқ ҳодиса эканлигига ургу берилган бўлиб, у ижтимоий тараққиёт жараёнида янгиланиб, истеъмол қилиб борилиши назарда тутилади.

Яна бир таърифда, «эстетик маданият инсоннинг маънавий-ҳиссий фаолияти билан боғланган муносабатлар ва қадриятлар тизимини ифодалайди»<sup>4</sup>, дейилади. Бунда эстетик маданият инсоннинг маънавияти ва фалсафий тафаккурининг қадриятлар тизимида шаклланиши асос қилиб олинади.

Бундан ташқари, шахс эстетик маданиятига нисбатан «Эстетик маданият қадриятларини ўзлаштириш, шахсий ва ижтимоий тажрибининг ўзаро алоқадорлиги негизида амалга ошади, унда шахснинг эстетик дунёқараси, қадриятларга танлаб муносабатда бўлиш малакалари, гўзаллик ва мукаммаллик тўғрисидаги тасаввурлари, воқелик, санъат қадриятларини англаш этиш шакллари,

<sup>1</sup> Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти. 1998. 55-бет

<sup>2</sup> Фалсафа. Қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004. -466 б.

<sup>3</sup> Umarov E., Karimov R., Mirsaidova M., Ouxo'jayeva G. Estetika asoslari. –Tochkent: Cho'lpon, 2006 -B. 143.

<sup>4</sup> Гулметов Э., Қобилжонова Т., Эрназаров Ш., Маврулов А. Маданиятшунослик. –Т.: Фан, 2000, -38 б.

эстетика, санъатшунослик тўғрисидаги билимлари муҳим омил ҳисобланади. Шахснинг эстетик маданияти, шундай қилиб, эстетик қадриятларни яратиш, ўзлаштириш ва истеъмол қилиш усууларидан ташкил топади»<sup>5</sup>, деган таърифларда шахс эстетик маданиятига мақсадли ёндошиш ва келажакка эстетик моҳиятни қарама-қаршиликлар ва мураккаб жараёнлар негизида тўғри йўналтириш<sup>6</sup> сифатида муносабат билдирилади.

Эстетик маданиятга берилган юқоридаги таърифларда бу муаммонинг айрим томонлари, қирралари олинади, аммо унинг туб моҳияти очилмай қолади. Мазкур таърифлар асосида эстетик маданият тушунчасига қуидагича таъриф бериш мумкин. Яъни эстетик маданият бу – муайян ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида кишиларнинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан ҳиссий-эмоционал ва завқий муносабатда бўлиб, уларни маънавий-эстетик қадрият сифатида баҳолашининг ифодасидир. Шунингдек, эстетик маданият, инсон ва жамият моддий-маънавий даражаси, ижтимоий-сиёсий омиллар, шахсий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўз ичига олувчи ижтимоий-тарихий ҳодисадир.

Мазкур таърифлар эстетик маданият тушунчасининг кенг қамровли эканлиги, воқеликнинг инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги, ҳар бир завқий муносабат эстетик дунёқарашнинг негизида ривожланиб боришни ўз ичига олади. Бир сўз билан айтганда, эстетик маданият – бу инсон жисмоний ва маънавий камолотининг воқеликка нисбатан завқий муносабатининг ифодасидир.

Эстетик маданиятнинг методологик асослари шахснинг эстетик эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда, инсонда завқий муносабатларни шакллантирувчи ҳис-туйғу, малака, кўникма, меъёр ва мезонлар билан узвий алоқадор бўлади. Бу эса, ўз навбатида, шахснинг воқеликни англаш этиши билвосита эстетик ҳиссиётларда намоён бўлиб боришини қўрсатади.

Жамиятнинг ривожланиб бориши давомида эстетик маданият фақатгина воқеликни эстетик англаш этиб қолмасдан, балки шахснинг эстетик онгода вужудга келадиган гўзаллик дунёсининг қиёфаси, бадиий-эстетик дидлари, асрлар давомида шаклланиб ва сайқалланиб келадиган умуминсоний қадриятлари, ахлоқий ва эстетик идеаллари ҳам бойиб боришини ифодалайди. Шунингдек, эстетик маданият жамият ривожида хилма-хил вазифаларни бажариб келади. У тадрижий ривожланиш жараёнида шахснинг табиатга бўлган муносабати ва уни ўзлаштиришга интилишини, меҳнат фаолиятининг ўзгариб боришини, майший хизмат соҳасини, ижтимоий ҳаётнинг завқли манзараларини, инсонларнинг борлиққа завқий ёндошувини, жамият талаб ва эҳтиёжлари асосида вужудга келадиган бадиий-эстетик омилларнинг қондирилишини таъминлайди.

Жамият маънавий ҳаётининг гўзаллик қонунларига мувофиқ ўзгарувчан бўлишига шахснинг эстетик маданияти ўз таъсирини ўтказади. Шахс эстетик маданиятида фақатгина муайян жамиятнинг эстетик маданияти, ўз ҳалқининг бадиий-эстетик ва маънавий-ахлоқий қадриятларигина эмас, балки, шу вақтгача

<sup>5</sup> Маданиятшунослик асослари. –Тошкент: Фан, 2006. – 84 б.

<sup>6</sup> Пирадов А.В. Эстетическая культура личности. –Ленинград: Знание, 1978. – 6 с.

инсоният яратган барча қадриятлар тизимини ўзлаштирилиши, адабиёт ва санъатнинг баҳоланиб борилиши ва муҳокама этилиши, табиатдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан завқий муносабатни шакллантириш назарда тутилади. Шахс эстетик маданияти ҳамиша инсоннинг воқеликка завқий муносабатининг намунаси сифатида эстетик тасаввур, фаолият, талаб ва эҳтиёж, тафаккур ва нутқ, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатдаги гўзалликни ўз ичига қамраб олади.

Эстетик маданият жамият ва шахс маънавий ҳаётининг муҳим омили бўлишига қарамасдан, у фақатгина маънавий омиллар билан чегараланиб қолмасдан, у бутун инсоният томонидан яратиладиган нарса ва ҳодисаларнинг ички ва ташқи дунёси билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, эстетик маданият инсоният тарихий тараққиёт жараённида эришган тажрибалари, табиатга бўлган завқий муносабатларининг намоён бўлиши, ижтимоий-рухий жараёнларнинг ўзгариши билан ҳам боғлиқ бўлади. Шу боисдан эстетик маданият тарихийлик негизида вужудга келадиган моддий, маънавий, ахлоқий, диний, психологик, сиёсий ва ижтимоий соҳаларни, шахснинг жамиятда субъект сифатида эстетик талаб ва эҳтиёжларини қондирилишини қамраб олади.

Эстетик маданият авлоддан авлодга ўтувчи завқли ҳаётни шакллантиради. Бу эса, асосан, адабиёт ва санъатда ранг-баранг қиёфаларда инсон образлари, мақсадлари ва идеаллари сифатида намоён бўлади. Бу жараёнда эстетик маданиятни шакллаштириш шахсдан улкан меҳнат талаб этади. Лекин ҳамиша ҳам шахс бирон-бир эстетик фаолият асосида ўзи мустақил билим олиши, табиат ва жамиятни ўрганиши, шахсий ҳаётида юз берадиган ўзгаришларга тайёр туриши осон кечмайди. Шу сабабли ижтимоий ҳаётдаги бадиий-эстетик ислоҳотлар шахс учун ижобий таъсир этувчи восита сифатида муҳим аҳамият касб этиб, ҳар бир шахсга йўналтириладиган эстетик ҳиссиёт негизида мулоқот маданиятига чорлайди, ҳар бир кишини гўзаллик, зак-шавқ оламига, ақл-англаш билан яшашга, дид билан инсон қалбидан жой олишга ундейди.

Эстетик маданият натижасида шахсда ўтмиш меросга муносабат шаклланади, тафаккури бойийди, чунончи, реал ҳаёт манзараларини англаш этишга, ундан сабоқ олишга ҳаракат қиласи. Шу маънода, эстетик маданият ҳаётни фалсафий англаш этиш ва ҳаётга фалсафий-маънавий муносабатда бўлиш демакдир. Бу нарса тарихий жараён сифатида қадимдан то ҳозирги кунга қадар ўзининг бой меросини жаҳон халқлари эстетик-фалсафий тафаккурида ифодалаб келган.

**Эстетик маданият** – эстетик қадриятлар, уларни яратиш ва истеъмол қилиш усулларининг мажмуи. Эстетик маданият табиатни эстетик ўзлаштириш жараёнлари натижаларини, меҳнат фаолиятида, турмушда, ижтимоий муносабатлардаги эстетик ҳолатларни; санъатнинг ижтимоий борлигини; жамият аъзоларининг эстетик қарашлари, дидлари ва манфаатлари кўламини; эстетик тарбия назарияси ва амалиётини; кишилар ижтимоий эстетик фаолиялари намоён бўлишининг ранг-баранг шаклларини ифода этади.

**Маданият** – (арабча – мадиналик, шаҳарлик, таълим-тарбия кўрган) –

табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос усули. Маданият алоҳида индивиднинг ҳаёт фаолияти (шахсий маданият), ижтимоий гурухнинг ёки жамиятнинг ҳаёт фаолияти усулини акс эттиради. Дастреб маданият тушунчаси инсоннинг табиатга мақсадаги мувофиқ таъсири (ерни ишла ва х.к.), ҳамда инсоннинг ўзини тарбиялаш ва ўқитиш маъноларини ифодалаган. Кейинчалик маданият тушунчаси орқали цвилизация билан боғлиқ мазмун тушунила бошланди.

Ахлоқ ва ахлоқийлик муаммолари инсоннинг ижтимоий муносабатларида муҳим ўрин тутгани боис, бу масала азалдан етук файласуфлар, алломаларнинг диққат-эътиборида турган. Чунончи, ўз асарларида инсон ахлоқ нормаларини эгалласагина маънавий камолотга эришиши мумкинлини таъкидлаган Абу Наср Форобий ахлоқий камолот шартлари ва асосларининг шарҳига алоҳида тўхталиб, ахлоқий камолотга эришиш, аввало, шахс жамият аъзолари билан фаолиятда муштарак-мутаносиб бўлса, унинг онгида нафақат шахсий, балки ижтимоий манбаатларга ҳам мойиллик юзага келиши орқали амалга ошишини кўп бор тилга олади.

Буюк аллома Абу Райҳон Беруний ахлоқийлик инсоннинг кишиларга, жамиятга ва ўз-ўзига реал, амалий муносабати асосида шаклланишини таъкидлайди. Беруний инсонни олий мавжудот сифатида тавсиф этар экан, Аллоҳ унга иноят этган ақл-заковатга муносиб бўлмоғи кераклигини баён этиб, инсондаги нохуш ахлоқизлиқ, бадфеъллик, аввало, унинг ўзи учун, қолаверса, жамият учун катта мусибат келтиришини уқтиради.

Шу боис жамият тараққиёти учун зарур ҳисобланган ахлоқий қадриятларнинг эгалланиши, инсоннинг амалий фаолиятда уларга амал қилиши - ахлоқий маданиятнинг асосий моҳиятини ташкил қиласди.

Ахлоқий маданият, аввало, ижтимоий ва иқтисодий омилларга ахлоқий тамойиллар аъмоллар ва қадриятлар шаклланиши шароитларига боғлиқ бўлади.

Ахлоқий маданият олами маънавий-амалий англашнинг зарур воситаларидан бири сифатида маълум қадриятларга йўналганликни, фаолият меъёрлари ва сабабларини, инсонлараро муносабатларнинг ўзига хос шаклларини қамраб олган ҳолда, уларни асослаб беради. Ахлоқий маданиятнинг муҳим омили бўлган ахлоқий онг ўз навбатида у ёки бу ҳолатда нафақат қандай йўл тутиш кераклигини, балки вазият тақозо эттан вазифани қандай амалга ошириш заруратиии ҳам тушунишга имкон яратади. Ахлоқий маданиятга, аввало, тарбия ва ўз-ўзини тарбия қилиш маҳсулси сифатида қараш, шу билан бирга, унга эришган шахс турли ижтимоии муҳитлар стихияси ва фавқулодда содир бўлган ҳодисалар зар-бидан ўзини йўқотиб қуймаслигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Бу жараён мактаб, оила ва бошқа тарбия даргоҳлари кутганидан ўзгача ҳам бўлиши мумкин. Бинобарин, шахснинг ахлоқий маданиятини қандайдир қотиб қолган омил қўриниши сифатида эмас, балки мунтазам юксалиб ва бойиб борувчи, ҳатто ахлоқнинг завол топиши йўлига кириб қолиши эҳтимоли бор бўлган жараён сифатида ҳам тушунмоқ лозим.

Ахлоқий қадриятлар иқтисодга, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига ва маданиятнинг бошқа кўринишларига нисбатан нисбий мустақилликка эга экани табиий. Хуқуқий меъёрлар, одат ва анъаналар, иқтисодий ва жтимоий-сиёсий муассасалар, санъат ва шу кабилар зинҳор ахлоқий адрияятлардан ҳоли бўлган ҳолатда амал қилмайди, бу ҳолат эса ўз навбатида шахснинг ахлоқий маданияти шаклланишига сезиларли таъсир этади. Ахлоқий қадриятлар шаклланишида унга ижтимоий меъёрлар таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жамиятдаги умумий тартиблар, ижтимоий -меъёрлар тарзида, инсоннинг уларга қай тариқа риоя қила бориши, уларни қай даражада ўзлаштириши, уларнинг индивидуал онгида қай тарзда акс этиши туфайли ички уйғотувчи омилларга айланада боради. Фуқаролар ахлоқий маданиятининг ўзига хос тарзда шаклланишига халқларнинг ҳаёт тарзи, улар яшаётган муҳит, урф-одат ва анъаналар кучли таъсир этишини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Табиий муҳит, яшаш тарзи, диний эътиқод ва шу кабилар таъсирида юзага келган ахлоқий онгнинг ўзига хослиги ахлоқийликнинг этник хусусиятини ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, ахлоқий маданиятнинг шаклланишида миллий давлатчилик шаклланиши ва ривожининг аҳамияти каттадир. Зеро, айни давлат халқлар ҳаётида талай мутараққий ахлоқий урф-одатларни қонунлаштиради ва нгу асосда ўз тараққиёти учун қонунлаштирилган хулқий асосларни яратади. Бизнинг назаримизда, ҳозирги кунда ахлоқий маданият инсон ҳаётини бой ботиний мазмун билан, юксак ижтимоий мантиқ билан тўлдиради, унга тўлақонлилик бағиш-лайди, жамиятда учраб турувчи ижтимоий тараққиётга тўсик бўлувчи хуро-фот ва иллатлар, салбий одатлардан ҳоли бўлишга, янги ҳаёт фаолияти шаклларини жорий қилишга имкон яратади.

Ахлоқий маданият даражасини ошириш зарурияти ҳозирги шароитда мустақил Ўзбекистоннинг мафкуравий-иқтисодий тараққиёти учун ҳам муҳим ҳисобланади. Шахснинг ахлоқий маданияти моҳияти унинг индивидуал онгини ва амалий ахлоқий фаолиятини миллий ва умуминсоний тамойиллар даражасига олиб чиқилиши билан алоҳида хусусиятга эгадир. Айни вақтда шахснинг ахлоқий маданияти кўп қиррали қадрият бўлиб, унинг асосий хусусиятлари ахлоқий билимлар, ҳис-туйғу, эътиқод ва амалий ишларда намоён бўлади.

Жамиятда маданий ривожланиш узоқ тарихий тараққиёт йўлига эга. Маданиятнинг турли шакллари тарихан шаклланиб, ижтимоий қатламлар учун турлича хизмат қилиб келган. Маданиятнинг шакллари, айни чоқда, шахс маънавий юксалиши, асрлар оша маънавий қадриятларни тўплаш ва кўпайтириш билан ажralиб туради. Ана шундай маънавий қадриятлардан бири сифатида эстетик маданият шахс тафаккури, онги ва дунёқарашини бойиш жараёнида жуда ката роль ўйнайди. Шундай экан, аввало, эстетик маданиятнинг ўзи нима эканлигини англаб этиш, шу аснода унинг ривожланиш қонуниятлари ва тамойилларини тадқиқ этиш зарурияти туғилади.

Жамиятнинг эстетик маданияти муайян тарихий шароитда яратилган ва англаш этилаётган эстетик қадриятлар йиғиндисидан иборат. Унга, биринчи

навбатда, миллат истиқомат қиласиган муҳит табиати, ижтимоий-сиёсий тузумдаги тизимлар фаолиятига муносабат, яратилаётган барча моддий ва маънавий қадриятларнинг эстетик жиҳатлари, одамлар ҳёти ва фаолиятидаги эстетик томонлар, адабиёт ва санъат дурдоналари киради. Эстетик маданият таркибида, албатта, жамиятнинг бадиий салоҳият амаллари жуда катта роль ўйнайди.

Шахс эстетик маданияти эса муайян жамият эстетик маданиятининг ўзига хос алоқа воситаси сифатида индивидуал-миллий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий ва бадиий-эстетик майллардан таркиб топади.

Жамиятда эстетик маданиятнинг ривожланиш қонуниятлари ижтимоий ҳёйтдаги барча соҳаларни қамраб олган ҳолда, теварак-атрофдаги манзараларнинг такрорланмас тароватларини, турли хил вазиятлар асосида (объектив ва субъектив омиллар натижасида) келиб чиқадиган эстетик муносабатларни, шахс идеаллари, инсон ҳёёт тарзи ва меҳнат фаолиятида зарур омил бўлган ижодкорлик қобилиятларини рўёбга чиқаришга хизмат қиласи.

Жамиятда эстетик маданиятни яратувчиси ва ижодкори шахс экан, у ўзининг онгли эстетик фаолияти негизида моддий ва маънавий эстетик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган зарурий воситаларни яратишга интилади. Шу аснода шахс тафаккури, воқелик ҳақидаги тасаввурлари, нафосат олами, ижтимоий муҳит тўғрисидаги қарашлари муайян қонуниятлар тизимида ривожланиб боради.

Жамиятда шахс эстетик маданияти турли хил нарса ва ҳодисалар ўртасидаги жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида ривожланади. Бу шахснинг онгига ҳосил бўладиган тасаввур ва фикрлар йиғиндиси эстетик моҳият касб этган қуйидаги қонуниятларда ўз ифодасини топади.

Табиат ва жамият ривожланиши жараёнида вужудга келадиган эстетик маданиятнинг бу қонуниятлари ижтимоий ҳёйтнинг барча жабҳаларида, айниқса, санъат, ахлоқ, хукуқ, дин, фан ва таълим соҳаларида амал қилиб, маданият назариясининг моҳиятини очиб беришга хизмат қиласи. Уларнинг ҳар бири жамият ривожида алоҳида-алоҳида шаклланиб, шахс дунёқарashi ва эстетик онгининг тараққий этишига олиб келади.

Қуйида ана шу қонуниятларнинг фалсафий-эстетик моҳияти ва йўналиши ҳақида фикр юритамиз.

*1. Ахлоқий ва эстетик маданият унсурларининг нотекис ривожланиши* Бу қонуният ижтимоий тараққиётнинг барча босқичларида ва ҳамма цивилизацияларда амал қиласи. Бу қонуниятнинг жамиятда амал қилиш механизмини ҳар бир шахс эстетик эҳтиёжининг ўзгариб ва ривожланиб боришидан билиш мумкин. Доимо шахснинг эстетик эҳтиёжлари муайян давр ва вазиятларда ўзгариб туради, баъзи даврлар оралиғида шахснинг муайян қадриятларга эҳтиёжи кучаяди. Бу жараёнга жавобан эстетик маданият ўзининг маълум соҳасини ривожлантиради, айрим унсурларини қайта ишлайди, натижада, эстетик маданият элементларининг ривожланиш даражаси нотекис бўлиб чиқади. Масалан, қадимги дунё маданиятида мифология ва афсона каби эстетик маданият унсурлари интенсив ривожланган, илм-фан, хукуқ, сиёсат каби соҳалар эса куртак

ҳолида эди. Бунга сабаб, қадимги одамлар оддий кўринишдаги уйларни қура олмаганликлари, ўзлари учун кийинишининг эстетик жиҳатдан содда шаклини билмаганликлари, табиат кучларини жиловлай олмаганликлари учун улар устидан хаёлий, мифологик қарашларнинг устунлик қилганлигидир.

Ўрта асрларда эса эстетик маданиятнинг яна бир соҳаси дин, хусусан, Ғарбда насронийлик ва Марказий Осиёда ислом динлари шаклланиб, кенг тарқалган ва одамлар турмуш тарзининг барча соҳаларига, сиёсат, хуқукий, ахлоқий ҳаётга фаол таъсир кўрсата бошлаган. Ўрта асрларда диннинг мавқеи шунчалик кучли эдики, Оврупо қироллигига тож кийдириш, ҳукмронлик қилишга рухсат бериш черков қўлида эди. Араб халифалари, яъни пайғамбарнинг ўринбосарлари, дунёвий давлат унвонига эга бўлмасалар-да, мамлакатда уларнинг сўзлари қонун, фармонлари дастурамал эди. Барча қозилик ишлари, фуқаролик, мулкчилик, оиласвий муносабатлар шариат томонидан тартибга солинарди. Оврупа мамлакатларида йирик машина ишлаб чиқариш усулининг, капитализмнинг шаклланиши жамият эстетик маданияти олдига фан ва техникани ривожлантириш вазифасини қўйди. Пировардида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида илмий дунёқарашга асосланган эстетик маданият анъанага айланди, одамларда технократик дунёқараш шаклланиб, аста-секин инсонпарвар эстетик маданиятдан тобора узоқлашиш ҳолатлари ҳам вужудга келди.

Бироқ, умуммаданиятдаги технократик йўналиш айни пайтда эстетик маданият ривожига тўсқинлик қилувчи ҳодисага айланиши эҳтимолдан холи эмас. Бу айни пайтда ғайри эстетик маданият ҳамда турли ахлоқиззлик иллатларини авж олишига сабаб бўлади. Шунингдек, эстетик маданиятнинг мақсади шахсни уйғун ривожлантириш эканлигини инкор қиласди, инсонлар ўртасидаги барча ижтимоий муносабатларни моддий манфаатдорликка боғлаб қўяди. Аммо капитализм жаҳон бозорини вужудга келтириб, хом-ашё учун, арzon ишчи кучи учун, капитал қўйиш учун курашни кескинлаштириб, йирик постиндустриал ишлаб чиқариш усулини барқарор қилиб, миллий ва этник тўсиқ ва чегараларни бузиб ташлаб, эстетик маданиятнинг муҳим соҳаси сиёсатнинг ролини кучайишига замин ҳозирлади.

Бундан ташқари, XX асрда, шунингдек, эстетик маданият соҳасидаги эркинлик, мутлақ эркинлик тамойили ҳам шу даражада кучайдики, энди эстетик маданиятнинг турғун қонуниятлари индивидуал майл, хоҳиш, эҳтиёжларнинг ифода майдонига айланди. Бу нарса, айниқса, моддий ишлаб чиқариш, тасвирий санъат, бадиий адабиёт ва театрда ўз ифодасини топди. Абстракционизм, сюрреализм, кубизм, символизм, поп-арт сингари бадиий-эстетик йўналишлар эстетик маданият унсурларининг чексиз-чегарасиз эканлигига ишора бўлди.

*2. Ахлоқий ва эстетик маданиятлар тараққиётининг нотекис ривожланиши.* Тарихдан маълумки, ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам, турли мамлакатларда турли ҳалқларнинг эстетик маданияти бир хил ва текис ривожланмаганлиги кўзга ташланади. Бу ҳодиса тасодифми ёки у қандайдир ички қонуниятларга буйсунадими? Нега турли ҳалқлар эстетик маданиятлари нотекис ривожланади, баъзи ҳалқлар эстетик маданияти даражасида фарқ сезилади? Бу саволларга

эстетик маданиятларнинг нотекис ривожланиш қонунияти жавоб беради. Мазкур қонуниятнинг амал қилиш сабаблари қуидагилардан иборат: а) ишлаб чиқариш кучлари ҳамда воситаларининг нотекис ривожланиши; б) табиат ва экология таъсири; в) халқ ижтимоий-тарихий тажрибаси ва эстетик маданияти анъаналарининг ўзига хослиги; г) диний ва ахлоқий тасаввурларнинг эстетик маданият билан нечоғлик уйғунлиги ва ҳоказо. Ана шу омилларнинг бир ёки бир нечаси у ёки бу халқ эстетик маданиятига таъсир натижасида эстетик маданият тараққиётидаги нотекислик вужудга келади. Масалан, эрамиздан олдинги тўрт мингинчи йилларда Мисрда илк цивилизация вужудга келиб ривожланишига ва бу цивилизация ўша даврларда бошқа халқлар эстетик маданиятларига нисбатан илгарилаб кетишига сабаб, Миср ахолиси қулай шароитда яшагани, Нил ҳавзасини ўзлаштириб, ишлаб чиқариш воситаларини анча мукаммаллаштиргани сабаб бўлган эди. Аммо, ўз даврининг илғор эстетик маданияти бўлган бу цивилизация қўшни мамлакатларнинг доимий тажовузлари ва ички зиддиятлари таъсирида инқирозга учради. Эстафетани Ефрат ва Тигр дарёлари оралиғида яшовчи Месопатамия ахолиси шумер ва аккадлар, кейинчалик Оссурия қўлга олди. Аммо бу оригинал цивилизациялар ҳам тарих саҳнасидан тушди. Бунинг сабаби ижтимоий-тарихий жараёнлар доимо эстетик маданиятнинг истиқболи ёки инқирозини ҳам белгилаб келди.

Милоддан олдинги уч мингинчи йилларда Хинд эстетик маданияти ривож топди, Мохонжо-Доро ва Хараппа цивилизацияси гуллаб яшнади. Эр. ав. уч мингинчи йилларда Хитойда илғор эстетик маданияти цивилизация шаклланди ва ривожланди. Марказий Осиёда эса илк цивилизация ўша даврда шаклланган ва Турон маданияти деб юритилади. Демак, қайси халқ қулай табиий ва ижтимоий муҳитга эга бўлса, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар чегарасини кенгайтирган, ўз тарихий анъана ва эстетик қадриятларини ривожлантирган, бойитган ва кенгайтирган, умумбашарий маънавий қадриятларни ўзлаштирган, воқеликка завқий муносабатни чуқурлаштирган бўлса, ўша халқнинг эстетик маданият даражаси ўсиб борган, бундай шароитлар, омиллар чегаралангандан эстетик маданиятнинг тараққиёт тезлиги сусайган ва торайган. Бу эса, ўз навбатида жаҳон миқёсидаги икки мингта турли қабила, элат ва миллатлар эстетик маданиятининг нотекис ривожланишига олиб келган. Шунингдек, бу нотекис эстетик маданият миллий ўзига хосликнинг омили сифатида ҳам кўзга ташланади.

*3. Эстетик маданият билан табиий муҳитнинг мутаносиблиги.* Бу қонуният ҳам барча даврларда ва барча халқларнинг маданий тараққиётига хосдир. Бу қонуният жамият ва табиатнинг ички, муҳим, тақрорланувчи алоқаларини ифодалайди. Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири натижасида улар бир-бирида чуқур из қолдиради. Табиий муҳитнинг эстетик маданият шаклланишидаги «излари» ни барча соҳаларда кўриш мумкин. Хусусан, эстетик маданиятнинг муҳим элементи бўлган уй-жой, иншоатлар, биноларда табиий муҳит ўз изини қолдиради.

Эстетик маданият ва табиий муҳитнинг мутаносиблиги қонунияти кийиниш

маданиятининг ҳам ўзига хослигини белгилаган. Масалан, Марказий Осиё контраст, яъни ўзгарувчан иқлими бўлгани учун, ерли аҳоли ана шу шароитга мослашиб кийим танлаганлар. Шимолнинг совуқ ўлкаларида яшовчи қабилалар эса доимо иссиқ пустинлар, мўйна кийим-бош кийишга мажбур бўлганлар. Жанубий Африканинг баъзи қабилалари ҳозир ҳам кийим киймайдилар, уларнинг кўпчилиги биргина лунги билан ёпинадилар, холос. Қизилқум ва Қорақумлардаги кучли шамоллар ва водийларнинг тоф ва кум ўртасида «қозон» каби ҳолатга тушиши натижасида турли касалликлар тарқатувчи бактерияларнинг мўллиги халқни шунга жавобан либос кашф қилишга ва ипакдан кийим кийишга мажбур қилган. Масалан, иштон қумни баданга ёпишишига йўл қўймайди, ипак эса қўплаб вирусларга нисбатан қалқон вазифасини бажаради.

Табиий муҳитнинг эстетик маданият шаклланишига таъсирини ҳаммомларнинг келиб чиқишида ҳам кўриш мумкин. Доимо юз-қўлни ювиб туриш, кийимларни тез-тез алмаштириш, ички ва ташқи кийим кийиб юриш ҳам табиий муҳит талаби, тозалик поклик эҳтиёжи асосида келиб чиқсан. Акс ҳолда ҳаммомда чўмилиш, бадан аъзоларини ювиб туриш, ипак кийимлар кийиш, кийимларни ювиб, тез-тез алмаштириш бўлмаса оммавий эпидемиялар оқибатида Турон халқи қирилиб кетган бўларди. Шарқ халқларининг турмушида шаклланган бундай эстетик маданият намуналари салиб юришлари даврида Овруполиклар томонидан қабул қилинган. Ҳаммомда чўмилиш, иштон кийиб юриш, овқатдан олдин ва кейин қўл ювиш, ички ва ташқи кийим кийиш, уларни алмаштириб туриш, кўрпатўшакларга чойшаб қоплаб, стол ва курсидан фойдаланиш, стакон (устихон) дазмол (утюк) дан фойдаланиш, колбаса (қўлбости) ишлаб чиқариш, соя учун рангли шишалардан фойдаланиш, ёпиқ аравани, шамол ва сув тегирмонини ишлатиш каби маданий қадриятлар Марказий Осиёдан Оврупага ўтган.

Табиий муҳит овқатланиш маданиятига ҳам таъсир қиласи. Маълумки, совуқ иқлимда инсон организми ўзидан энергияни кўпроқ ажратиб чиқаради, демак колорияли овқатлардан, шу жумладан, 4000 килоколлорияга эга бўлган чўчқа гўштини истеъмол қилишга тўғри келади. Аксинча, иссиқ иқлим шаротида одам организми камроқ энергия ажратиб чиқаради, демак, мұтадил энергияли овқат, яъни 3400 килоколлорияга эга бўлган қўй гўштини истеъмол қилиш жоиздир. Агар чўчқа гўшти истеъмол қилинса организмда модда алмашиниши бузилади, баданга иссиқлик тошади, ошқазон бузилади ва ҳоказо.

Табиий муҳит ахлоқий-эстетик маданият ва урф-одатларга ҳам чукур таъсир ўтказади. Кўпчилик маросимлар, расм-руссумлар, тўйлар, байрамлар табиат жараёнларининг циклик ҳолатлари асосида келиб чиқсан. Масалан, Наврўз баҳорги тенг кунлилик, янги йил дарчаси, экин экишнинг бошланишини нишонлаш байрамидир. Мехржон - кузда ҳосилни йиғиб олиш байрамидир. Қовун сайли, лола сайли, суст хотин, ваҳм ангом каби байрамлар ҳам худди ана шу табиатнинг циклик, доиравий айланиш жараёнлари асосида шаклланган эстетик маданият ифодасидир. Одам хаёти ҳам циклик характерга эга. Туғилган кун, балоғатга этиш, уйланиш, фарзанд кўриш, пайғамбар ёши, вафот этиш билан боғлиқ барча

маросимлар тарихан шаклланган. Табиатдаги циклик ҳаракатлар асосида эстетик объектлар ҳақида тасаввурлар ҳам пайдо бўлган. Масалан, ҳафта етти сайёрадан нишона, 12 ой ўн икки юлдузлар туркумига ишора, тақвим қуёш ва ойнинг циклик ҳаракати асосида пайдо бўлган.

*4. Маънавий эҳтиёжларнинг ахлоқий-эстетик маданият тараққиётига мос тарзда ўзгариб бориши.* Бу қонуният маданиятнинг функционал қонуниятларидан биридир.

Маълумки, эҳтиёжлар ранг-баранг, кўп қиррали бўлиб, доимо ўсиб боради. Агар эҳтиёжларнинг кўп турлилиги эстетик маданият унсурларининг пайдо бўлишини тақозо қилса, уларни қондирилиши янги эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Шаклланаётган янги фаолият турлари айни пайтда янги эҳтиёжлар туфайли вужудга келади. Шу маънода эстетик маданият ҳам қўйидан юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиб боради. Бир сўзў билан айтганда, моддий-маънавий эҳтиёжларнинг узвий ўсиб бориши эстетик маданият тараққиётининг ички манбаси, ҳаракатлантирувчи ўзагидир. Агар эҳтиёжлар бир қолипга солиниб дормалаштирилса, эстетик маданият ҳам ўзгармай қолаверади. Аксинча инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари чексиз ўзгариб, ўсиб борар экан, эстетик маданият ҳам шунчалик чексиз ривожланиб бораверади.

*5. Ижтимоий тузум билан ахлоқий-эстетик маданиятнинг алоқадорлиги.* Бу цивилизациялар ва маданиятлар ўртасидаги ички, муҳим, умумий алоқаларни ифодалайди. Маълумки, ҳар бир ижтимоий тузум ўзининг ишлаб чиқариш усули, ижтимоий муносабатлари, тафаккур тарзи, табақалар тузилиши, мафкурасига эга. Бу эса, ўз навбатида, муайян эстетик маданият типини ҳам шакллантиради. Бу қонуният ҳар бир тузумда ўзининг специфик хусусиятларига ҳам эга бўлади.

Ибтидоий жамоа тузумида хусусий мулкчилик, синфлар, давлат йўқ эди, барча жамоа аъзолари ишлаб чиқарарди ва маҳсулот teng тақсимланарди, уруғ, қабила эса ўзини-ўзи бошқаарди, ижтимоий, ахлоқий-эстетик ва диний муносабатлар қон-қариндошликка асосланар эди. Бу хусусиятлар муайян эстетик маданият типини ҳам шакллантирган эди.

Ибтидоий эстетик маданият қўйидаги хусусиятлар билан изоҳланади: биринчидан, у синкретик, яхлит ҳарактерга эга, яъни эстетик маданият унсурларга ва соҳаларга бўлинниб кетган эмас, балки ягона, яхлит бир маънавий қадрият, маданиятни ташкил қиласади; ахлоқ, дин, санъат, урф-одатлар ва ҳоказолар ажralиб чиқмаган эди; иккинчидан, шунга биноан профессионал бадиий-эстетик қадрият яратувчилар (рассом, ҳайкалтарош, ёзувчи, шоир, мусиқачи, раққос, созанда) билан бу неъматларни «истеъмол» қилувчилар ажralиб чиқмаган эдилар; маданий қадриятларни яратувчилар ҳам, тарқатувчилар ҳам, сақловчилар ҳам, истеъмол қилувчилар ҳам уруғ, қабиланинг ўзи эди; учинчидан, маънавий-ахлоқий қоидалар, урф-одатлар, диний ва эстетик тасаввурлар бир ёки бир неча уруғ ёки қабила доирасида амал қиласади, бошқа жамоаларга эса тарқалмас эди, яъни эстетик маданият кучли локал ажralган, турли этник тўсиқлар билан чегараланиб, «королчаларга» бўлинган эди; тўртинчидан, инсоният тарихидаги бу илк эстетик

маданият барча томонидан яратилиб, барчага мўлжалланган ва барчага хизмат қилган эди; бешинчидан, мазкур синкремтик маданият бағрида аста-секин меҳнат тақсимоти қучайган сари, одамлар эҳтиёжларининг тарихий ривожланиши сабабли маданиятнинг турли соҳалари пайдо бўлди, эстетик маданият инсон билан табиат ва жамият муносабатларининг завқли ижодий кўриниши тарзида шаклана бошлади.

Қулдорлик тузумида хусусий мулкчилик, синфлар, давлат, эксплуатация, мулкий тенгиззлик келиб чиқди ва бу ҳодисалар эстетик маданиятнинг ўзига хос типини вужудга келтирди. Бу давр эстетик маданияти қуидагиларда акс этди: а) бу жамиятнинг эстетик маданиятига боғлиқ равишда сиёсий маданият, ҳукуқий маданият, илмий маданият каби янги маданият унсурлари пайдо бўлди; б) бу давр эстетик маданияти профессионал ва ҳалқ эстетик маданиятига бўлинди, эстетик маданият арбоблари (ёзувчи, рассом, мусиқачи, ҳайкалтарош ва ҳок.) билан маданият намуналарини истеъмол қилувчилар пайдо бўлди; в) маданият яратувчилар, маданият истеъмолчилари ва маданият ҳомийлари вужудга келди; г) эстетик маданиятнинг синкремтиги бузилди ва маданият турли унсурлар ва соҳаларга бўлиниб кетди.

Феодализм жамияти ҳам эстетик маданиятда ўзининг чуқур изини қолдирди. Бу давр эстетик маданияти – табақа ва касталар, бойлар ва камбағаллар эстетик маданиятига ажралиш, Европада рицарлик одатларининг (этикетининг) вужудга келиши, Шарқда диннинг ҳукмрон мағкурага айланиши, Ғарбда насроний ва Шарқда мусулмон эстетик маданиятига бўлиниб кетиши билан характерланади. Лекин ҳалқ қайси қитъа ва мамлакатда яшамасин, қайси дин ва мазҳабга эга бўлмасин эстетик маданият бунёдкори ва истеъмолчиси бўлиб қолаверди. Бундан ташқари, бу даврда эстетик маданиятнинг умумбашарий жиҳатлари ҳам кўпроқ ва кенгроқ аҳамият касб эта бошлади. Шарқ цивилизациясининг жаҳон ҳалқлари маданий-эстетик тараққиётига таъсири кучая борди. Масалан, Шарқ цивилизациясида аллақачон моддий ва маънавий-эстетик қадрият тусини олган овқатдан олдин қўл ювиш, тишни мисков билан тозалаш, ҳаммомда чўмилиш, иштон кийиб юриш, уларни алмаштириб туриш, кийимни дазмоллаш, ғишт пишириш, шамол тегирмондан, усти ёпик аравадан фойдаланиш, қофоз тайёрлаш сингари инсоний одат ва ишлаб чиқариш маданияти жаҳон ҳалқлари орасида кенг тарқала бошлади.

Капиталистик тузум ҳам ўзига хос эстетик маданият типини шакллантириди. Биринчидан, бу даврда технократик йўналиш авж олиб, анъанавий эстетик маданият шакли ва вазифалари ўзгара бошлади. Йирик машина ишлаб чиқариш усули фан, техника, технология каби эстетик маданият соҳаларини ривожлантиришни зарурият қилиб қўйди. Шахс тафаккури ҳам, эмоционал эстетик маданият ҳам тобора рационаллашиб, назариялашиб борди. Иккинчидан, капитализм жаҳон бозорини вужудга келтириб, барча ҳалқларни бир-бирига боғлиқ қилиб қўйди, бунинг натижасида алоҳида регионал ва локал эстетик маданиятларнинг интеграциялашув пойдеворига асос солинди. Учинчидан, бу

даврда турли элатлар ва халқлар миллат бўлиб бирлашуви натижасида миллий эстетик маданиятлар шаклланиши тезлашди. Миллий эстетик маданиятларнинг вужудга келиши эса цивилизациялар тараққиётига янги куч-кувват бағишилади. Тўртинчидан, капитализм, айни пайтда, эстетик маданиятнинг шундай соҳаларини ривожлантириди (масалан, оммавий қирғин қуроллари, табиий мухитни заҳарловчи техника ва технология ва ҳоказолар), бутун инсоният цивилизациясинигина эмас, ердаги ҳаётни ҳам жар ёқасига олиб келиб қўйди. Бешинчидан, ижтимоий муносабатлар шу даражага етдики, одамлар ўртасидаги оиласи, шахсий, ахлоқий, маънавий, эстетик ва бошқа муносабатлардаги анъанавийлик пул-товар муносабатлари тизими билан алмаша бошлади.

*6. Шахс ахлоқий-эстетик маданиятининг шаклланиши хусусияти.* Бу шундан иборатки, ҳар бир шахс муайян маданий мухитда дунёга келади, ўсади ва шаклланади. У миллий эстетик маданият қадриятларини ўзига сингдиради, масалан, тил, урф-одатлар, ахлоқий қоидалар, билимлар, муомала нормалари, ишлаш, дам олиш, оила қуриш учун зарур бўлган сифатларни қабул қилиб олади. Албатта, ҳар бир шахс танлаш имкониятига эга бўлиб, ўз эстетик эҳтиёжларига кўпинча мос келадиган маданий қийматларни ўзлаштиришга интилади. Шахс муайян эстетик маданият бойликларини истеъмол қилиш билан чегараланиб қолмасдан, эстетик маданиятга фаол таъсир этиб, уни ўзгартириди, ривожлантириди. Бунинг учун у янги маданий қадриятларни яратади. Масалан, Амир Темур, Бобур, Улугбек сингари давлат арбобларининг, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Кайковус, Алишер Навоий, Нодира ва бошқа алломаларнинг эстетик маданиятимизга қўшган ҳиссаси бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари шахс маданий қадриятларни ўзида сақлаб, унинг обьекти бўлиб қолмасдан, уларни бошқа шахсларга тарқатади ва бу нарсани кўпинча таълим-тарбия, муомала воситасида амалга оширади. Аммо, шахс эстетик маданиятининг барча жиҳатларини ўзида мужассамлаштира олмайди, уларнинг ҳаммасини кишилар орасида ёйишга ҳам имконияти етмайди, чунки у замон ва маконда, шароит ва имкониятлар билан чеклангандир, эстетик маданият эса чексиз характерга эга. Жамият эстетик маданиятининг шахс табиати, фикрлаш ва фаолият турларига таъсири барча даврлар ва халқларда амал қиласи. Турли сабабларга кўра ҳайвонот оламига тушиб қолган одамларда на тил, на тафаккур, на ахлоқ, на билимларнинг бўлмаслиги бунга яққол мисол бўла олади.

Ижтимоий мухит, анъана ва миллатнинг тарихий-маънавий тажрибаси шахс эстетик маданиятида белгиловчи роль ўйнайди. Бу нарса, ўз навбатида, эстетик маданиятнинг миллий ўзига хослигини келтириб чиқаради. Турли цивилизацияга мансуб бўлган шахслар, масалан, француз, инглиз, олмон, америкалик, африкалик, ўзбек ёки тожик, қозоқ ёки рус турлича фикрлайди, ўзини тутади, мулоқотда бўлади ва ҳоказо. Шу билан бирга эстетик маданиятлар миллатлар ўртасидаги умумбашарий инсонпарварлик кайфиятларининг таркиб топиши ва ривожланиши учун хизмат қиласи. Шахснинг юксак эстетик маданияти унинг умумбашарий қадриятларга содиқлигининг рамзи, кўринишидир.

*7. Ахлоқий-эстетик маданиятнинг ворисийлик қонунияти.* Бу қонуният

эски қадриятлар билан янги қадриятлар орасидаги умумий, ички алоқаларни ифодалайды. Одатда бу қонуният маданий мерос ва замонавий эстетик маданият ўртасидаги алоқалар тарзида қўринади. Маданий мерос тушунчаси ўтмиш халқлар томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятлар мажмуини англатади. Ворисийлик қонуниятига кўра, ҳар бир янги эстетик маданият қуруқ жойда пайдо бўлмайди, у аввал мавжуд бўлиб келган эстетик маданият асосида юзага келади, ундаги муайян қадриятларни қабул қилиб олади, айримларини эса инкор этади.

«Эски эстетик маданият қўпинча анъаналар, урф-одатлар, расм-руsumлар, малака ва тажрибалар, ўтмишда яратилган қадриятлар тарзида намоён бўлади. Бу қийматлар эстетик маданиятнинг қўлга киритилган ютуқлари шахс томонидан жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичида ўзлаштирилади, қайта ишланади, бойитилади ва янада тараққий эттирилади. Эстетик маданиятнинг ворисийлиги қонунияти ана шунда ўз аксини топади»<sup>7</sup>.

Маданий мерос ўтмишда яратилган қадриятлар йифиндиси бўлса, ворисийлик ана шу қадриятларнинг янги эстетик маданият билан алоқасини аникроғи ўтиш жараёнини ифодалайди. Бу ўтиш жараёнида қадриятлар тўғридан-тўғри ёки ўзгартирилган ҳолда қабул қилиниши мумкин. Масалан, мусулмонлар азада жаноза ўқишининг мазмуни ва тартибини ўзгартирмасдан амалга ошириб келмоқдалар. Наврўз байрамини нишонлашнинг тартиби ва расм-руsumлари эса ўзгартирилиб ижро этилмоқда. Баъзи маданий ҳодисалар эса умуман инкор қилинади. Масалан, қалин олиш, хун олиш ва бошқа ўтмишдаги урф-одатлар ҳозирги эстетик маданиятимиз томонидан инкор этилган ҳодисалардир.

Жамият тараққиёти ижтимоий жараёнларнинг циклик ўзгаришлари асосида шахс эстетик маданиятининг қатор тамойилларини вужудга келтиради. Бу тамойиллар эстетик маданиятнинг шахс дунёқараши, маънавий қиёфаси, фалсафий тафаккурини янгича тараққиёт тарзи билан уйғунлаштириб, жамиятдаги маънавий, мафкуравий, иқтисодий, фалсафий, бадиий, эстетик фаолликни оширишга хизмат қилади. Шу маънода жамиятда шахс эстетик маданиятининг қўйидаги тамойилларини қўришимиз мумкин:

Биринчидан, шахснинг тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келадиган эстетик маданиятларни давр мафкураси ва ғоясига асосланган ҳолда ўзида акс эттириши, уни келажак авлодларга етказиб беришга асосланган тарихийлик тамойилидир. Ҳар қандай миллий ғоя ёки миллий мафкура бир даҳо ёхуд алломанинг ўйларида етишган фикрлар ва фақат соф ақл маҳсули бўлмай, балки жамият аъзоларининг моддий ва маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик маданияти, ҳаётининг маҳсулидир. Эстетик маданият табиат ва жамият қонунлари каби кашф этилмайди, балки халқнинг онги, турмуш тарзида маънавий дунёнинг мухим жиҳатлари сифатида шаклланиб боради. Шунинг учун ҳар бир миллий ғоя ўзига хос ва ўзига мос тарихий-эстетик мазмунга эга бўлади.

Иккинчидан, шахс эстетик маданиятнинг ижтимоийлиги шундаки, у жамиятнинг барча соҳалари, қатламларига сингиб, шахснинг нафосат дунёсидан

<sup>7</sup> Хайруллаев М, Шорохмедов Д. Маданият ва мерос. -Тошкент::Фан, 1973. – 15 б.

дарак беради ва унинг фаолият турларида намоён бўлади.

Шахс эстетик маданияти жамиятнинг барча соҳаларида намоён бўлиши универсал ҳодиса экан, уни ўрганиш усуллари, услублари ҳам кенг қамровли, турли-туман бўлиши мумкин.

Учинчидан, шахс эстетик маданиятининг полифункционаллик тамойили жамиятдаги турли ижтимоий вазифаларни бажаришда кўринади. Хусусан, эстетик маданият оламни ўзгартириш, инсонни тарбиялаш, борлиқни билиш, ижтимоий организмни бошқариш, шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, улар амалларини назорат қилиш, фуқарони ҳимоя қилиш, унга лаззат бағишилаш, тарихан шаклланган эстетик маданиятни авлодларга етказиб бериш, амалга ошмаган ва ошмайдиган истакларнинг ўрнини тўлдириш каби вазифаларни бажаради.

Тўртингчидан, эстетик маданиятнинг умумфалсафий тамойили марказида шахснинг борлиқдаги ўрни, унинг табиатга, жамиятга ва ўзига бўлган муносабати масаласи туради. Маданиятсиз шахс ўзининг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини англай олмайди, табиат ва жамиятга онгли, ижобий ва ижодий муносабатда бўла олмайди. Шунинг учун ҳам маданият шахсни табиат ва жамият билан боғлайди ҳамда бу мураккаб алоқани англаб етишга, инсоннинг оламдаги ўрни ва аҳамиятини тушуниб етишга имкон беради. Эстетик маданият бу йўлда чексиз имкониятларга эга.

Бешинчидан, шахс эстетик маданияти дунёни англаб етишда методологик аҳамият касб этади. Инсон нимага дунёга келади, у қандай яшайди, яшашдан мақсад нима, у нималарга қодир сингари саволларга жавоб топишда шахс эстетик маданиятининг аҳамияти катта роль ўйнайди, чунки маданият ўз воситалари ёрдамида мазкур муаммоларни ечиш йўлларини ишлаб чиқади ва таклиф этади.

Олтинчидан, шахс эстетик маданияти маънавий қадриятлар тарзида намоён бўлади. Маънавий қадрият эса ўз табиатида миллат ва мамлакатнинг умумбашарий маданиятдаги улуши, ҳиссаси сифатида эстетик аҳамият касб этади.

Еттингчидан, шахс эстетик маданиятида глобаллашув тамойилининг ҳам аҳамияти катта. Унда турли хил маданиятларнинг бир-бири билан ўзаро таъсири, алоқалари, уйғунлашиши, интеграциялашув жараёни ҳам акс этади.

Саккизинчидан, шахс эстетик маданиятига циклик (даврийлик) хусусияти хос. Чунки цивилизациялар ҳам бутун борлиқ каби ўз бошидан циклик жараёнларни кечиради. Цивилизациялар маълум бир даврда муаяйн минтақада пайдо бўлади, турғунлик ва тараққиёт босқичларини бошидан кечиради ёки ўрнини бошқа цивилизацияларга бўшатиб берганидай, шахс эстетик маданияти ҳам ўзгариб, бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиб боради<sup>8</sup>. Унинг шакл ва амалиётида турли жиҳатлар, турли тамойиллар намоён бўлади.

Умуман олганда, шахс эстетик маданиятининг шаклланиш тамойиллари жамият ривожланишида ўзининг янгича қиёфаси, мазмун ва моҳияти билан эстетик

<sup>8</sup> Мадиримов Р.М., Мадиримова М.С. Маданиятни тадқиқ қилишнинг методологик муаммолари. // Фан ва илмий ижодиёт методологиясининг муаммолари. -Самарқанд, 1998. -Б. 120-124.

онг ва фаолиятнинг хилма-хиллигини вужудга келтириб, воқеликка бўлган завқий муносабатларни бойитиб боради.

### **1.3. Ўзбекистон таълим тизимининг ахлоқий-эстетик мазмуни.**

Бугунги кунга келиб этика ва эстетика фанларининг тадқиқот соҳаси шу қадар кенгайиб бормоқдаки, у деярли барча соҳаларда, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида – тиббиёт эстетикаси ва биоэтика, экология соҳасида – экологик эстетика ва ахлоқий мухит, техникавий тараққиёт соҳасида – техника эстетикаси (дизайн) ва ахлоқий макон каби соҳаларнинг юзага келгани шулар жумласидандир. Жамиятда маънавиятни юксалтиришни эса “Этика” ва “Эстетика” фанларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан, Президентимизнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида фарзандларимизни миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш доимо долзарб аҳамият касб этиб келганлиги, бу масалага эътибор бермаслик бутун жамият учун жуда қимматга тушиши мумкинлиги алоҳида қайд этилади.

Айтиш мумкинки, эстетика инсоннинг кундалик ҳаётига ғоятда яқин бўлган фан ҳисобланади. Чунки, ҳозирги таҳликали замонада яшаётган ҳар бир одам гўзалликни чуқур ҳис этадиган, уни асрайдиган нафис дид эгаси бўлиши, ҳақиқий бадиий асар билан савияси паст асарни фарқлай олиши, «оммавийчилик санъати»нинг ғайри ахлоқий хусусиятларини рад қила билиши лозим. Шуни хуроса қилган жаҳоннинг классик университетлари таълимда эстетик билимни мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан эстетика бўйича Гарвардда (АҚШ) 3 та марказ, 18 та йўналишда (бу йўналишда эстетика соҳасига доир 46 та фан ўқитилади) илмий тадқиқот ҳамда таълимий ишлар олиб борилмоқда. Оксфордда (Англия) “Эстетика” факультети ташкил этилган бўлиб, факультетда шу соҳага доир 66 та, Принстон университетида (АҚШ) “Эстетика” кафедрасида 30 дан ортиқ фан мавжуд. Данияда эса маҳсус “Эстетика” университети бор. Мазкур университетлар ҳозирги пайтда жаҳон олий таълим муассасаларининг рейтингида кучли ўнталиктининг ичидаги турибди. Бундан ташқари, Австрия, Канада, Англия, Германия, Греция, Хиндистон, Исландия, Эрон, Италия, Нидерландия, Швецария, Шотландия, Норвегия, Шимолий Африка давлатларида “Этика” ва “Эстетика” марказларидан ташқари, олий таълим муасасаларида “Этика” ва “Эстетика” номи билан алоҳида кафедралар фаолият кўрсатади. Жумладан, мамлакатимизда Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультетида “Этика ва эстетика” кафедраси фаолият олиб бормоқда.

Маълумки, таълим тизими барча даврларда ҳам давлат сиёсатининг асосий бўғини ва жамиятнинг манавий камолоти, ертанги келажагини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг ilk даврларидан бошлаб миллий таълим тизимини ишлаб чиқишига катта ургу берилиб амалда бу борада қонун ва дастурлар қабул қилинди. Ҳорижий давлатлар эътироф этаётган бугунги таълимдаги ютуқларимиз олиб борилаётган амалий Ҳаракатларнинг мевасидир. Миллий таълим тизимининг жорий этилиши ўқувчи-талабаларда факат маълум фан соҳаси бўйича ўқитиб билим бериш билан чегараланиб қолмай уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва

эстетик дидини ҳам шакллантиришдан иборат. Уларнинг билими, интилишлари ва имкониятлари биздан беҳад даражада юқори бўлишини, ҳалоллик ва поклик хислатлари, савоб ишларни қилишга интилиб яшашлари ҳаётлари тарзига айланишини орзу қиласи. Зоро, ёшларимизнинг ахлоқий-эстетик камолотида умумбашарий ютуқларни эгаллаш, тарихимиз, маданиятимиз ва буюк аждодларимиз қолдирган мероснинг аҳамиятини тобора чукурроқ англаш ва уни тахлил қилиб ҳаётда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 1997 йил 29-августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг яратилиши ва ҳаётга тадбиқ қилиниши ушбу муҳим соҳада чукур ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Мамлакатимизда таълим тараққиётининг шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ҳамда маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳаси сифатида қонунан белгилаб қўйилди ва асосий эътибор шахснинг камолотига қаратилди.

Глобаллашув даври ўзи билан ижобий янгиликлар билан бирга миллийликка ҳавф солувчи унсурларни ҳам ташийди. Шунинг учун глобаллашув жараёнида ахлоқий-эстетик билимлар ижтимоий-маънавий заруриятга айланиши кузатилмоқда. Чунки ёшларнинг глобаллашув тақдим этаётган кенг имкониятлардан фойдаланишдаги қоидаларни четлаб ўтаётгани ўларни бирмунча миллийликдан бегоналашувига олиб келиши нотўғри йўлларни ўзларида қўллаши ахлоқий-эстетик билимларнинг долзарблигини яна бир бор намоён этади.

Мамлакатдаги таълим-тарбия тарихи ва тараққиёти учун муҳим бўлган асосий воқеа 1997-йил 29-августда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тизимга янгича рух ва йўналиш бағишилади, дея айтиш мумкин. Мақсадли таълим асосида кадр тайёрланиши туфайли таълим тизими 7 босқичга бўлинниб ундан самарадорлик ва кадрларни касбга йўналтириш мувафақиятли амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда таълим асосида олиб борилувчи тарбия жараёни ҳам самарали амалга оширилмоқда. Чунончи, ўрта маҳсус таълим тизимида “Одбонома”, “Тасвирий санъат”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол гояси”, “Мусиқа”, “Маънавият асослари”, “Маданиятшунослик”, “Эстетика” фанлари асосида эстетик ва ахлоқий тарбияни бойитишга эътибор берилмоқда.

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан қучлидир. Мазкур тамойил халқнинг ахлоқий-эстетик тарбияси нафақат индивидуал, балки мамлакатнинг савиясини ҳам белгилайди. Шу маънода, мазкур бобда эстетик ва ахлоқий билимлар ўзбекистон таълим тизимининг асоси билан боғлиқ масалалар илмий тахлил қилинади. бунинг учун аввало билим нима, унинг моҳияти ва мазмуни нимадан иборат, ундан сўнг эстетик ва ахлоқий билим нима, унинг мазмуни, талқини, зарурияти ва аҳамияти қандай қаби масалаларга алоҳида

тўхталиб ўтишимиз керак.

“Билим — ижтимоий-тарихий, амалиётда текширилган ва мантиқан тасдиқланган, воқеликнинг билиш жараёнида эришилган натижаси; шу воқеликни инсон онгида тасаввурлар тушунчалар, мухокама ва назариялар орқали ифодаланган адекват инъикоси. Кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари; воқеликнинг инсон тафаккурида акс этиши. Кундалик тасаввуримизда ниманинг нима эканлигига ишонсак ва бу ишончимиз биз одатланган воқеа ва ҳодисаларга (коидаларга) зид келмаса бундай ишонч билим ҳисобланади.”<sup>9</sup> Ўз ўрнида билим фанда шакл ва смоҳаларга ҳам бўлиб ўрганилади.

Эстетик билим чуқур ва барқарор эстетик қизиқишлиарни ҳосил қилиши мумкин. Ўқувчидаги эстетик билим уни эстетик фаол бўлишга, фаолиятини намоён қилишга тайерлайди. Шахс аста-секин теварак-атрофни гўзаллик қонунлари асосида ўзгартиришга, гўзаллик яратишга ҳаракат қиласи, чунки инсон гўзалликни нафақат мушоҳада этади, балки уни яратади ҳам. Эстетик жиҳатдан тарбияланган одам хаётни гўзал қилишга интилади, эстетик томондан фаол бўлади. Шахснинг эстетик фаоллиги хаётда гўзаллик яратишда эгалланган эстетик кўникмаларида: чиройли, бежирим кийинишида, маданий муомаласида, ўзини тута билишида, оила ва ишда эстетик мухитни яратишида намоён бўлади.

Кузатишларимиз натижасида назарий ва амалий эстетик билимларни эгаллаш асосида ўқувчи-талабаларда куйидаги ҳолатлар кўзга ташланди:

- эстетик билимларнинг таркиб топғанлиги;
- эстетик маданиятнинг тарбияланганлиги;
- эстетик ва маданий мерос намуналаридан хабардор бўлиш;
- эстетик туйғуннинг ривожланганлиги;
- ижтимоий ҳаёт, табиат ва меҳнат гўзалликларини ҳис этиши;
- гўзалликка интилиш эҳтиёжининг ривожланганлиги;
- эстетик идеалнинг шаклланганлиги;
- фикрлаш, фаолият, хатти-ҳаракат ҳамда ташқи кўринишида гўзал бўлишга интилиш.

Ахлоқий билим моҳиятига қўра инсон онгининг жамият билан алоқадорлиги, жамият олдида бурчли эканлиги, ўз хулқ-атворини жамият тараққиёти даражасига боғлиқлигини тушуниши, жамият томонидан тан олинган ахлоқий меъёр, идеал ҳамда талабларни бажаришда масъулиятни ҳис этиши, маънавий-ахлоқий билимларнинг эътиқодга айланиши ва бу эътиқодларнинг тизимлилиги, мустаҳкам маънавий-ахлоқий ҳис-туйғу ва хислатларни шакллантириш, ўқувчи-тадабалар томонидан маънавий-ахлоқий хулқ-атвор жамият аъзоларига бўлган ҳурмат-эътиборни намоён этувчи мезонлардан эканлигининг англаб етилиши, маънавий-ахлоқий одатларнинг шаклланиши ва бошқаларда намоён бўлади.

#### **1.4. Олий таълимда этика ва эстетика фанларининг ўқитилиш ҳолати.**

Этика ва эстетика фанларини ўқитишга янгича ёндошувлар.

Этика фани бугунги кунда:

<sup>9</sup> «Фалсафа қомуси» Ўзбекистон 2010 й.

1. (Москва давлат университетининг Этика кафедрасида) Фалсафа факультетида жами 48 соат
2. Телевидениенинг олий мактаби факультетида – “Этика” фани
3. Политология факультетида – “Сиёсий этика” фани
4. Социология факультетида - “Ишбилиармон муомаласи этикаси” фани
5. Олий таржима мактабида - “Таржима ва дипломатик протокол этикаси” фани ўқитилиб келмоқда.

Кейинги 5 йилда ўқилаётган маҳсус курслар:

1. «Античная этика»; «Этика Аристотеля»; "Актуальные проблемы этики", "Негативная этика" (академик РАН, профессор А.А. Гусейнов) - 40 часов
2. "Нормативная этика", "История этики Нового времени", «Философия любви», (профессор Р.Г. Апресян) - 48 часов
3. «Биомедицинская этика»; «Профессиональная этика» (профессор А.Я. Иванюшкин) - 30 часов
4. «Нравственные основания личностного бытия», "Этика глобальных проблем" (профессор А.В. Разин) - 30 часов
5. «Стоическая традиция в этике», "Моральная философия Древнего Рима", "Этика заслуг и этика благодати А. Августина", "Этика Б. Спинозы", "Понятие страха" (доцент А.Г. Гаджикурбанов) - 66 часов
6. "Этика деловых отношений", "Этика бизнеса" (доцент Т.И. Пороховская) - 30 часов
7. «Происхождение морали» (Д.С. Акимова) - 30 часов

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон таълим тизимида ахлоқий ва эстетик билимларнинг ўрнини белгилаш уни оширишда тизимдаги ўзгаришлар қабул қилинган қонун, дастур ва улар асода қабул қилинган меъёрий хужжатларнинг таркибида ҳам эътибор қаратилган муҳим жиҳат ахлоқий маданиятнинг энг юксак намунасини ўзида жамлаган, эстетик дид, гўзаллик ва нафосатда миллийликни билан бирга замонавийликни уйғун англай ва қўллай биладиган кадрларни тайёрлаш уларни ишлаб чиқариш ва жамиятнинг турли жабҳаларидағи қайнок нуқталарга етказиш келажакдаги асосий мақсад ҳисобланади.

### **“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг ахлоқий ва эстетик мөҳияти.**

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, жаҳон ҳамжамиятининг муносиб ва teng ҳукукли аъзоси сифатида мустаҳкам ўрин эгаллашига кенг йўл очиб берди. Истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ мамлакатимиз тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган устувор масалалар қаторида ёшлар тарбиясига, хусусан, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга ҳам катта аҳамият қаратилди.

Мустақиллик даврида бу каби масалалар бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда уларнинг натижаларидан педагогик фаолиятда кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, бугунги ва эртанги кунимизнинг, мамлакатимиз тараққиётининг асоси бўлган, ҳалқимизнинг барча орзу интилишларини, мақсадларини ҳаётимизда амалий рӯёбга чиқарадиган серқирра, ҳар томонлама

етук кадрларни тайёрлаш масаласида қилинаётган ишлар алоҳида эътиборга лойикдир. Ўзбекистон республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Ақл – заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади”<sup>10</sup> деган фикрлари мамлакатимизда таълим ва тарбияни янада юксак даражаларга кўтаришдек вазифаларни олдимизга қўяди.

Ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 27 августдаги IX сессиясида қонуний замин бўлган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинди. Дунёning кўплаб мутахассислари томонидан эътироф қилинаётган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” мамлакатимизга юқори савияли кадрлар тайёрлаб бериш бўйича узоқ ва давомли мақсад – манфаатларни ўзида акс эттиради. Ҳар бир ташкиллаштириладиган ишлар пухта тузилган режа асосида, самарали тарзда олиб борилиши билан бир қаторда ижобий натижа берилишига ҳам катта аҳамият қаратишимиш лозим. Яъни ҳар бир қиласиган харакатимиздан яхши натижа чиқсин. Ушбу натижалар инсон манфаатлари учун хизмат қилсан. Шу билан бирга жамият тараққиётига ҳисса қўшсан. Бу каби вазифаларни амалга ошира оладиган ислоҳотлар кўплаб топилади, аммо уларнинг орасида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” алоҳида ўрин тутади. Дастурда бу борадаги фикрларга алоҳида эътибор берилиб, мақсадга миллий ва замонавий рух бағишлиланади. “Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва харакатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида. Замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.”<sup>11</sup>

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидағи жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» 5 та бўлимдан иборат бўлиб, унда кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш омиллари, дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари, кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, дастурни рўёбга чиқаришга оид чора-

<sup>10</sup>Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Тафаккур. 2-сон. 1998-й.

<sup>11</sup>Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. “Шарқ” 1998 й.

тадбирлар белгилаб берилган. Ҳар бир тайёрланаётган кадр ўз салоҳияти ва фаолият туридан келиб чиқиб мутахассислик соҳасининг тўлақонли эгасига айланиши унинг амалий фаолиятида ютуқларга эришишига олиб келади. Шу давргача амалда бўлган тизим камчиликлари, эндиликда уларга йўл қўймаслик ҳам дастурдан кўзланган мақсадни аёнлаштиради. “Ўқув жараёни билим даражаси ўртача бўлган мўлжалланган бўлиб, таълимнинг иқтидорли ёшлар билан якка тартибдаги ўқув дастурлари билан ишлаш каби механизмларидан яхши фойдаланилмаяпти. Ўқув дастурлари мафкуравий сарқитлардан тўлиқ ҳоли бўлганича йўқ уларда маънавият ва ахлоқ асосларини ўргатувчи, иқтисодий, хуқуқий, эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмаяпти.”<sup>12</sup> Бугунга келиб бу фикрлар юзасидан бир қанча амалий ишлар амалга оширилиб таълим тизими эски асоратлардан тозаланишига муваффақ бўлинмоқда. Бу борада соҳага даҳлдор барча мутахассисларнинг фикрлари ва тажрибасидан унумли фойдаланилмоқда.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида устоз, муаллим, ўқитувчи зиммасига энг муҳим вазифа - жамият келажаги бўлган ёшларни тарбиялаш, илм бериш вазифаси юклатилган. Ҳар бир жамиятда ҳам педагог, ўқитувчи, тарбиячиларга ёшлар мураббийси сифатида катта ҳурмат билан қараб келинган. Айниқса, бизнинг мустақил юртимизда ўқитувчига ҳурмат-эътибор ва унга кўйилган масъулият ҳам ниҳоятда ошиб бормоқда. Бу ўринда республикамизда 1 октябрни «Устоз ва мураббийлар куни» деб эълон қилинганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Маълумки, «шахс ва давр» ёки «давр ва шахс» муносабати муаммолари таҳлилида учта ҳолат бўлиши мумкин:

Биринчидан, шундай шахслар бор - улар давр билан ҳамнафас, ўзи яшаган замоннинг яловбардори сифатида намоён бўлади.

Иккинчи тоифа шахслар ўз даврининг руҳи, мақсад ва вазифаларини англай олмайди, яъни замондан орқада қолади.

Учинчи тоифа инсонлар етакчилар саналиб, улар воқелиқдан ўзиб кетади, айни пайтда ўз даврининг руҳини чуқур ҳис этади ва англайди. Бундай шахс ҳаётий қарашлари, ғояси ва фаолият йўналишида келажакни кўра олади. Шундай қилиб, миллий дастурдан кўзланган мақсадлар жуда қўп. Аввало, бу мақсад ва вазифаларнинг тўла амалга ошиши мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий мухитнинг ўзгаришига олиб келади, жамиятда янги шахс комил инсонлар вужудга келади.

Миллий дастурда кўзлаган мақсадларга эришиши таълим-тарбия тизимидағи ишлар самарасига ва аввало, ўқитувчига ҳам боғлиқдир. Ўз даврининг руҳини чуқур англаған, келажакни кўра билган шахсларни тарбиялаш ўқитувчи тарбиячиларнинг бош вазифасидир. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллашига эришмоғимиз даркор. Ўқитувчининг бош вазифаси: ўқувчиларда мустақил фикр юритиш қўнималарини

<sup>12</sup> “Таълим тўғрисида”ти Қонун. Т.: Шарқ, 1997. Б.37

хосил қилишдан иборат. Уларда тафаккур кирраларини шакллантириш ва ривожлантириш энг муҳим таълимий-тарбиявий иш бўлиб ҳисобланади.

Бундай мураккаблашиб бораётган жамиятда ҳар бир шахс ўз истеъоди ва маҳоратини кўрсата олмаса, фикрлаш тарзи ва тафаккури замон билан ҳам нафас бўлмас экан уни баркамол инсон даражасига кўтариб бўлмайди. Умуман, ҳамма замонларда ҳам етуклиknинг асосий шартларидан бири аввало билим ва ҳунар, юксак фазилатлар эгаси бўлиш билан белгиланади.

Бу каби шартларни адо этиш учун ёшларга кенг имкониятлар ҳамда қулайликлар яратиб берилган. Ўзбекистон республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов “Бугунги кунда тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илгор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатишига эришишимиз керак” - деган эдилар. Европа, АҚШ, Россия, Корея, Япония ва бошқа бир қанча мамлакатлардаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу эса таълим олиш самарадорлигини ошириш бўйича бир қанча қулайликлар яратилишини таъминлаб беради. Нафақат бизнинг талабалар чет давлатларга бориб ўқишиди, балки чет давлатдан ҳам бир қанча талабалар келиб бизнинг олий ўқув юртларимизда таҳсил олиб, малакаларини ошириб кетишмоқда. Биргина “Магистратура тўғрисида Низом”нинг ўзида хорижий фуқароларга ҳам юртимизда таҳсил олишга қанчалик кенг имконият яратиб берилганлиги айтиб ўтилган. Хорижий фуқаролар юртимизда таҳсил олишни “Хорижий фуқароларни Ўзбекистон республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари асосида амалга оширилади. Давлатимизнинг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгилаб берилган олий таълим соҳасига, етук кадрлар тайёрлаш масаласига бўлган эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлган бундай янгиликлар ёшларнинг янада чуқурроқ билим олиши, келгусида юксак маънавиятли, ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб этишишига хизмат қиласи.

Ёшларни камолга етказиш таълим тизимида ахлоқий ва эстетик билимлар орқали амалга ошади, уларнинг ижтимоийлашуви эса инсонни бевосита ҳаётга ва воқеликка яқинлаштиради. Шу ўринда “ижтимоийлашув-инсон томонидан жамиятда ҳаёт кечириш имконини берувчи билимлар, нормалар ва қадриятлар тизимининг ўзлаштирилиши жараёни” эканлигини назарда тутсак тушунчанинг аҳамияти ойдинлашади. Ижтимоийлашув - инсон томонидан кишилик маданиятининг, хусусан ахлоқий-эстетик маданиятнинг ўзлаштириб борилиши жараёни сифатида ҳам талқин этилиши мумкин. Маданий муҳитга мослашиш жараёни сифатида ижтимоийлашув инсоннинг бутун умри бўйи давом этади, бироқ бу жараён болалик даврида бошланади. Мазкур даврда бола ахлоқий-эстетик қадриятларни ўрганиш жараёнидан узib қўйилса, ижтимоийлашув жараёни тўхтаб

қолади. Инсоннинг ахлоқий-эстетик қадриятларни ўзлаштириши жараёни унинг индивидуаллигининг шаклланиши билан ҳамоҳангдир. Бунда асосан таълим тизимининг ўрни бекиёс негаки, юқорида айтилганидек шахснинг шаклланиш жараёнининг асосий даври таълим олиш вақтига тўғри келади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда дастур ўз олдига аниқ мақсадларни қўйган. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидағи жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.”<sup>13</sup>

Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари:

**Мақсад:** таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишидир;

**Вазифа:** таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиши ва жорий этиши;

**Дастурни рўёбга чиқариш босқичлари:** таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясини сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиши.

Дастурнинг қабул қилиниши ҳуқуқий аҳамият билан бирга миллий таълим ва тарбия тизимизда янгича қадрият сифатида ҳам қаралиши мумкин. Дастурнинг бошланишидан унга асос бўлган меъёрий ҳужжатлар билан бирга миллий тажриба, юксак умумий ва касб-хунар маданияти, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил хуласа чиқара оладиган, янгича тафаккурга эга бўлган, нафақат мамлакат ҳаётида балки дунё тажрибасига ижобий таъсир ўtkаза оладиган, миллий ахлоқнинг юксак намуналарини олиб чиқиши даражасидаги, эстетик дид ва тафаккурда устун бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир. “Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.”<sup>14</sup> Бу

<sup>13</sup> Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. “Шарқ” 1998 й. 34 б.

<sup>14</sup> Ўша манба. 34 бет

билин биз фақатгина таълим тизимида кадр тайёрлаш эмас мамлакат фуқароларини этиштирувчи мукаммал жараён эканлигини унутмаслигимиз керак.

### **Кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш омиллари:**

Миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши;  
Ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусини шаклланаётганлиги;  
Бой миллий, маданий-тариҳий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат.

### **Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели:**

**Шахс** - Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги Давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳукуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳукуки рўёбга чиқарилади;

**Узлуксиз таълим** - Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади;

**Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари** - таълимнинг ижтимоийлашуви-таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш.

**Мактабдан ташқари таълим:** Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий, эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

**Олий таълим:** узлуксиз таълим - малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш мухитини ўз ичига олади.

Олий таълимнинг инсонпарварлик йўналишида бўлишини таъминлаш ҳамда ёшларни миллий истиқлол мағкураси ва умуминсоний қадриятлар асосида, Ватангага, жамиятга, оиласга ва табиатга меҳр-муҳабbat руҳида тарбиялаш;

Ўзбек халқи учун тарбия азалдан бирламчи қадрият сифатида улуғланиб келинган, шунинг учун фарзанд тарбиясига ҳали у туғилмасидан бошлаб киришилган. Ҳозирги кунда ҳам бу жараён давлат томонидан рағбатлантирилиб борилмоқда. Мактабгача тарбия масканларидаги боланинг ҳар қандай имконият даражаси фақат уйда тарбияланган боладан анча юқори бўлиши маълум. Шу сабабдан бу тизимнинг ривожига ҳам алоҳида шароит ҳозирланган. “Мактабгача таълим соҳасида уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ҳамда «болалар боғчаси-мактаб» мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Болаларга чет тилларни,

хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 дан ортиқ гуруҳ ташкил этилган.” Бугун нафақат болалар боғчаларида балки, шу мақсадга йўналтирилган уйларда тарбия жараёни ташкил қилинмоқдаки, унинг самараси кўзга кўриниб бола нафақат ахлоқий ва эстетик тарбия балки бошланғич билимларга ҳам эга бўлиб ўрта бўғинга еткизилмоқда. Дейдиларки, бола оқ қоғозга ўхшайди унга қандай чизгиларни чизсанг, шуларни ўзида намоён этади. Боланинг чиройли ахлок юксак, дид эгаси бўлиб шаклланиши айни шу даврга тўғри келади. Негаки, боғчада боланинг кўпроқ тарбиявий жиҳатини ўстиришга ҳаракат қилинади, тарбия бўлса одоб-у ахлоқдан, ҳусни хулқдан иборат.

Шу билан бирга таълимнинг ўрта бўғинида ҳам давлат дастури асосида режалаштирилган мақсадли кадрларнинг бошланғич таълим тарбияси олиб борилади. Айни кўзланган мақсад яъни мақсадли кадр масаласига дастурда танқидий ёндашув билан тўғри таҳлил берилади. Шу давргача амалда бўлган тизим орқали биз жуда кўп камчиликларга дуч келдик, бу айниқса таълимдаги узлуксизликнинг йўқлиги оқибати деб кўрсатилди. Мактабларни битириб чиқаётган ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қолаяпти, оқилона ҳаётй ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик шаклланмай қолаётгани таъкидланади. “9-11 синфларни тамомлаган ёшлар мустақил ҳаётда ўз ўрнини аниқлай олмайди. Уларда ўзларига ишонч шаклланган эмас, ўрта мактаб битириувчиларининг 10 фоизигина олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқда, холос.”<sup>15</sup> Бу эса қолган 90 фоиз битириувчиларнинг келажагини сўроқ остида қолдиради. Ўн бир йиллик умумий ўрта таълимдаги камчиликларни ҳисобга олиб уни илмий асосланмаган деб топилди, “у ўқувчиларда касбга йўналтириш ва таълимнинг амалий йўналганлиги етарли даражада бўлиши ҳамда мустақил фикр юритиш, меҳнат фаолияти қўнималари шаклланишини таъминламаяпти. Ҳар йили таянч мактабларнинг 100 минг нафарга яқин битириувчиси ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда касб-ҳунар таълимини давом эттириш учун талаб этилмай қолдирилмоқда.”<sup>16</sup> Оқибатда мамлакатда турли ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқиши 1990 йилларда бўлгани каби 1 млн. кадрнинг ўз мутахассислиги доирасидаги ишни топа олмаслиги сингари муаммоларни ҳосил қиласди.

Таълим тизимидағи узлуксизликнинг ва ворисликнинг йўқолиши мактаб битириувчиларининг ҳеч қандай касбга эга бўлмай қолиши, меҳнат фаолияти қўнималари шаклланишидаги камчиликларга ахлоқий қурсларнинг тарбияланмай қолишига олиб келади. “Натижада йигит ва қизлар ўз қобилиятлари, истаклари, ижодий ва меҳнат мойилликларига монанд ҳаёт йўлини белгилаб олишда жиддий қийинчиликлар сезмоқдалар.” Илмий ва ижодий қобилиятлар ва истакларнинг рағбатлантирилмаслиги ёки, унга талабнинг йўқлиги, меҳнатга мойиллик шижаот етарли бўлган ҳолатда мавжуд эмаслиги миллатнинг катта йўқотишига ёки адолатсизликка олиб келиши мумкин. Бугун янгича кўринишда ташкил этилган

<sup>15</sup> Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. “Шарқ” 1998 й. 37 б.

<sup>16</sup> Ўша манбаа 37 б.

тизим ўзининг “ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар”<sup>17</sup> яратиши билан аҳамиятлидир. Узлуксиз таълимда шаклланаётган кадр ёки истеъдод эгаси бевосита кейинги босқичда ўз ўқув ва ижодий фаолиятини давом эттиравериши мумкин. Таълимнинг яна шундай босқичлари борки уларда таълим ва тарбиянинг ахлоқий-эстетик камолотнинг эркин ва мустақил таълим асосида шаклланишини кўриш мумкин, бу эса ўз ўрнида ижодкорлик еркин тафаккур, қобилиятнинг намоён бўлишига олиб келади. “Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эстетик, илмий, техниказий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмининг, халқ хунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларини такомиллаштириш, миллий турлари ва шаклларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш”<sup>18</sup> мактабдан ташқари таълимнинг мақсадга этишувини таъминлайди.

### **Этика ва эстетика фани машғулотларининг дидактик тамойиллари.**

Этика ва эстетика фанига доир дидактик манбалари ҳақида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

Мусулмон шарқида этика ва эстетика фанига оид дидактик манбалар

Абу Наср ал Форобий	Фозил одамлар шаҳри
Абу Али Ибн Сино	Донишнома
Кайковус	Қобуснома
Саъдий Шерозий	Гулистан, Бўстон
Юсуф Хос Хожиб	Кутадғу билиг
Аҳмад Юғнакий	Ҳибат ул-ҳақойиқ
Имом ал-Бухорий	Ал адаб ал-муфрад
Абдураҳмон Жомий	Баҳористон, Гулистан
Алишер Навоий	Махбуб ул қулуб
Ҳусайн Воиз Кошифий	Ахлоқи мухсиний;
Дидактиканинг Ғарб тафаккуридаги ривожи	
Коменский Я. - «Буюк дидактика».	

Песталоцци ва Дистерверг - доимо предмет ёки фаннинг инсон онгида англаниши жараёнига, предметнинг моҳияти ва мазмунини тушуниш қандай содир бўлишига ва қандай ўзлаштирилишига, шаклланишига катта эътибор берди.

Гербарт - билиш жараёнининг моҳияти ва манбаларига, босқичларига, билиш фаолияти билан амалий фаолият ўртасидаги

<sup>17</sup> Ўша манбаа 43 б.

<sup>18</sup> Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. “Шарқ” 1998 й. 51 б.

муносабатлар масаласини ўрганди.

### **Назорат саволлари:**

1. Олий таълимда этика ва эстетика фанларининг ўқитилиш ҳолати ҳақидаги фикрингиз.
2. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонун ҳақидаги фикрингиз
3. Бугунги кунда эстетика фанини ўқитилиш ҳолати ҳақидаги фикрингиз.
4. Ахлоқий-эстетик маданият деганда нималарни тушунасиз? Унинг шахсга қандай алоқадорлиги бор ?
5. Таълим тизимининг ахлоқий-эстетик мухитга таъсири деганда нималарни тушунасиз?.
6. Ёшлар тарбиясида миллий маънавий камолотнинг тадрижий ривожи ҳақидаги фикрингиз.
7. Таълим тизимидағи ахлоқий-эстетик фанлар мухим асос сифатида нималарни айтиб бера оласиз?
8. Илфор педагогик технологиялар асосида дарс жараёнини ташкил қилиш тартибларини изоҳлаб беринг.

**2-мавзу. XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари: ахлоқий, экологик ахлоқ, этосфера. инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари унинг жамият ривожига таъсири.**

### **РЕЖА:**

- 2.1 XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари.
- 2.2. Ахлоқий, экологик ахлоқ, этосфера.
- 2.3.Инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари унинг жамият ривожига таъсири
- 2.4.Интернетнинг ахлоқий-эстетик тафаккурни ўзгаришига таъсири.
- 2.5. Тиббиёт эстетикаси ва биоэтика.

### **Таянч иборалар:**

Компьютер технологиялари, этика, ахлоқий мухит, Ахлоқий тарбия, санъат, мусиқа, кино, театр, оммавий маданият, хеппи, комикс, старилизм,интернет, китч, эмо, готика, сериаллар, адабиёт, мусиқа, реклама. глобал муаммо, биологик ахлоқ, биоэтика, патернализм, аборт, ўлим жазоси, ксенотрансплантация, трансплантация, ксенотрансплантат, эвтоназия, клонлаштириши.

### **2.1. XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари.**

Компьютер технологиялари пайдо бўлиши билан инсонлар ўрнига роботлардан фойдаланиш ҳамда роботларга одамларнинг муносабати муаммолари кўндаланг бўлди. Шунингдек жаҳон озиқ-овқат ва хом ашё ресурсларини тақсимлаш, аҳолининг ўсиши сингари муаммолар ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам этикага бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Яна бир сабаб – табиий муҳитга инсоннинг араласиши натижасида глобал ҳалокатлар хавфининг кучайиши. Мазкур муаммо ноанънавий ечимлар топишни талаб қиласи. Янги муаммолар, муаммоларнинг янги қўлами янгича ечимларни тақозо этади.

Этика олдида қатор глобал муаммоларни ҳам қилишидек ўта муҳим вазифалар ҳам бор. Улардан бири ва биринчиси илм-фан тараққиёти туфайли вужудга келган техникавий босимни бартараф этиш. XX ва XXI асрда эришилган фан-техника ютуқлари ҳозирги пайтда инсон ва у яшаётган сайёранинг келажагига таҳдид солмоқда. Атом, водород, нейтрон бомбалари, баллистик ракеталар, энг янги техникавий кўрсаткичларга эга кирувчи, бомбардимон ҳарбий учоқлар, сув ости ва сув усти кемалари, энг янги русмдаги танклар ҳамда турли-туман қуроллар ҳаммаси инсонни йўқ қилишга қаратилган. Уларни ишлаб чиқариш корхоналари ва синов майдонлари экологик буҳронларнинг манбаидир. Булар бир ёки бир неча мамлакат учун эмас, балки глобал, умумсайёравий фалокат ҳисобланади. Уларнинг олдини олишни фақат бир йўл билан-биз яшаётган техникавий муҳитда (ноосферада) ахлоқий муҳитни (этосферани) барқарор этиш орқали ҳил қилиш мумкин. Шунингдек, биологик ахлоқ, экологик ахлоқ, ўлим жазосини бекор қилиш муаммолари ҳам глобал табиатга эга.

**Ахлоқий муҳит.** Амалий этиканинг ҳозирги кунда умумжаҳоний глобал муаммоларни ҳал қилишдек муҳим вазифаси ҳам борки, у ҳақда алоҳида тўхтамасликнинг иложи йўқ. Бу муаммолардан бири, энг муҳими, сайёрамизда этосфера - ахлоқий муҳит даврини яратиш билан боғлиқ.

Маълумки, юзлаб асрлар мобайнида инсон кичик биологик олам сифатида катта биологик олам ичиди, унинг бир парчаси, жонли организмлар подшоси, оқил ва ҳукмон қисми сифатида яшаб келди. XIX асрнинг охиридан бошлаб, айниқса XX асрда у ўз тафаккур қуввати билан, илмий-техникавий юксалишлар туфайли ана шу биосфера ичиди ноосферани - техникавий муҳитни яратди. Мана, ҳозирги кунда, қаранг, эрталабдан кечгача биз ўз техникавий кашфиётларимиз ичиди яшаймиз - еймиз, ичамиз, юрамиз, ухлаймиз, уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Булар метро, автобус, телевизор, радио, телефон, эскалатор, плейер, лифт, компьютер, поезд, теплоход, газ плиталари, электр асблолари, заводлар, локаторлар, кимёвий дори-дармонлар ва ҳ.к. Бугун видеотелефонда гаплашар эканмиз, юзлаб чақирим наридаги сухбатдошимизни кўриш ва у билан гаплашиш учун от-уловда ёки пиёда борадиган бўлсак, неча кунлаб йўл босишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб ўтирмаймиз, тўғрироғи, бу эсимизга ҳам келмайди. Чунки техника бизнинг яшаш муҳитимизга айланиб қолган.

Фақат бугина эмас. Инсон эндиликда ўзи яшаётган бутун бошли сайёрага

таъсир кўрсата бошлади. Ер тарихида инсон биринчи марта улкан геологик куч бўлиб майдонга чиқди. Инсоний тафаккур биосферадаги ўзгаришларнинг асосий сабабига айланди. Ноосфера таълимоти асосчиларидан бири буюк рус олими В.И.Вернадский илмий тафаккур ва инсон меҳнати таъсири остида биосфера янги ҳолат бўлмиш ноосферага ўтаётганлигини, бутун геологик давр мобайнида яратилган, ўз мувозанатларида барқарорлашган биосфера инсон илмий тафаккури босими остида тобора кучлироқ ва теранрок ўзгаришга киришганини таъкидлайди: «Сайёрамиз юзи - биосфера инсон томонидан онгли ва асосан онгсиз равища кескин кимёвий ўзгаришларга дучор этилмоқда, - деб ёзади у. -Инсон қуруқликнинг физикавий ва кимёвий ҳаво қобиғини, унинг барча табиий сувларини ўзгартирмоқда... Ҳозир биз биосферадаги янги геологик эволюцион ўзгаришларни бошдан кечиряпмиз. Биз ноосферага кириб боряпмиз».<sup>19</sup>

Ана шу нуқтадан тафаккур ўзи нима деган муаммо пайдо бўлади. Бу ҳақда В.И.Вернадский шундай мулоҳаза билдиради: «Тафаккур энергиянинг шакли эмас. У қандай қилиб моддий жараёнларни ўзгартира олади? Бу масала ҳанузгача илмий жиҳатдан ечилиши топган эмас»<sup>20</sup>.

Вернадский ҳайратга солган масала ҳозир ҳам ўша–ўша, ҳол этилмаган.

Хўш, тафаккур ўзи нима? У биологик ҳодиса бўлмиш инсонда, унинг руҳий-физиологик яхлитликдан иборат миясида туғилади, лекин туғилиши билан биологик қобиқдан чиқади ва ташқи муҳитда энергияга ўхшаб ниманидир яратади. Энди инсон билан унинг тафаккури орасида муайян масофа пайдо бўлади, масофа узоклашгани сари тафаккурнинг моҳияти аён бўлиб боради: инсон кутган оқибат кутилгандан бошқача мазмун касб эта бошлайди. Нега? Бизнингча, ноосферада, юқорида айтганимиздек, инсон фикри нарсалашади, ўз интеллектимиз нарсаларга айланиб, бизни ўраб олади. Инсоннинг ички табиати муҳит мавқенини эгаллаб, ташқи табиатга таъсир кўрсата бошлайди ва кўп ҳолларда бундан энг аввало инсоннинг ўзи озор чекади. Тафаккур биологик хусусиятга эга бўлмагани учун биологик муҳитнинг ўрнини эгаллашга, уни аста-секин сиқиб чиқаришга ҳаракат қиласи. Бу ҳаракат маълум нуқтадан ўтганидан сўнг эса ўз ижобий хусусиятини йўқота боради ва инсоният учун салбий ҳодисага айланба бошлайди. Атом, водород, нейтрон бомбаларининг кашиф этилиши, ядро каллакли баллистик ракеталарнинг яратилиши ана шундай салбий ҳодисаларданadir. Бундан ташқари, ноосферанинг пайдо бўлиши атмосферани, оламий океанни, ер ости ва ер усти сувларини, набототни, ҳайвонотни, ҳатто инсонни ич-ичидан кимёвий заҳарланишга олиб келмоқда. Ҳозирги кунда тирик организмларнинг, ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг кўпгина турлари жисман йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Айниқса, жой тополмай, океан бўйлаб кемаларда сузуб юрган радиоактив чиқиндилар ёки уларнинг кимсасиз гузал оролларга кўмиб ташланиши, кислота ёмғирларнинг кўпайиб бориши сингари ҳодисалар бағоят хатарли. Афсуски, инсон кўра-била туриб, ўзи ўтирган шохга болта уришни тўхтатмаётir.

<sup>19</sup> Вернадский В.И. Начало и вечность жизни Москва. Сов. Россия, 1989. С. 186 – 187.

<sup>20</sup> Ўша манба; С.185.

Бу муаммоларнинг ҳал этилиши фақат атроф-мухитни кимёвий заҳардан экологик тозалашнигина эмас, балки, энг аввало, глобал маънода, XXI аср кишиси онгини технократия заҳаридан фориглантиришни тақозо этади. Яъни улар инсоният олдида эндиликда экологик ҳодиса эмас, балки том маънодаги ахлоқий муаммолар сифатида кўндаланг бўлиб турибди. Машхур австриялик этолог олим, Нобель мукофоти лауреати Конрад Лоренцнинг: «Ёппасига ва тез ёйилиб бораётган жонли табиатга бегоналашиш ҳодисаси учун асосан цивилизациямиз кишисидаги эстетик ва ахлоқий тўпослик айбдордир», - деган сўзлари шу нуқтаи назардан диққатга сазовордир.<sup>21</sup>

Юқорида айтилганлардан чиқадиган хулоса битта: келажакда инсон ўзини ва ўз сайёрасини муқаррар ҳалокатдан қутқараман деса - XXI асрдан бошлаб этосфера даврига ўтиши керак; ахлоқийлик ҳар биримиз учун ҳар қадамда бугунги техникавий муҳит каби заруратга айлангандагина бунга эришиш мумкин. Бунда Амалий этика фанининг ўрни ниҳоятда бекиёс.

Замонамизнинг глобал жараёнлари инсоният олдига унинг мавжудлиги ва келажагини довом эттириши учун янгидан-янги маънавий, ахлоқий талаб ва маъсулиятлар қўймоқда. Шахс ахлоқий камолотига катта таъсир қилмоқда. Биотерроризм - бу биомедицина технологияларини ёвузлик нийятида қўлланишининг мумкинлиги экан, ушбу жараёнлар инсониятга жиддий хавф солмоқда. Замонавий биомедицина технологияларининг инсоният учун заарли оқибатларини олдини олишининг асосий омилларидан бири бу маънавий, ахлоқий маъсулиятли олимлар, технологларни тарбиялаш, ахлоқ илмини фанда қўллаш, тиббий амалиётда ва илмий изланишларда инсонийликка йўналтирилган маданиятни шакллантириш бўлиб қолмоқда. Инсон доимо ҳаёт ва ўлим, туғилмоқ ва маънавий рухий ва жисмоний азоб каби мураккаб саволларга жавоб излайди ва уларга нафақат мантиқий жавоб, балки аниқ қарорларларни талаб қиласди. Маънавий, рухий ва жисмоний азоб – бу шундай фавқулотта ҳолатки, инсон ўз табиати ҳақида фикрлай олмайди. Ушбу ҳолатни енгиллатиш учун азобнинг жисмоний механизми эмас, унинг сабаблари равshan бўлиши, азобнинг маънавий тушунчалар асосидаги талқини, ва унинг юқори даражадаги маъноси аён бўлиши лозим. Кўпчилик инсонлар инсониятнининг ва дунёнинг илмий жиҳатдан келиб чиқиши ҳақидаги фикрларга қўшилсаларда, азоб ва касалликнинг диний -маънавий жиҳатдан талқин қилиш билан қониқадилар. Ушбу талқин қуйидагича.

Азобнинг сабаби душманларнинг иши эмас, инсоннинг ўзи, унинг хулқидир. Дунё азобларга тўла ва улар муқаррардир. Азоблар –ёвузликнинг намоён бўлишидир, унинг тимсолидир. Азоблар инсонга ўз-ўзидан берилмайди, нима учундир берилади.

Демак инсоннинг ижтимоий муҳофазаси –ахлоқий заруриятга айланиб бормоги лозим экан, Биоэтика фанининг мақсади инсониятни биотехнологик фожеалардан ҳимоя қилиш ва ушбу жараёнлардаги жиноий шошқалоқликларнинг

<sup>21</sup> Лоренц К. Восемь смертных грехов цивилизованного человечества. Журнал. «Вопросы философии» № 3, 1992. с. 42.

олдини олиш ҳисобланади. Биомедицина этикаси – бу амалий этиканинг йўналиши бўлиб, унинг бош максади туғилмоқ, ҳаёт ва ўлим, инсониятнинг келажагини давом эттириш каби масалаларга фаннинг аралашувини таҳлил қилиш, оқибатларини баҳолаш ва ушбу жараёнларнинг ахлоқий қоидаларини ишлаб чиқишдан иборатdir.

Биоэтика ҳозирги замон амалий этикасининг муҳим йўналиниларидан бири – инсон ҳаётининг энг олий ахлоқий қадрият сифатида қарайди. Шу билан бирга, инсон ҳаётини сақлаб қолиш муаммосини яхшилик ва ёмонликни фарқлашнинг муҳим мезони, деб ҳисоблайди. Ҳозирги зомон фанида Биоэтика этика тирик мавжудотлар, шу билан бирга, инсонга ҳам бўлган муносабатларнинг ахлоқий регулятиви, деб қаралади. Инсоннинг табиат билан узлуксиз алоқасини маънавий таҳлил асосида, табиатни муҳофаза этишда ахлоқий жавобгарлик Биоэтика этиканинг маданий негизини ташкил этади. Биоэтика, социал масалалар билан биргаликда, қадриятлар муаммосини ҳам қамраб олади. Биоэтика мақсадларидан бири – шахсни турли ҳолатларга солиш имкониятларини яратувчи, инсон хатти-харакати, руҳиятини ўзгартириш мумкин бўлган, унинг устидан ўтказилаётган хилма-хил тадқиқотларни чеклаш мезонларини ишлаб чиқади. Биоэтика муаммоларини ишлаб чиқишда файласуфлар, хуқуқшунослар социологлар, тиббиёт ходимлари ва социал ахлоқшунослар қатнашмоқда. Биоэтик муаммонинг долзарблашуви, илмий техник тараққиёт, биотехнология, ирсият технологиясини ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, табиий муҳитни мақсаддага мувофиқ ва тез ўзгартиришда, инсонга катта қувват берди. Табиий эволюцион жараёнлари учун илгари миллионлаб йиллар керак бўлса, энди инсон бу жараёнларни қисқа вақт ичida амалга ошириши мумкин бўлди. Ирсият технологияси ва биотехнология инсон тақдирига бевосита аралашиб, ирсиятни дастурлаштириш, турли тирик организмлар, ирсият асосида янги организмлар, биологик роботлар яратиш масалаларини кўтариб чиқди. Натижада, инсониятнинг ривожланиши, физиологик жиҳатдан қайта ўқиш имкониятларини, диний таҳлил этиш муаммоларини келтириб чиқарди. Ирсиятга қандай маънавий мезонларга кўра, қайси идеалларга, қайси қадриятларга асосланиб, аралашиб муаммолари Биоэтика этиканинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

Глобаллашув суръатлари ортаётган, ҳалқаро рақобат кучаяётган, ахборот технологиялари жадал ривожланаётган бир пайтда шахс ахлоқига салбий таъсирининг асосий йўналишларини белгилаш «бегоналашув» тушунчасининг мазмунига аниқлик киритишни тақозо этади, албатта. Таассуфки, бу борада ханузга қадар бир тўхтамга келингани йўқ. Бошқача айтадиган бўлсак, ушбу тушунчанинг мазмuni замонларга мутаносиб тарзда, кишилик жамиятида тўпланган ижтимоий-гуманитар билимлар ҳажмига мос равишда, мазкур муаммолар хусусида бош қотирган мутафаккир ва мутахассисларнинг дунёқарашларига уйғун ҳолда ўзгариб, бойиб ва тўлишиб борди.

Бегоналашув тўғрисидаги илк қарашлар, ёндашувлар энг қадимги давр файласуфлари бўлмиш Суқрот, Афлотун, Арасту, Демокритнинг инсон ва жамият

тўғрисидаги фикрларида учратиш мумкин. Хусусан, Афлотун таълимотига кўра, кишилик жамиятининг ва давлат тузумининг бузилишига сабаб, моддий манфаатдорликнинг хукмронлик қилиши ва унинг кишилар ахлоқига таъсир этишидир, яна бир юонон мутафаккири Арасту қарашларида бу муаммога ёндашув ўзига хосдир. Арасту антик жамиятнинг назарётчиси бўлганлиги учун бойликка эҳтиёж нуқтаи назаридан қарайди. Бой бўлиш учун бойликка эга бўлиш эмас, балки ундан фойдаланиш демакдир. Ҳақиқий фаровон хаёт учун чексиз бойлик зарур эмас. Тўпланган бойлик маълум мақсадга хизмат қилса, бунинг оқибатида давлатга ва оиласа фойдали, инсон ҳаётига зарур нарсаларни тўплашни назарда тутади. Бегоналашув тушунчасининг атама сифатида вужудга келиши, XVII-XVIII асрларда “ижтимоий шартнома” тарафдорлари Томас Гоббс, Жон Локк, Пьер Гассенди, Жан Жак Руссо ва бошқалар атрофлича ўрганишди.

Бегоналашиш сабаби шахснинг руҳий ҳолатига боғлиқ деб ҳисоблади. Фейербахнинг бегоналашув концепцияси асосида бегоналашув жараённида дин пайдо бўлиши ва инсоннинг ўзидан бегоналашуви бўлади. Файербах тасдиқлашича бегоналашувни енгиш учун инсон ўзи ва худо ўртасидаги ҳақиқий муносабатни билиши керак ва Худо табиатдан аъло бўлиб бошқача эмас, айнан инсон жисми каби бўлади деб ҳисоблаган. Замонавий гарб фалсафаси тарихида «Европанинг таназзули»асарининг муаллифи сифатида пайдо бўлди. Немис файласуфи «Гарбнинг ҳалокати» тўғрисидаги асарида мазкур жараённинг ҳақиқатда эҳтимоли борлигини келтириб ўтди. Шпенглер бутун тарихий жараёндан келиб чиқсан ҳолда фикр билдирган бўлиб, у бош мақсад сифатида буржуазия жамияти гоясига ишонишни қўйди. Барча пайдо бўлувчи тақдирлар олдиндан маълум бўлади ва бу тақдир фақатгина бизнинг даврга хос бўлмасдан, бутун тарихий замонларга тегишли бўлган.

Хозирги замон цивилизациясининг маънавий-маданий инқирозига бағишиланган концепциялар кўпаймоқда. Энг қизиги, XX аср давомида инсоният цивилизациясининг инқирозга юз туваётгани асосан учта эътиборли концепцияда эътироф этилган бўлса,<sup>2</sup> XX асрнинг охирги 10-15 йили ва XXI асрнинг бошида шу фикрни ёқловчи кўплаб асарлар эълон килинди.<sup>3</sup>

Хўш, илмий тадқиқотларини турли илмий, мафкуравий позициялардан амалга оширган, дунёқарashi ҳам турлича бўлган бу олимларнинг бир-бирига яқин бўлган бундай хуросаларга келишларига сабаб нима?

Бугунги кунда кишилик цивилизациясини титратган муаммолар ҳақиқатан ҳам бағоят жиддий характерга эга. Бу муаммоларни XX асрнинг кейинги 30 йили давомида кишилик цивилизациясида содир бўлган асосий ўзгаришларга мутаносиб равишда бешга бўлиш мумкин.

Бизнинг давримизга келиб, гарб олами бутун дунё бўйлаб информацион технологияларни тарқатар, бу технологияларни замонавий ишлаб чиқаришнинг муҳим таркибий қисмига айлантирас экан, шу маҳсулот турларининг нархларини ҳам белгилашга муваффақ бўляпти. Бунинг оқибатида эса, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут янада катталашиб бормоқда.

Инсон бегоналашуви омиллари орасида маънавий таҳдид ўзининг мураккаблиги, ниҳоятда нозиклиги билан ажралиб туради. Чунки, у шахснинг руҳий дунёсини издан чиқаришга, уни ўзга, турмуш тарзи, қадриятлар системаси ва ғоялар дунёсига бўйсундиришга, эркинлигини чеклашга қаратилган бўлади.

Шахслараро мулоқот тизими бу ҳолатда умуман олганда заифлашади ва ўзининг фаолиятини тўхтатади. Эгоист ёлғизлик ва ички зиддиятлар ҳолатига тушиб қолади. Бунда жамият индивидуалистик характер касб этади ва емирилиш сари яқинлашади.

Альтруистик хулқ-автор ҳолатида одам ўз энергиясининг бир қисмини бошқа одамларга беради, шу билан биргалиқда ундан миннатдор бўлган бошқа одамлар ҳам унга худди шу тариқа жавоб қайтарадилар. Одам томонидан сарфланган энергия бошқа одамларнинг энергияси ҳисобига тўлдирилади. Натижада шахслараро мулоқот тизими мустаҳкамланади ва ривожланади. Минуслар плюсларга айланади. Ўзаро ҳаракатлар ва такомиллашишнинг юқори потенциалига эга бўлган колективистик тип тизими шаклланади. Буларнинг барчаси шунинг учун ҳам содир бўладики, эгоист-одам ва альтруист-одам фаол тизимлар бўлиб ҳисобланиш билан тизимли боғланишларнинг типи бўйича принципиал фарқ қиласи. Бегоналashiш муаммосини одамнинг маънавий-ахлоқий характеристикалари билан боғланишда кўриб чиқишнинг яна бир қонуниятини кўрсатамиз. Альтруист ва эгоист шахсининг ўзининг моҳияти бўйича иккита кутбда жойлашадиган фазилатлари бир қатор ўтувчи характеристикалар орқали аста-секин вужудга келишини кўрсатамиз.

Бунда қарама-қарши бошланишларнинг метафизик ажратилганлиги эмас, балки улар ўртасидаги диалектик ўзаро ўтишлар ўз ўрнига эга бўлади. Бу фикрни бир-бирига қарама-қарши бўлган яхшилик ва ёмонлик фазилатлари мисолида кўриб чиқамиз. Биринчиси – ижобий фазилат бўлиб, иккинчиси – унга қарама-қарши бўлган салбий фазилатdir. Бироқ уларнинг орасида диалектик ўтиш мавжуд, уни бефарқлик деб аташ мумкин. Яхшиликка қараб борищда шахсларнинг ўтувчи маънавий ҳис туйғулари – қизиқувчанлик, мулоқотга киришишнинг бошланиши, бир-бирига ёқиш истаги ва сўнгра бир-бирига яхшилик қилиш истаги каби ижобий ўзаро ҳаракатлари кучайиб боради. Бефарқликдан ёмонликка қараб борищда ҳам бир қатор маънавий ҳис-туйғулар – бироқ энди бошқа – салбий характеристдаги ҳис-туйғулар ривожланади. Бу ёқтирмаслик, қизғаниш, ачинмаслик, бир бирига ёмонлик келтириш истаги ва охир-оқибатда бир-бирига ёмонлик қилишдир.

Бошқа маънавий-ахлоқий характеристикалар – адолат ва адолатсизлик, ҳақиқат ва ёлғон ва ҳоказолар ўртасидаги диалектик ўтишларни ҳам худди шу тарзда кузатиш мумкин. Барча ҳолларда тизимли-фалсафий ёндашув позициясидан альтруизм қутби тизимли боғланишларнинг мустаҳкамлигини, эгоизм қутби эса – боғланишларнинг кескин заифлашуви ва узилишини, ўтиш ҳолати эса одамларнинг маънавий-ахлоқий ўзаро ҳаракатларининг бесарорлиги билан тақдим қилинишини ифодалайди. Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, инсоннинг психикаси ва

шахслараро муносабатлар жуда динамик тизимли ва тизим-мухит боғланишлари ва муносабатларини ўзида тақдим қиласди. Шахснинг қутбий маънавий типларини абсолютлаштирмаслик лозим.

Шахснинг альтруистик хулқ-атвори, аксинча, мутлақо қонуниятли тарзда бегоналашган муносабатларнинг йўқолишига, ҳамжиҳатлик ва колективизмнинг мустаҳкамланишига, жамият потенциалининг ўсишига олиб келади. Одамлар ўртасидаги юқорида кўрсатиб ўтилган муносабатлар динамиkdir, бунинг оқибатида ҳатто бегоналашишнинг мураккаб вазиятларида ҳам ҳаётнинг ижобий асосларини шакллантириш учун имкониятлар мавжуд бўлади. Ўйлашимизча, юқорида кўрсатилган қонуниятлар бегоналашишнинг антропоижтимоий муаммосида инсон омилини тушунишнинг асосини ташкил қиласди.

Маънавий ва ахлоқий фазилатлар, шунингдек жамиятда одамларнинг ўзаро муносабатлари одамнинг маънавий оламининг ривожланиш даражасини унинг одамлар ва оламга қаратилган маънавий ҳис-туйғуларининг бойлиги орқали характерлайди. Бу ҳис-туйғуларнинг заифлашуви ёки бўлмаслиги, аксинча, шахслараро муносабатларнинг йўқолишига, ижтимоий муносабатларнинг заифлашуви ва емирилишига, одамнинг оламдан бегоналашувига олиб келади. Одамнинг маънавий ва маънавиятга зид бўлган бегоналашган мавжуд бўлишининг бу жараёнлари бадиий асарларда яққол намоён бўлади. Бу жиҳатдан рус маданияти муҳим аҳамият касб этади, у одамнинг маънавий кечикмалари ва эзилишларини, унинг ички оламининг ташқи олам билан муносабатлардаги ролини тўлалигича акс эттиради.

## **2.2. Ахлоқий, экологик ахлоқ, этосфера.**

Ҳозирги пайтда экологик ахлоқнинг инсоният учун накадар муҳимлигини ҳамма билади, лекин ўз билганидан қолмайди – муаммонинг мураккаблиги шунда. Биз юқорида ноосфера, тафаккур борасидаги мулоҳазаларимизда экологик буҳронларнинг баъзи кўринишларига тўхталиб ўтдик. Бироқ, яна ундан ташқари сўнгги пайтларда жаҳон бўйлаб синтетик жисмлар ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилганлиги, ҳайвонот ва айниқса ўсимликларнинг гибрид усулида янги турларининг вужудга келтирилиши сингари ҳодисалар ҳам экологик аҳамиятга эга. Хўш, улар табиат билан сингишиб, уйғунлашиб кета оладими, табиат уларни ўзиники қила биладими? Бунга ҳозир жавоб топиш қийин, эҳтимол кашфиётларимизнинг оқибатлари, юқорида айтиб ўтганимиз - муайян тафаккур билан инсон орасидаги «масофанинг узоклашиб» бориши натижасида аён бўлар?

Инсон табиат хосили, унда яшайди, тарақкий этади, зурриёт қолдиради, шу туфайли ундан табиат қонунларига онгли муносабатда бўлиши тақазо этилади. Акс холда инсон ундан узоклашада ва жазоланади. Инсоннинг табиатга таъсир этиши натижасида жамият билан табиат ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви бузилди. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида жамият билан табиатнинг ўзаро муносабати барчанинг эътиборини кўпроқ ўзига жалб қилмоқда.

Инсон табиатнинг бир қисми, демак одамларнинг ўzlари, уларнинг ўзаро

муносабатлари ҳам атроф-мухитнинг бир қисми ҳисобланганлиги учун инсон саломатлигининг ижтимоий экологик муаммоси юзага келди. XX ва XXI асрда эришилган фан-техника ютуқлари ҳозирги пайтда инсон ва у яшаётган сайёранинг келажагига таҳдид солмоқда. Атом, водород, нейтрон бомбалари, баллистик ракеталар, энг янги техникавий кўрсаткичларга эга қирувчи, бомбардимон ҳарбий уchoқлар, сув ости ва сув усти кемалари, энг янги русмдаги танклар ҳамда турли-туман қуроллар ҳаммаси инсонни йўқ қилишга қаратилган. Уларни ишлаб чиқариш корхоналари ва синов майдонлари экологик буҳронларнинг манбаидир. Булар бир ёки бир неча мамлакат учун эмас, балки глобал, умумсайёравий фалокат ҳисобланади. Уларнинг олдини олишни фақат бир йўл билан-биз яшаётган техникавий муҳитда (ноосферада) ахлоқий муҳитни (этосферани) барқарор этиш орқали ҳил қилиш мумкин. Шунингдек, биологик ахлоқ, экологик ахлоқ, ўлим жазосини бекор қилиш муаммолари ҳам глобал табиатга эга.

Маълумки, юзлаб асрлар мобайнида инсон кичик биологик олам сифатида катта биологик олам ичида, унинг бир парчаси, жонли организмлар подшоси, оқил ва ҳукмрон қисми сифатида яшаб келди. XIX асрнинг охиридан бошлаб, айниқса XX асрда у ўз тафаккур қуввати билан, илмий-техникавий юксалишлар туфайли ана шу биосфера ичида ноосферани - техникавий муҳитни яратди. Мана, ҳозирги кунда, қаранг, эрталабдан кечгача биз ўз техникавий кашфиётларимиз ичида яшаймиз - еймиз, ичамиз, юрамиз, ухлаймиз, уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Булар метро, автобус, телевизор, радио, телефон, эскалатор, плейер, лифт, компьютер, интернет, поезд, теплоход, газ плиталари, электр асбоблари, заводлар, локаторлар, кимёвий дори-дармонлар ва ҳ.к. Бугун видеотелефонда гаплашар эканмиз, юзлаб чақирим наридаги суҳбатдошимизни қўриш ва у билан гаплашиш учун от-уловда ёки пиёда борадиган бўлсак, неча кунлаб йўл босишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб ўтирмаймиз, тўғрироғи, бу эсимизга ҳам келмайди. Чунки техника бизнинг яшаш муҳитимизга айланиб қолган. Фақат бугина эмас. Инсон эндиликда ўзи яшаётган бутун бошли сайёрага таъсир кўрсата бошлади. Ер тарихида инсон биринчи марта улкан геологик куч бўлиб майдонга чиқди. Инсоний тафаккур биосферадаги ўзгаришларнинг асосий сабабига айланди. Ноосфера таълимоти асосчиларидан бири буюқ рус олими В.И.Вернадский илмий тафаккур ва инсон меҳнати таъсири остида биосфера янги ҳолат бўлмиш ноосферага ўтаётганлигини, бутун геологик давр мобайнида яратилган, ўз мувозанатларида барқарорлашган биосфера инсон илмий тафаккури босими остида тобора кучлироқ ва теранроқ ўзгаришга киришганини таъкидлайди: «Сайёрамиз юзи - биосфера инсон томонидан онгли ва асосан онгсиз равишда кескин кимёвий ўзгаришларга дучор этилмоқда, - деб ёзади у. -Инсон куруқликнинг физикавий ва кимёвий ҳаво қобигини, унинг барча табиий сувларини ўзгартирмоқда... Ҳозир биз биосферадаги янги геологик эволюцион ўзгаришларни бошдан кечиряпмиз. Биз ноосферага кириб боряпмиз».<sup>22</sup>

<sup>22</sup> В.И.Вернадский. «Химическое строение биосферы Земли и её окружения».

Ана шу нүктадан тафаккур ўзи нима деган муаммо пайдо бўлади. Бу ҳақда В.И.Вернадский шундай мулоҳаза билдиради: «Тафаккур энергиянинг шакли эмас. У қандай қилиб моддий жараёнларни ўзгартира олади?»<sup>23</sup> Бу масала ҳанузгача илмий жиҳатдан ечилиши топган эмас». Вернадский ҳайратга солган масала ҳозир ҳам ўша-ўша, ҳол этилмаган.

Хўш, тафаккур ўзи нима? Маънавият луғатида берилишича тафаккур (араб. - фикрлаш, ақлий билиш) — инсон маънавий оламининг таркибий қисми, оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий, мухим хусусиятларини аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурый алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс этадиган билишнинг рационал босқичи. Тафаккур ибораси арабча "фикр" сўзидан келиб чиқкан бўлиб, ўйлаш, муҳокама, мушоҳада ва фикр юритиш маъноларини билдиради.<sup>24</sup> Тафаккур биологик ҳодиса бўлмиш инсонда, унинг руҳий-физиологик яхлитликдан иборат миясида туғилади, лекин туғилиши билан биологик қобиқдан чиқади ва ташқи мухитда энергияга ўхшаб ниманидир яратади. Энди инсон билан унинг тафаккури орасида муайян масофа пайдо бўлади, масофа узоқлашгани сари тафаккурнинг моҳияти аён бўлиб боради: инсон кутган оқибат кутилгандан бошқача мазмун касб эта бошлайди. Бу саволга жавобни хорижий адабиётларда акс этган иқтибосларда кўришимиз мукин. А.Н.Паленко «Экологик инқироз соҳта муаммо сифатида» деган мақоласида антик даврда инсоният олдида экологик муаммо бўлмаганлигини таъкидлади. Унингча: «антик (қадимги маданият) даврда инсон экологик муаммоларга тўқнаш келмаган, чунки антик маданият экологик соғ бўлган». <sup>25</sup> Академик А.Покровскийнинг фикрига кўра: «Хозирги замон кишиси ҳамма вақт табиатга нисбатан уруш ҳолатида бўлиб келган. Унинг ҳалокатли оқибатлари йилдан-йилга кучлироқ сезилмоқда. Агар инсоннинг табиатга муносабат маданиятини тарбияламасак, фожиали оқибат-ларга олиб келиши мумкин». <sup>26</sup> «Маълум маънода, экологик инқироз, нафақат энергоресурслар камёблиги, атроф-муҳит ифлосланиши эмас, балки, энг аввало, инсоннинг уйғониш давридан бошлаб, онгли равища шаклланган, дунёга ва табиатга муносабатлари тизими инқирозидир».<sup>27</sup>

Бизнингча, ноосферада, юқорида айтганимиздек, инсон фикри нарсалашади, ўз интеллектимиз нарсаларга айланиб, бизни ўраб олади. Инсоннинг ички табиати мухит мавқеини эгаллаб, ташқи табиатга таъсир кўрсата бошлайди ва кўп ҳолларда бундан энг аввало инсоннинг ўзи озор чекади. Тафаккур биологик хусусиятга эга бўлмагани учун биологик мухитнинг ўрнини эгаллашга, уни аста-секин сиқиб чиқаришга ҳаракат қиласи. Бу ҳаракат маълум нүктадан ўтганидан сўнг эса ўз ижобий хусусиятини йўқота боради ва инсоният учун салбий ҳодисага айлана

<http://www.vernadsky.ru/vernadsky>

<sup>23</sup> В.И.Вернадский. «Химическое строение биосфера Земли и её окружения».

<http://www.vernadsky.ru/vernadsky>

<sup>24</sup> Маънавият изоҳли лугати.- Т. Ф.Фулом 2009й. 541Б

<sup>25</sup> Паленко А.Н.«Экологический кризис» как псевдопроблема. - М.: //Вопросы философии. 2002. № 7..72- 6

<sup>26</sup> Покровский А. Экологические проблемы Земли. - М.: Наука, 1975..117-б.

<sup>27</sup> Паленко А.Н. «Экологический кризис» как псевдопроблема.- М.: // Вопросы философии. 2002. №7. 71-6.

бошлайди. Атом, водород, нейtron бомбаларининг кашф этилиши, ядро каллакли баллистик ракеталарнинг яратилиши ана шундай салбий ҳодисаларданdir. Бундан ташқари, ноосферанинг пайдо бўлиши атмосферани, оламий океанни, ер ости ва ер усти сувларини, набототни, ҳайвонотни, ҳатто инсонни ич-ичидан кимёвий заҳарланишга олиб келмоқда. Ҳозирги кунда тирик организмларнинг, ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг кўпгина турлари жисман йўқ бўлиб кетиши арафасида турибди. Айниқса, жой тополмай, океан бўйлаб кемаларда сузуб юрган радиоактив чиқиндилар ёки уларнинг кимсасиз гузал оролларга кўмиб ташланиши, кислота ёмғирларининг кўпайиб бориши сингари ҳодисалар бағоят хатарли. Афсуски, инсон кўра-била туриб, ўзи ўтирган шохга болта уришни тўхтатмаётir.

Немис олими В. Дернгольц кишиларда умуман табиатга, хусусан, сувга нисбатан экологик ва гигиеник муносабат маданиятни шакллантиришни ҳаётий зарурият тарзида қараб: «Ерда сувнинг тозалигини сақлаш - инсон қонининг соғлигини таъминлашнинг зарурий шартидир...Инсон сувни ифлослантириши билан ўз умрини қисқартиради»,<sup>1</sup>- деган эди.

Бу муаммоларнинг ҳал этилиши фақат атроф-муҳитни кимёвий заҳардан экологик тозалашнигина эмас, балки, энг аввало, глобал маънода, XXI аср кишиси онгини технократия заҳаридан фориғлантиришни тақозо этади. Яъни улар инсоният олдида эндиликда экологик ҳодиса эмас, балки том маънодаги ахлоқий муаммолар сифатида кўндаланг бўлиб турибди. Машҳур австриялик этолог олим, Нобель мукофоти лауреати Конрад Лоренцнинг: «Ёппасига ва тез ёйилиб бораётган жонли табиатга бегоналашиш ҳодисаси учун асосан цивилизациямиз кишисидаги эстетик ва ахлоқий тўпослик айбдордир»<sup>28</sup> - деган сўzlари шу нуқтаи назардан диққатга сазовордир.

Юқорида айтилганлардан чиқадиган хулоса битта: келажакда инсон ўзини ва ўз сайёрасини муқаррар ҳалокатдан қутқараман деса - XXI асрдан бошлаб этосфера даврига ўтиши керак; ахлоқийлик ҳар биримиз учун ҳар қадамда бугунги техникавий муҳит каби заруратга айлангандагина бунга эришиш мумкин.

### **2.3. Инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари унинг жамият ривожига таъсири**

Инсон – ақлли хилқат, шунинг учун у қўп хислат, фазилатлар соҳибидир. Инсон – инсон номига хос одамий фазилатларга эга бўлиши керак. Инсоният пайдо бўлибдики ҳамиша одамлик қиёфасини, феъл – атворда ўзига ярашадиган хатти – ҳаракатларни, у ёки бу фазилатларни мужассамлаштиришга интилган.

Арасту ўзининг асарларидан бирида шундай дейди: “Фазилат нима, у нималардан ҳосил қилинади, шуни билиб олиш зарур. Чунки, фазилат қандай ҳосил қилиниши тушунмай туриб, фазилатни билиш бефойдадир. Чиндан ҳам ҳозир биз фазилат нима эканлигини билиш учун эмас, балки у қандай ҳосил қилинишини тушуниш учун уни ўрганишга киришамиз Яъни, биз ҳозир фазилат

<sup>1</sup> Dernqolts v. Berlin. 1975. WWW. Neture. P. 213.

<sup>28</sup> .Конрад Лоренц “Оборотная сторона зеркала”, Электронная библиотека royallib.com.

нималигини фақат билиш ва тушуниш билан бирга, фазилатли, яъни фозоил одам бўлишни ҳоҳлаганимиз учун уни ўрганишга киришамиз”<sup>29</sup>

Бугунги кун кишисидаги одоб, хулқ – автор қоидалари асрлар давомида таркиб топиб, такомиллашган. Бу фазилатлар ҳар бир инсоннинг ички ва ташқи хислатларида, ўзини тута билишида, хатти – ҳаракатларида, муомала муносабатида ўз ифодасини топган. Қадимги Шарқ ва Ғарбдаги фалсафий, диний таълимотларда ахлоқнинг асосий тушунчалари орқали инсоннинг моҳияти нима, у ўзига, бошқаларга бўлган муносабатларда қандай маънавий мезонларга таянади, деган саволга жавоб топишга интилишган.

Иллат-муҳит ахлоқий ва маънавий камчилик бўлиб, яхшиликка қарама қарши туради. Буларнинг барчаси муҳаббат ва меҳрга, садоқатга зиддир, ҳар қандай ёмонликлар ахлоқий бузуқликлар, иллатлар, ёмон ҳаракатлар, бузук ҳаётга мойилликни ўз ичига олади.

Иллат ҳар доим норманинг бузилиши ҳисобланади. Буни англаш жуда ҳам ачинарли, аммо табиатда комил инсонлар йўқ, ҳар кимнинг ўз камчиликлари мавжуд.

Хамма ҳар-хил табиатга эга эканлиги - бу ҳеч кимга сир эмас. Бир кишида характернинг ижобий томонлари ҳам, салбий томонлари ҳам ўзаро келишиб олиниши мумкин. Биринчи навбатда ёмон иллатларга дуч келмаслик учун инсоннинг асосий ҳаракати ёмон ниятларни қиласлигидир.

Умуман олганда, Инсон томонидан тан олинган еттига иллатлар ажралиб туради - дангасалик, очкўзлик, мағрурлик, шахват, очқўзлик, ғазаб ва ҳасад. Албатта, бу рўйхатни чексиз равишда санаб ўтиш мумкин, аммо бу еттига ёмон иллатлар алоҳида ажратилган, чунки улар бошқа иллатларнинг пайдо бўлишига ҳисса қўшадилар.

Вақти-вақти билан барча одамлар ҳаётлари давомида тасвирланган иллатларга дуч келишади. Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, иллатлар семантик хусусиятларида бир-биридан фарқ қиласли.

Биринчи навбатда инсонда ёмон ниятлари билан курашишни ва ўзларини яхшилашни бошлашга чин дилдан хоҳиш бўлиши керак.

Аввало, тушунчалар тўғрисида қарор қабул қилишингиз керак. Хўш, одамларнинг ёмонликлари ва фазилатлари нима? Уларни биргаликда кўриб чиқиши керак, чунки улар бир-бирининг акси, бир хил тангаларнинг турли томонлари. Инсоннинг ижобий ва салбий томонлари, унинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Ушбу белги хусусиятлари нафақат бир кишининг ҳаётини шакллантиради, балки бошқаларга ҳам таъсир қиласли, шунинг учун улар яқинларнинг ҳаётини ижобий томонга - яхшиликларга нисбатан сезиларли даражада ўзгартириши мумкин.

Инсоннинг камчиликлари - бу исталмаган деб ҳисобланадиган, инсоннинг шахсий, хулқ-автор ва жисмоний кўринишларини акс эттира оладиган, унинг хатти-ҳаракатлари ва дидини акс эттирадиган ақлий ва жисмоний иллатлариридир.

<sup>29</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқи Кабир. Т., “Янги авлод асли” Б 96

Шунингдек, турли хил вазиятларда, ҳар хил семантик контекстни жорий қилишда, худди шу ҳаракатлар етишмовчилик ёки афзалликнинг намоён бўлиши сифатида бошқача талқин қилинади (масалан, энг кичик тафсилотларни ҳисобга олмаган ҳолда тезкор жавоб бериш оиласвий ҳаётдаги ноқулайлик ҳисобланади, аммо ҳарбий хавфли вазиятларда бу сифат устувор аҳамият касб этади ва фазилат деб ҳисобланади).

Ёлғон – Инсоннинг иллатларидан биридир. Бугунги кунда бу деярли афзаллик ҳисобланади. Ахир, замонавий дунёда, масалан, кўп пул топиш фақат ҳийла-найранг бўлиши мумкин. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, ёлғончи ҳеч қачон бошқаларнинг ҳис-туйғуларига аҳамият бермайди, у бепарво. "Бир марта ёлғон гапириб, иккинчи марта алдайман" - бу сўзларни ҳамма ёдда тутиши керак.

Хиёнат - Бу таниб олиш унчалик қийин бўлмаган одамнинг мукаммал ниқобланган вакили. Кўпинча бу ҳаётнинг маҳсус ҳолатларида, ҳимоя қилиш ва орқа томондан таъминлаш керак бўлганда ўзини намоён қиласди.

Очкўзлик - Инсоннинг яна бир даҳшатли иллати очкўзликдир. Бу шунчаки пулнинг комбинацияси ёки бойлик тўплашга бўлган чанқоқлик, иложи борича кўпроқ қадриятлар ва моддий бойликка эгалик қилиш истаги бўлиши мумкин. Бундай одамлар ҳеч қачон ҳеч нарса билан бўлишмайди ва сахийлик туйгуси улар учун бегона.

Иккиюзламачилик - Иккиюзламачилик - сохта ахлоқ ва алдамчилик, гипертрофияга асосланган ўз ғийбатига баҳона излаш. Бундай иллатли инсонни таниб олиш жуда қийин. Ҳар бир вазиятда улар максимал фойда олиш учун ўзлари учун қулай бўлган позицияни танлайдилар. Бундай одамлар "тўғри" одамларнинг назарида уларнига қараганда яхшироқ кўриниши учун "ниқоб" киядилар.

Ҳасад - Инсоннинг кейинги иллати ҳасаддир. Кўпинча катта мансабга эришган кишига нисбатан душманлик ва душманлик қилиш жараёнида намоён бўлади. Бироннинг фаровонлиги ҳасадгўй одамнинг онгига таъсир қиласди ва уни ўзига ва унинг бойлигига доимий норозилик ҳолатига солади. Ҳасад - бу одамнинг кўпроқ муваффақиятли одамларга эга бўлган нарсага эга бўлиш истаги. Ҳасад туфайли одам турли даҳшатли ишларни қилиши мумкин.

Шафқасизлик- Шафқасизлик - бу ибтидоий инстинктларга алданиш, тўлиқ хурмасизлик ва инсоннинг қадр-қимматини ҳақорат қилиш. Зўравонлар, қотиллар ва бошқа жиноий шахсларга хос бўлган даҳшатли иллатлар. Бу барча тирик мавжудотларга (нафақат одамларга, балки ҳайвонларга) зарар етказиш истаги ёки эҳтиёжида намоён бўлади. Улар нафақат жисмоний томондан, масалан, калтаклашдан, балки руҳий томондан ҳам зарар етказишади - баъзан руҳий босимни кўтариш анча қийин бўлади ... Агар шафқасизлик обьекти ёмон бўлса, азоб чекувчи мамнунлик ва қандайдир хурсандчилик ҳиссини түя бошлайди.

Жаҳл - Инсоннинг иллатларини кўриб чиқаётганда, жаҳлдорликни эътиборсиз қолдирмаслик керак. Баъзи одамлар ҳаммадан ва ҳамма нарсадан ғазабланишади, улар ғазабланиш жараёнида, кўпинча қасам ичишади ва қўполлик қилишади.

Айёр - Кейинги иллат айёрлиқдир (бугунги кунда буни баъзи одамлар ҳам ижобий маънода кўриб чиқишиади). Бу шуни англатадики, одам шунчаки хаёл қилиб, хаёлга бориши ва ўзи учун максимал даражада фойда кўриши, қўпинча бошқаларга зарап келтириши мумкин.

Худбинлик - Ўз кишининг бошқалар билан солиштирганда аҳамиятини аниқ баҳолаш. Буни бошқа одамларга, уларнинг манфаатларига нисбатан жирканч муносабатда бўлиш мумкин. Худбинлик бу шахсий бойлик, бойиш ва фойда олишга интилишдир. Ўзини ўйлайдиган одам фақат ўзининг фойдаси ҳақида ўйладиди ва оқибатлари ҳақида ўйламайди. Фойда олиш учун сотиб олишга бўлган эҳтирос уни маблағлар билан инсонни нопок қилиб қўяди.

Безбет- Ўзига ортиқча баҳо бериб, суҳбатдошга нисбатан нафрат билан намоён бўладиган инсоннинг яна бир вакили. Бунга қўпол имо-ишоралар, қасам ичиш ҳамроҳ бўлиши мумкин. Бундай хатти-ҳаракатлар ўзларининг жазосизлигини ва устунлигини ҳис қиласидиган турларга хосдир.

Ўзини кўрсатмоқ - Бу инсоннинг ҳар қандай шаклда ўзига бўлган эътиборини жалб қилиш истаги, ҳатто салбий хатти-ҳаракати бўлса ҳам. Бундай қаҳрамонлар уларга мурожаат қилган хушхабарларни эшлишишни яхши қўрадилар, ҳаёт давомида юқорига кўтарилишни истайдилар. Кўпинча мақтанчоқлар шундай йўл тутишади.

Ғазаб (ҳали ҳам ғазаб, ғазаб, тажовуз, қасос олиш истаги шаклида ўзини намоён қиласди). Ғазаб - бу адолосизлик туйғусига йўналтирилган Шу билан бирга, инсон бу адолосизликни йўқ қилиш учун кучли истакни энгади.

Очкўзлик (очкўзлик ва қайсарлик сифатида танилган) Очкўзлик, агар одам мутаносибликни йўқоса, имкон қадар кўпроқ моддий бойлика эга бўлиш истаги.

Такаббурлик ўзини эгоизм ҳаддан ташқари мағрурлик шаклида намоён қиласди. Агар инсон мағрурликка дучор бўлса, у ўзини бошқалар олдида мақтайди ва унинг фикри энг тўғри эканлигига қатъий ишонади.

Мансабга интилиш. Мансаб қўп ичадиган одамни вассасага солади, уларни шафқасиз ва маст қиласди, шу сабабли у ҳар қандай жиноятларга туртки беради. Ота, ўғил, опа-сингил, aka-ука, унинг бошидаги тож учун ўлдириш ҳамма замон ва халқларнинг одатий иши.

Кўрқоқлик - номаълум қўрқувга тўлиқ бўйсуниш.

Инсоннинг иллатларининг ҳар бири айёр ва хоин. У инсоннинг табиий майиллигидан ўсади. Жимгина нормани бузиш, концепцияларни бузиш, алмаштиришлар ва фирибгарликлар билан у ахлоқни ахлоқсиз, одатий ҳолатга айлантиради. Иллатлар инсон қалбида мустаҳкам ўрнашиб, ўзига хос хусусият ва феъл-автор билан бирга ўсиб боради. Агар гуноҳ афзалроқ натижага бўлса, у ҳолда бу ахлоқсизликка майиллиkdir. Шу сабабли, инсон бундай "яқин" ва "табиий" иллатлар билан қанчалик тез курашишни бошласа, бу узига яхши бўлади.

Шаҳвонийлик (зинокорлик, зинокорлик, беадаблик қўринишида намоён бўлади). Шаҳвонийлик - бу шаҳвоний истак, тақиқланган эҳтирос, яширин

истаклар. Умуман олганда, бундай ночорлик ҳар қандай истакни ўз ичига олади, шу сабабли одам бирон бир нокулайлик ёки азоб-уқубатларга дуч келади.

Инсонларнинг иллатлари миллионлаб одамларни йўқ қиласди ва ачинарли томони шундаки, уларнинг аксарияти иллатларни йўқ қилиб бўлмайди деб ишонишади. Аслида, агар сиз иллатларнинг табиатини - уларнинг пайдо бўлиш сабабларини тушунсангиз, унда сиз улардан ҳар қандай нарсадан халос бўлишингиз ва ҳар қандай ёмон одатни енгишингиз мумкин. Аммо кўп одамлар учун қийинчилик шундаки, сиз ўзгартиришингиз керак, ўзингиз устида ишлашингиз керак, лекин улар хоҳламайдилар, улар дангаса! Шунинг учун улар иллатнинг қулига айланишади ва секин ёки тез йўқ бўлишади.

**Одамнинг ёмон ишлари нима?**

Инсоний ёмонликлар инсонда унинг салбий (ёмон) истаклари ва одатлари кўринишида намоён бўлади.

- Иллатлар аввалига асал, кейин заҳар каби нарса! Бу инсонни ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан барбод қиласди. У одамни, унинг жонини ва танасини кучли истаклари, эҳтиёжлари, қўшимчалари ва муқаррар одатлари орқали қул қиласди. Ҳаммаси синовдан бошланади (барчаси қизиқ), кейин эҳтиёж шаклланади, эҳтиёж қўшимчага айланади (бу аллақачон қарамлик) ва бу ўз навбатида одат тусига киради. Илдизланган одат факат бир нечта бўлиши мумкин.

Кўпгина нуқсонлар ҳаддан ташқари ёки "Модерация" тамойилининг бузилиши туфайли туғилиб ўсади.

Масалан, савол - овқатланиш яхшими, керакми? Албатта сизга керак ва яхши! Ахир, овқат ҳазм қилиш органлари барча одамлар учун таъминланади. Аммо ортиқча овқат жуда ёмон! Ва очкўзлик танадаги касалликларга ва руҳнинг йўқ қилинишига олиб келади. Худди шу нарсани жинсий алоқа ва бошқа истакларнинг ҳаддан ташқари ошиши ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Худди шу каби, инсон яхшилик билан ёмонликни фарқламайдиган ва оқибатлари ҳақида ўйламайдиган жойда гуллаб-яшнайди.

**Инсон қачон иллатларни қабул қиласди?**

У кучли ва муносиб ички ядрога эга бўлмаганда! Қачонки Шахснинг асоси абадий ва ундан юқори қадриятлар эмас (берилган ҳаёт, бурч, адолат, муҳаббат, қонун ва бошқалар учун жавобгарлик), лекин инсоннинг ҳаётида энг муҳим нарсага айланган худбин истаклар ва дунёвий оний қадриятлардир.

Қорин ғамидаги одам учун ҳаётнинг маъноси бурчни бажариш ва ҳатто шахсий муваффақиятга эришиш эмас, балки доимо овқатланиш, овқатланиш ва овқатланиш (ошқозонни тўлдириш). У овқатнинг қули ва овқатланиш унинг истаги хисобланади

- қашшоқликка, жиноятчиликка ва ёлғизликка олиб келадиган ҳалоқатли ноқулайлик

Мағрурлик - можароларни келтириб чиқаради ва ўз вақтида тўғриланмаса, инсоннинг тақдиди билан тушишига олиб келади. Одамлар орасидаги ишонч, обрў ва муносабатларга путур етказади.

Ёмонликка қарши курашни қаердан бошлаш керак?

1. Ёмонликларнинг оқибатларини тушуниш билан! Иложи борича аникроқ ва батафсилоқ тасаввур қилишга уриниб кўринг (бу бошқа одамларнинг мисолида), бу нимага олиб келади. Агар ўзингизни бу ёмонликдан озод қилмасангиз, сизни қандай келажак кутмоқда?

2. Ҳар бир ўзига хос ночорлик, етишмовчилик ва ёмон одатни ўз устида ишлаш усуллари ва усуллари билан йўқ қилиш керак.

Ҳамма одамлар номукаммал ва вақти-вақти билан баъзи гуноҳларга дуч келишади. Албатта, сиз ўзингизни яхшилашга ва яхшилашга ҳаракат қилишингиз керак, лекин ўз камчиликларингизни қандай қилиб йўқ қилишни билиш учун, аввал ушбу мақолада келтирилган инсоннинг асосий ёмонликлари рўйхати билан танишишингиз керак.

Камчиликлар нима? Шахсий камчиликлар ожизликлар назарда тутилади, улар ўзига қарамлик ёки чексиз салбий иллатларни категория кўринишидан олади. Инсоннинг фазилатлари ва иллатлари қутбли намоён бўлади, бири олдинга силжишга, муваффақиятга эришишга ёрдам беради, бири ҳурматни оширади, иккинчиси инсоннинг тақдирини бузади.

#### **2.4. Интернетнинг ахлоқий-эстетик тафаккурни ўзгаришига таъсири.**

Оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ҳаётга таъсири ҳақида гап кетганда, унинг кучи жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни кўтариб чиқишида, мавжуд муаммоларга жамият аъзолари диққатини жалб қилишида, давлат органлари фаолиятини назорат қилиб боришида кўринади. Шу маънода у халқни ҳокимият билан боғловчи восита-механизм ҳисобланади.

Мамлакатимизда замонавий техник ускуналар, кенг ва чуқур фикрловчи кадрларга эга бўлган, янгича мазмун-моҳият қасб этадиган оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун барча шароитлар яратилмоқда: оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий пойдевори барпо этилди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, қонунга мувофиқ иш юритиши, цензурага йўл қўймаслиги (67-модда) алоҳида белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда хусусий оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига ҳам кенг шароит яратилиб, дунёнинг турли мамлакатларидан мустақил равишда ахборотлар олиш имконияти юзага келди.

1996 йилнинг май ойидан бошлаб республикамизда жаҳондаги йирик компьютер тизими «Интернет» билан алоқа ўрнатиб, ундан энг муҳим янгиликларни қабул қилиб олишнинг йўлга қўйилгани Ўзбекистон ахборот воситалари тарихида улкан янгилик бўлди. «Интернет» нинг 50 миллион абоненти бўлиб, жаҳондаги энг йирик ахборот марказлари унга аъзо бўлишган. У бутун дунё бўйича турли соҳалардаги янгиликлар қабул қилиб олади ҳамда ана шу янгиликларни ўз абонентларига тез ва аниқ етказиб беради. 1996 йил 7 майда эса «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармон қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш Кўмитаси Ўзтелерадиокомпанияга

айлантирилди. Бир сўз билан айтганда, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мустақилликни мустаҳкамлаш, халққа тезкор ва объектив характердаги ахборотларни етказиб бериш минбарига айланди.

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқдол мафкурасини халқимиз, аввало ёш авлод онгига сингдиришда алоҳида ўрин тутади. Улар маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёни, бу борадаги муаммоларни, жамият ҳаётининг турли кирраларини тезкорлик билан акс эттирадиган энг самарали воситадир. «Тўртинчи ҳокимиёт» ҳисобланган ОАВлари турли хил фикрлар, ранг-баранг қарава ва ёндашувларга кенг йўл очиб бериши, ҳаётимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиши, холислик ва ҳақоният тамойилларига таяниб фаолият юритиши лозим.

Йирик сиёsatчи, Буюк Британия собиқ Бош вазири Маргарет Тетчер: «Оммавий ахборот воситалари - террорчилар учун кислород вазифасини ўтайди», - деган эди. Бу гапнинг мағзини чаққан одам «оммавий ахборот воситалари террорчилар учун ҳаводек зарур экан», деган хуносага келади. Зоро, уларнинг мақсадлари - ўлдириш эмас, жамоатчиликка қучли таъсир қилишдир. Таассуфки, баъзи оммавий ахборот воситалари ўзлари билмаган ҳолда терроризмнинг бузғунчилик, кўпорувчилик таъсирини янада оширишга «хизмат» қилиб қўядилар. Уларнинг террор оқибатлари ҳақидаги ваҳимали ахборотлари инсонлардаги кўрқувни, даҳшатни, ҳимоясизлик ҳиссини янада кучайтириб юборади. Бу каби ахборотларга қарши бугунги кунда тарғиботни кучайтиш зарурий эҳтиёжга айланмоқда.

Глобаллашув жараёнининг барча ижобий ва муқаррар фазилатларини эътироф этган ҳолда фарзандларимиз тарбиясига янада ҳушёр бўлишимиз тақозо этилади. Азалий миллий қадриятларимиз, ахлоқий қадриятлар, соф ўзбекона ахлоқий фазилатларини глобаллашув тўфонида йўқолиб кетмаслиги учун матбуот масъул десак хато қилмаймиз. Ахлоқий тарбия жараёнида ҳар бир воситадан оқилона фойланиши лозим. Телевидение эса томошабин билан жонли мулоқот, воқеликни ахлоқий-эстетик жиҳатдан кенг қамраб олиши, барча санъат турларида яратилган асарларни экранлаштириш ва экранда кўрсатиш имкони билан бошқа оммавий ахборот воситаларга нисбатан кенг имкониятларга эгадир. Бугун ОАВ жуда қудратли кучга айланди. Баркамол авлодни тарабиялашда айниқса ватанпарварлик руҳидаги кўрсатувларнинг ўрни муҳим. Шу жиҳатдан олганда “Ватанпарвар”, “Шиҷоат” каби кўрсатувларни алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса телевидениеда ушбу мавзуга бағишлиланган бир қанча мазмунли реклама роликларининг пайдо бўлганини ҳам ижобий ҳодиса дейиш мумкин.

Оммавий ахборот воситалари хусусан телевидение воқеликни бир бутун қамраб олади. Ахлоқнинг барча соҳа ва йўналишлари ахлоқий маданият, табиатга ахлоқий муносабат, этикет, ахлоқий тарбия муаммоларига кенг тўхталиб ўтади. Ўзаро инсоний муносабат ва инсонда ўсимликларга, ҳайвонларга, еру сувга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш ҳозир кўпроқ ахлоқий муносабат билан боғлиқ бўлиб

қолмоқда. Табиатдаги нафосатни англаш, инсондан аввалги қўпол муносабатнинг ўзгаришига ҳам ахлоқий-эстетик, ҳам экологик маданиятнинг юксалишига олиб келади.

Ҳозирда интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки космик алоқа йўлдошлари, радиосигнал, кабел телевидениеси, телефон, уяли алоқа орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Биринчи Президент И.Каримов таъкидлаганлариdek, “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди”<sup>30</sup>. Шундай бўлса-да, интернет бир қатор салбий жиҳатларни келтириб чиқараётганини ҳам доимо ёдда тутиш лозим. Унда ўз-ўзини ўлдиришнинг осон йўлларини тарғиб қилувчи 9 мингдан,эротик мазмунга эга 4 мингдан зиёд сайтнинг мавжудлиги ҳам бунинг исботи бўла олади. Мутахассислар мавжуд сайтларнинг тахминан 12 фоизи порнографик характерга эгалигини, 42 фоиз болалар ва ўсмирлар онлайн порнография таъсирига тушишини қайд этишмоқда. Мавжуд маҳсус дастурлар интернетдаги порнографиянинг фақат 90 фоизинигина фильтрлайди, яъни комьютердан фойдаланувчининг ихтиёридан ташқарида экранда пайдо бўлиши йўлига тўсиқ қўя олади. Демак, қанчалик ҳаракат қилинмасин порнографик мазмунга эга сайтлар интернетдан фойдаланувчиларнинг хоҳиш-истагидан қатъи назар, уларнинг ихтиёрини торта олади.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларда ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш учун асос бўладиган “ахборот истеъмоли маданияти”ни<sup>31</sup> тарбиялаш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга. Уларда бундай маданиятнинг камол топтирилиши миллий қадриятларимизга зид бўлган ҳар қандай ҳодисага селектив ёндашиб қўнимаси шаклланишига ва дунёқараашдаги соғлом барқарорликка замин яратади.

## 2.5.Тиббиёт эстетикаси ва биоэтика.

Биоэтика, классик тиббиёт этикасидан фарқ қилувчи янги йўналиш сифатида, XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди ва жадал ривожлана бошлади. **Биоэтика** – тиббиёт ва биологиянинг ривожланишига қараб юзага келадиган ахлоқий, хуқуқий ва ижтимоий муаммоларни ўрганувчи билим соҳаси. Бошқача қилиб айтганда, бу борлиқка ахлоқий муносабат мезонлари тўғрисидаги фан, жамият манфаатларини илм-фан тажовузидан ҳимоя қилувчи институт, шунингдек тиббиёт соҳасидаги ахлоқий муаммоларни ҳал қилиш методологиясидир. Биоэтиканинг асосий мақсади – инсонни унинг ҳаёти ва соғлиғига тиббиёт ва биологиянинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш. «Биоэтика» атамасини америкалик машхур онколог врач, олим ва инсонпарвар Ван Ранселер Поттер (1911-2001) илмий муомалага киритди.

<sup>30</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент, “Маънавият”, 2008.-114 б.

<sup>31</sup> Ушбу тушунча илмий муомалага У.Қўшаев томонидан киритилган.

Биоэтика бугунги кунда врач ва пациент муносабатларининг ахлоқий жиҳатларига, эвтаназия ва ўлимни аниқлаш, инсон аъзоларини трансплантация қилиш, ҳомила тушириш (аборт), клонлаш, ирсий инженерия масалаларига алоҳида эътиборни қаратмоқда. Академик доираларда «биоэтика» тушунчаси айнан шу маънода қўлланилади. Бунда тиббиёт этикаси тушунчаси ўрнига кўпинча деонтология тушунчаси қўлланилади. Деонтология этиканинг бурч ва мажбурият муаммоларини ўрганувчи бўлимиdir (атамани инглиз файласуфи Бентам XIX асрда муомалага киритган).

XX асрнинг иккинчи ярмида трансплантомология, ирсий диагностика, ирсий инженерия ва клонлаш ривожлана бошлади. Тиббиёт техникаси ўз ривожланишида шундай даражада етдики, врач илгари ўлиши муқаррар бўлган беморларнинг ҳаётини эндиликда сунъий равишда сақлаб турса олади. Техника соҳасидаги ютуқлар беморлар, ўлим тўшагида ётганлар ва ногиронларнинг ҳуқуқларини юридик жиҳатдан асослашнинг янги-янги шакллари ва усувлари пайдо бўлишига олиб келмоқда. Этиканинг бошқа муаммолардаги иштироки ҳам кенгайди – сиёsatчилар ўз фаолиятида этика қоидаларига тобора кўпроқ таянмоқдалар, жамоатчилик бизнес ва реклама устидан этик назоратни ўрнатишни талаб этмоқда, экология эса атроф муҳит билан муносабатларни тартибга солишда этика қоидаларига риоя этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ахлоқ нормаларига мувофиқлик мезони банк фаолиятининг нафақат қонунийлиги, балки муваффақиятлилигининг ҳам негизи сифатида илгари сурилмоқда.

Биоэтика амалий этиканинг энг ривожланган ва ишлаб чиқилган қисмiga айланди. Боз устига, биоэтика мустақил фан мақомига ҳам даъвогар бўлиши мумкин, деган фикр ҳам илгари сурилмоқда. Дарҳақиқат, биоэтика илгари сураётган муаммолар жуда муҳим ва ранг-баранг, уларни таҳлилдан ўtkазиш даражаси жуда катта, биоэтика кўриб чиқиб ҳал қилаётган масалалар жуда муҳим ва долзарбдир. Ҳар қандай мамлакатда трансплантация, реанимация, сунъий уруғлантириш, ирсий даволаш замонавий врач амалиётининг муайян йўналишлари ҳисобланади. Илмий билим, шу жумладан тиббий-биологик билимлар ҳам универсалдир.

**Патернализм** – тиббиёт этикасининг дастлабки моделларидан бири. Бу шундай бир муносабатлар моделики, унда врач беморга нисбатан нафақат меҳрибон ота, балки подшо ва худо сифатида ҳам иштирок этади, зеро, инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ва бахти унинг қўлида бўлади. Профессионал тиббиёт этикасининг мазмуни «фойда келтириш», «зиён етказмаслик», «беморнинг ишончини қозониши» сингари принциплар билан белгиланади, яъни врач фаолиятини тартибга солишга йўналтирилган ва «тиббий деонтология» деб аталади.

Тиббиёт – юксак даражада профессионализмни талаб этувчи ва этика принципларининг изчил тизимини назарда тутувчи соҳа. Шахсий даражада тиббиёт этикаси врачнинг касбий эркинлигини ва муруватини ўз ичига олади. Касбий эркинлик – даволаш курсини бошқа шахсларнинг аралашувисиз белгилаш ҳуқуқи.

У пациентнинг ўз соғлиғи ҳақида ахборот олиш ҳуқуқи билан чекланади.

Тотли **ўлим-эвтаназия** ҳам биотиббий ахлоқнинг глобал муаммоларидан. Бедаво дардга чалинган беморни азоб-уқубатлардан қутқариш учун унинг ўлимини қасдан тезлаштиришга муносабат юзасидан тиббиётчилар, юристлар, социологлар ва психологлар орасида кўп сонли баҳслар ҳануз давом этмоқда. Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон (1561-1626) енгил оғриқсиз ўлимни белгилаш учун «эвтаназия» (юонча «euthanasia», «eu» – яхши, «thanatos» - ўлим), яъни азоб-уқубатларсиз, яхши, осон ва енгил ўлим атамасини муомалага киритди.

Худонинг ихтиёридан ташқари ўлимни ихтиёр қилган киши диний нуқтаи назардан кечирилмайди. Чунки сабрли, бардошли бўлиш, бу дунё изтиробларини тоқат билан бошдан кечириш инсоннинг вазифаси. Лекин ахлоқий жиҳатдан олиб караганда масала қандай баҳоланади? Дейлик, муайян инсон, бемор ўз кунларининг саноқли эканини, лекин бу кунлар саноқсиз азоблар ичида ўтишини билади. Шу боис у ўзининг ана шу ҳолатини жуда яхши биладиган бошқа бир одам - шифокордан азобларига чек қўйишни сўрайди. Унинг илтимоси ва шу илтимосни бажариш учун шифокор томонидан қилинган хатти-ҳаракатларни қандай, баҳолаш мумкин? Бу хатти - ҳаракатларни инсонийлик ва инсонпарварликнинг кўриниши сифатида қабул қилиш тўғрими? Умуман, эвтаназия ахлоқийликми, ахлоқсизликми? Бу муаммо ҳам умумжаҳоний миқёсда ўз ечимини кутмоқда.

Чунки табобат борасидаги сўнгги тадқиқотлар инсон ўлими бир лаҳзада рўй бермаслигини, юрак уриши ва нафас олиш тўхтаганда ҳам, мия ўлмаса инсонни ўлди дейиш мумкин эмаслигини исботлаб берди. Дастрраб мия қобиғи, ундан кейин мия танаси ҳалок бўлади. Шундан кейингина инсонни ўлган деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, ҳозирги кунда тики мия ўлмас экан, кўпгина ички аъзоларнинг янги табобат техникаси воситасида ишлашда давом этишини таъминлаш ва шу орқали анча муддатгача инсонда тирикликтинг минимал даражасини сақлаб туриш мумкин. Демак, юрак ёки буйракнинг кўчириб ўтказилиши ҳали ўлмаган одамнинг минимал тириклика бўлган ҳуқуқини поймол қилишdir. Бунинг устига, америкалик нейрохирург Пол Пирсон ўз тажрибаларига асосланниб, юрак кўчириб ўтказилганда рух ҳам кўчиб ўтади, деган фикрни билдиради. Чунончи, 19 яшар қизнинг юраги 40 яшар эркакка ўтказилганида, йигитнинг феъл-атворида жуда катта ўзгаришлар рўй берган. Ёки 20 яшар қизнинг юраги ва ўпкаси 36 яшар аёлга ўтказилганда ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар юзага келган: аёлнинг кулишигача ўзгариб кетган. Ахлоқий нуқтаи назардан буни қандай изоҳлаш мумкин?

Фаол эвтаназия қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- 1) «Рахмдилликка асосланган одам ўлдириш» – врач умидсиз хаста одам чекаётган азоб-уқубатларни кўриб, уларни бартараф эта олмаганлигидан, айтайлик, унга оғриқ қолдирувчи препаратни меъёрдан ортиқ миқдорда киритади ва натижада bemor вафот этади.
- 2) «Врач ёрдамида ўз жонига қасд қилиш» – бунда врач бедаво дардга йўлиқкан bemorга ўз жонига қасд қилишга кўмаклашади.
- 3) Шахсий фаол эвтаназия – врач ёрдамисиз ҳам содир бўлиши мумкин. Бунда

бемор унинг тез ва оғриқсиз вафот этишига олиб келадиган ускунани ўз қўли билан ишга туширади, яъни ўз жонига ўзи қасд этади.

Хуллас, актив эвтаназия муаммосининг моҳияти врачнинг bemorни унга раҳми келганидан ёки ўлаётган одамнинг ёки унинг яқинларининг илтимосига кўра ҳаётдан айришидан иборат. Бундай актив эвтаназия нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки бошқа давлатларда ҳам қаттиқ қораланади. Чет элда врачлар ва юристларнинг аксарияти бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган, ҳатто «раҳмдиллик»дан ёки ўлиши тайин бўлган bemornинг илтимоси билан қилинган тақдирда ҳам жиноий жавобгарликка лойиқ қилмиш деб қарайдилар. Шунга қарамай, эвтаназияга ҳатто юридик хуқуқлар берилган мамлакатлар ҳам бор. Хўш, улар буни нима билан изоҳлаганлар? Эвтаназияга тиббий ва маънавий-ахлоқий нуқтаи назардан зиддиятли қараашлар мазкур ҳодисага юридик жиҳатдан ҳам ҳар хил баҳо берилишига сабаб бўлди, бу бир қанча мамлакатларнинг қонун хужжатларида ўз аксини топди.

**Клонлаштириш** атамаси инглиз тилидаги “clone”, “cloning” сўзларидан келиб чиқкан ва ҳозирги кунга келиб ўз ёзилиши, ўқилишини бироз ўзгартирган. Инглиз тилида бу сўз биологик термин сифатида юз йиллар олдин қўллана бошлаган. Бироқ шу қисқа вақт ичида ўз маъносини бир неча марта ўзгартиришга улгурган. Дастрслаб клон сўзи вегетатив йўл билан, яъни бир ўсимлик уруғидан олинган ўсимликлар гуруҳига нисбатан қўлланган. Орадан бир мунча вақт ўтиб, ушбу атама бактериялар турқумини етиштиришга нисбатан ишлаатилган. Биологик ютуқлар шуни қўрсатадики, ўсимликлар ва бактерияларнинг келиб чиқиши, авлодларнинг арганизми-ишлаб чиқарувчиси билан клоннинг барча генетик асослари бир хил бўлади. Кейинчалик шу йўл билан олинган ёки шакллантирилган организмлар клонлаштириш деб аталади. Клонлаштиришга оид кўплаб бахс-мулоҳазалар мавжуд. 1977 йили бутун инсоният клонлаштириш йўли билан дунёга келтирилган шотланд қўзичоғи Доллини кўриб, хайратга тушди. Бу пайтда одамни клонлаштириш устида олиб борилаётган тажрибаларга бўлган муносабат тўғрисида бахс кетаётган ва бахслар қўйидаги саволлар билан боғлиқ эди. Кейинчалик клонлаштириш одамларга генетик касалликларни даволашда ҳам катта ёрдам беради. Агар хавфли генлар, яъни қандайдир касаллик аломатлари оти хромасомасида аниқланса, унда отанинг тухумдонига унинг ўз хужайраси ўтказилади. Шунда хавфли генлардан холи фарзанд дунёга келади. Инсонни клонлаштириш ўз-ўзидан инсоният ахлоқи ва руҳиятини Бузиш билан баробар эмасми деган муаммолардан иборат. Маълумки, инсон фақат жисмоний танадан иборат эмас, унда юрак, қалб, ҳиссиёт тафаккур, орзу умид ва унинг рўёбига қаратилган инсон хатти харакатларининг бир-бирига боғлиқ ва яхлит тизими мавжуд.

**Трансплантация**—одам ва хайвонларда потологик жараён натижасида шикастланган ёки олиб ташланган тўқималар ва органлар ўрнига соғломини кўчириб ўтказиш. Хирургия усули сифатида қадимдан маълум. Тери, мускул, нервлар, кўзнинг мугуз пардаси, ёғ, ва суюк тўқимаси, юрак, буйрак ва бошқа

органлар кўчириб ўтказилади. Қон қуиши-трансплантациянинг алоҳида туридир. Кўчириб ўтказиладиган тўқима ёки орган кимдан олинганига қараб қуидагича фарқланади. аутотрансплантант-беморнинг ўзидан, аллотрансплантат-одамдан одамга, **ксенотрансплантат**-бошқа индивиддан. Ҳозир буйрак трансплантацитаси жуда кенг йўлга қшийлган. Бошқа органлар, юрак, жигар, эндокрин безлар, ўпка ва бошқа органларни кўчириб ўтказиш махсус клиникаларда бажарилади. Транспланталогия-деярли чорак миллион оғир касалликларга дучор бўлган инсонларга ҳаётларини давом эттириш имкониятини берди, лекин шунинг билан бир қаторда бир қатор ахлоқий, ҳукуқий ва ижтимоий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Ушбу муаммоларнинг энг муҳими бугунги кунда бу аллотрансплантация (инсондан инсонга органлар ва тўқималарни кўчириб ўтишдир). Ушбу масалада муаммо донорлик органларининг етишмаслигидадир. Транспанталогия- яшашга умид қолмаган, дори дармонлар фойда бермаган инсонларнинг сўнги чораси ва яшаш учун сўнгги умиди бўлиб қолмоқда. Лекин ушбу муаммо бугунги кунда кўпгина жиноий ҳолатларга яъни, инсон органларини сотиш жараёнларига олиб келмоқда. Ушбу муаммоларни ечимининг бугунги кундаги янги йўллардан бири хиобланган, инсонга хайвоннинг органи ёки тўқимасини кўчириб ўтиш – яъни **ксенотрансплантациядир**. Лекин яқин-яқингага у фақат назарий жиҳатдан мавжуд эди, чунки органларнинг инсондан –инсонга кўчириб ўтилганда бир қанча муаммолар мавжудки, хайвондан инсонга кўчирилганда ушбу муаммолар бир неча марта кўпаяди. Афсуски ушбу органларнинг инсонда қанча вақт фаолият кўрсатиши мумкинлигини ҳали ҳеч ким билмайди. Таъкидлаш керакки, ушбу соҳада баъзи муваффақиятли тажрибалар ўтказилган. 1963 йил К.Римстма инсонга шимпонзенинг буйрагини ўтказган ва у 9 ой мобайнида фаолият кўрсатган.

**Донорларнинг ҳиммати туфайли хар йили миллионлаб инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинади.** Айниқа камқонлик, оққон, саратон каби касалликларда туғруқ пайтида ва турли фавқулотда ҳолатларда қуиладиган қоннинг аҳамияти каттадир. Донорлик инсон қалбида эзгулик, ватанпарварлик, одамийлик туйғуларини уйғотади. **Донорларнинг ҳиммати туфайли хар йили миллионлаб инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинади.** Айниқа камқонлик, оққон, саратон каби касалликларда туғруқ пайтида ва турли фавқулотда ҳолатларда қуиладиган қоннинг аҳамияти каттадир. Донорлик инсон қалбида эзгулик, ватанпарварлик, одамийлик туйғуларини уйғотади.

Ғарб тиббий Биоэтикасида диний ва дунёвий қарашларида кескин фарқ мавжуд, чунки дунёвий қарашларда диний қарашларнинг айрим жиҳатлари кескин танқид қилинади. Ислом фалсафасида эса тиббий амалий этика алоҳида йўналиш сифатида шаклланмаган, аммо ахлоқий қарашларнинг тиббиётдаги аҳамияти, илмий изланишларда ва амалиётда унинг ижобий томонлари таҳлил этилади. Мусулмон Шарқи мутафаккирлари инсоннинг руҳияти, қалби ва ахлоқий – маънавий томонларини тиббиётдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаганлар ва ахлоқийликни тиббиёт илмининг бир бўлаги сифатида қараганлар. Ал-Газзоли

табибларни инсоннинг танасини ва руҳиятини даволовчи икки гурухга ажратади. Иккинчи тоифадаги табиблар инсоннинг юрагини даволайди, юрак бу ерда нафақат инсон органи шунинг билан бир қаторда инсоннинг ўзлигини англаши ва вижданни деб ҳам тушунилади. Ал-Розий эса “тибиёт” термини инсон организмини даволаш ва профилактикасини англанишини таъкидлайди, “тибби руҳони” атамаси эса инсоннинг маънавияти, ахлоқи ва хулқини такомиллаштирувчи тушунча сифатида таҳлил қилинади.

Ҳозирги замон амалий этикасининг муҳим йўналишларидан бири-инсон ҳаётининг энг олий ахлоқий қадрият сифатида қарайди. Шу билан бирга, инсон ҳаётини сақлаб қолиш муаммосини яхшилик ва ёмонликни фарқлашнинг муҳим мезони, деб ҳисоблайди. Ҳозирги зомон фанида Биоэтика этика тирик мавжудотлар, шу билан бирга, инсонга ҳам бўлган муносабатларнинг ахлоқий регулятиви, деб қаралади. Инсоннинг табиат билан узлуксиз алоқасини маънавий таҳлил асосида, табиатни муҳофаза этишда ахлоқий жавобгарлик Биоэтика этиканинг маданий негизини ташкил этади. Биоэтика, социал масалалар билан биргаликда, қадриятлар муаммосини ҳам қамраб олади. Биоэтика мақсадларидан бири –шахсни турли ҳолатларга солиш имкониятларини яратувчи, инсон хатти-харакати, руҳиятини ўзгартириш мумкин бўлган, унинг устидан ўтказилаётган хилма-хил тадқиқотларни чеклаш мезонларини ишлаб чиқади. Биоэтика муаммоларини ишлаб чиқишида файласуфлар, ҳуқуқшунослар социологлар, тибиёт ходимлари ва социал ахлоқшунослар қатнашмоқда. Биоэтик муаммонинг долзарблашуви, илмий техник тараққиёт, биотехнология, ирсият технологиясини ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, табиий муҳитни мақсадга мувофиқ ва тез ўзгартиришда, инсонга катта қувват берди. Табиий эволюцион жараёнлари учун илгари миллионлаб йиллар керак бўлса, энди инсон бу жараёнларни қисқа вақт ичida амалга ошириши мумкин бўлди. Ирсият технологияси ва биотехнология инсон тақдирига бевосита аралashiб, ирсиятни дастурлаштириш, турли тирик организмлар, ирсият асосида янги организмлар, биологик роботлар яратиш масалаларини кўтариб чиқди. Натижада, инсониятнинг ривожланиши, физиологик жиҳатдан қайта ўқиши имкониятларини, диний таҳлил этиш муаммоларини келтириб чиқарди. Ирсиятга қандай маънавий мезонларга кўра, қайси идеалларга, қайси қадриятларга асосланиб, аралashiш муаммолари Биоэтика этиканинг тадқиқот обьекти бўлиб хизмат қиласи.

Мазкур ҳодиса сўнгги бир неча ўн йиллик ичida соф табобат муаммосидан ахлоқий муаммога айланди: эндиликда, бирорнинг муайян аъзосини бошқа беморга жарроҳлик операцияси йўли билан ўтказиш орқали киши ҳаётини сақлаб қолиш ахлоқий нуқтаи назардан қандай баҳоланади, деган савол кун тартибида долзарб бўлиб турибди.

Биологик ахлоқ деганда, одатда, бизда ҳам, жаҳон ахлоқшунослигига ҳам асосан тиббий ахлоқ, табобат муаммоларига доир ахлоқий ёндашувлар тушунилади, холос. Бу унчалик тўғри эмас. Бизнингча, биологик ахлоқ муаммолари икки йўналишдан иборат: бири - инсонларнинг кичик биологик олам

сифатидаги катта биологик оламга бўлган муносабатлари билан боғлиқ «ташқи», иккинчиси - инсонларнинг «ўз-ўзига ва ўзаро муносабатларидаги тиббиёт билан боғлиқ ички» ахлоқий масалалар.

Биз одатда «экологик этика» деганимизда айнан биринчи ҳодисани назарда тутамиз. Икки биологик оламнинг муносабатларини, яъни экологик ахлоқий муаммоларни биологик ахлоқ доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги пайтда экологик ахлоқнинг инсоният учун нақадар муҳимлигини ҳамма билади, лекин ўз билганидан қолмайди – муаммонинг мураккаблиги шунда. Биз юқорида ноосфера, тафаккур борасидаги мулоҳазаларимизда экологик буҳроиларнинг баъзи кўринишларига тўхталиб ўтдик. Бироқ, яна ундан ташқари сўнгги пайтларда жаҳон бўйлаб синтетик жисмлар ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга кўйилганлиги, ҳайвонот ва айниқса ўсимликларнинг габрид усулида янги турларининг вужудга келтирилиши сингари ҳадислар ҳам экологик аҳамиятга эга. Хўш, улар табиат билан силнгишиб, уйғуналашиб кета оладими, табиат уларни ўзиники қила биладими? Бунга ҳозир жавоб топиш қийин, эҳтимол қашфиётларимизнинг оқибатлари, юқорида айтиб ўтганимиз - муайян тафаккур билан инсон орасидаги «масофанинг узоқлашиб» бориши натижасида аён бўлар?...

**Аборт.** Амалий этиканинг анчадан бўён кўпчиликка маълум муаммоси, бу – аборт. Маълумки, тўртинчи ҳафтанинг охирида ҳомилада дастлабки юрак уриши пайдо бўлади. Саккизинчи ҳафтанинг охирида эса мия танасининг электрофизиологик фаоллигини қузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай аборт, халқ таъбири билан айтганда, жонлини жонсиз қилиш, тирик организмни тириклика бўлган ҳукуқдан маҳрум этишдир. Хўш, абортни ахлоқсизлик тарзида баҳолаш керакми ё йўқми? Ёки АҚШ олимлари томонидан «инсон зотини яхшилашга» қаратилган тадқиқотларни олиб қўрайлик. Уларда «яхшиланган» - соғлом, кучли интеллект эгаси бўлган одамлар ҳужайрасини аёл организмидаги энди ривожланишга киришган нисбатан «оддий одам» ҳужайраси ўрнига кўчириб ўтказиш тажрибаларни олиб бориш мўлжалланган. Улар амалда татбиқ этилса, аста-секинлик билан инсоният ирсият жамғармасининг (генофондининг) бир ёқлама ўзгаришига олиб келиши шубҳасиз.

Ҳомила тушириш (аборт) – врачлар, сиёсатчилар, юристлар, файласуфлар ва олимларнинг бундай муҳим қарорлар қабул қилиш масъулияти муносабати билан кўриладиган масала. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, аёл барча асрларда ҳам ўз фарзандларини ўлдирган. Бундай фарзандкушлиқ қадимги жамиятга (айниқса, матриархат даврига) кўпроқ хос бўлган. Бунинг асосий сабаби – аёл ўзи туғиши мумкин бўлган барча болаларни боқиб катта қилишга жисмонан қодир бўлмаган. Қадимда янги туғилган чақалоқларга анча шафқатсиз муносабатда бўлинган, натижада фақат кучлилар яшаб қолган.

Румо папаси буни инсон зотига, инсоний табиатга аралашув, уни зўрлик йўли билан ўзгартириш, нафақат катта гуноҳ, балки ўта ахлоқсизлик деб атади. Хўш, бундай тажрибаларни қандай баҳолаш керак? Бу саволларга ҳам Амалий этика жавоб топмоғи лозим.

**Ўлим жазоси.** Ўлим, маълумки, ахлоқий нуқтаи назардан энг улкан ёвузлик ҳисобланади. Айниқса мажбурий ўлим. Шунга кўра, ўлим жазосининг ҳуқуқий жиҳатдан қўлланилиши моҳиятнан жамият томонидан ёвузликка қарши ёвузлик билан жавоб беришдир.

Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссалом ислом динининг уч асоси борлигини айтиб, уларнинг биринчиси одам ўлдирмаслик эканини таъкидлайдилар. Буни имом Ғаззолий «Мукошафаат ул – қулуб»да шундай келтиради:

«Термизий ва бошқа ҳадисчилар ривоят қиласидилар:

Расуллудоҳ буюрдиларки:

... Исломнинг уч дастури бор. Диннинг тамойили шулар устига қурилган. Ким шу асослардан ташқари чиқса, бу билан у коғирликка қараб кетган бўлади:

- 1 – Конни (одам ўлдиришни) ҳалол ҳисобласа;
- 2 – Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига гувоҳлик (шаҳодат) бермаса;
- 3 – Фарз бўлган намозни ва рўзани инкор этса».<sup>32</sup>

Демак инсон ҳаёти энг олий қадрият экани диний нуқтаи назардан ҳам нафақат тан олинади, балки биринчи ўринга қўйилади.

Ўлим жазосини кимлар қанчалик оқлашга ҳаракат қиласин, у - жиноятчини жазолашдан қўра, ундан ўч олишга қаратилган, қадим-қадимлардан келаётган хун олиш тамойилининг «демократлашган», янгиланган шакли сифатида намоён бўлади. Аслида эса инсоннинг муайян жиноятни содир этган ҳатти-харакатлари қораланилиши керак, унинг ўзи эмас, у қилган ёвузлик ўлимга маҳкум этилиши лозим - одамни эмас, ёвузликни ўлдириш оқилона иш эмасми?! Ёвузликни ўлдириш, ёвузлик содир этган кишининг уззоқ муддатли ёки бир умрлик қамоқдаги виждан азоби ва тазарруси билан амалга оширилгани дурустмасми?!

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, нодемократик тузумларда белгиланган ўлим жазоси камдан-кам ҳолларда адолатли ҳукм бўлиб чиқади. Чунончи, Ленин, Сталин, Ҳитлер, Пол Потлар ҳукмронлигига миллионлаб одамларнинг қатл этилиши ёки шу яқин-яқинларда, шўролар тузуми даврида Ўзбекистонда ўтказилган «Пахта иши» деб номланган қатагон пайтида отишга ҳукм қилингандарнинг тақдирни бунга яққол мисол бўла олади. Ана шу даврларда ўлимга ҳукм қилингандарнинг жуда кўпчилиги ке-йинчалик оқланди, улар гуноҳсиз деб топилди. Лекин ҳукм ижро қилиб бўлинган: ноҳақ жазоланган - қатл этилган инсонлар адолат тантанасини кўролмайдилар.

Учинчидан, ҳатто демократик жамиятларда судларнинг ҳамма вақт ҳам юз фоиз тўғри ва адолатли ҳукм чиқаришига ким кафолат беради - ҳакамлар ҳам инсон, ҳамма қатори хато қилиши мумкин. Жамиятнинг кейинги пушаймонидан қатл этилган одамга нима фойда?

Бу мисолларнинг ҳаммасида ўлим - тор ҳуқуқий жазо доирасидан чиқиб кетади ҳамда тарихда алданган, адашган инсониятнинг, жамиятнинг ва шахснинг ахлоқизлиги сифатида баҳоланади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳозирги пайтдаги кўпгина демократик мамлакатларда ўлим жазосининг бекор қилинишини ўша

<sup>32</sup> Ғаззолий. Мукошафаат ул-қулуб. Тошкент. 253-б.

жамиятлар ахлоқий даражаси билан боғлиқ ижобий ҳодиса дейиш мумкин. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу борада дадил қадамлар қўйилганлиги - аввал ёш нуқтаи назаридан ўлим жазосини қўллашнинг чегараланганлиги (60 ёшгача), кейинроқ эса уни бутунлай бекор қилишга қаратилган инсонпарварлик ҳаракатлари қувонарли воқеа. Бу нафақат бизга, балки Ер юзидаги барча мамлакатларга тааллуқли муҳим, умумжаҳоний муаммо. Амалий этика олдида ана шундай, тобора глобаллашиб бораётган ахлоқий муаммоларни ҳал этишда етакчилик қилиш вазифаси турибди. Зеро мазкур глобал муаммоларни бугунги кунда Амалий этиканинг аҳамиятини белгилаб берувчи барометрлар, дейишимиз мумкин.

Мамлакатимизнинг чинакам мустақилликка эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари ва шартшароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланишини таъкидлаб Ислом Каримов «Аввало, у аҳолининг миллий-тариҳий турмуш ва тафаккур тарзидан, ҳалқ анъналари ва урф-одатларидан келиб чиқади”,-деган фикрни айтган эди<sup>33</sup>. Дарҳақиқат, чукур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган жамоавийлик асослари Ўзбекистон ҳалқига тарихан хосдир. Бу борада ҳалқимиздаги меҳмондўстлик, саҳоватпешалик, миллатидан қатъий назар одамларга ҳайриҳоҳлик, меҳр-муравватлилик, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш, ўзаро ёрдам туйғуси, кишилар ўртасидаги маданий-ахлоқий муносабатларнинг асосий меъёрларидан ҳисобланади. Республикаизда амалга оширалаётган ислохотларнинг асосида ҳам, шунингдек, одамларнинг турмуш тарзида, кундалик ҳаётида, рухиятида ҳамда маънавий-ахлоқий қадриятларини шакллантиришда аншундай маънавий омиллар сезиларли таъсирга эга. Зеро, мамлакатимизда бошланадиган ҳар бир йил инсонни ҳар томонлама ривожлантиришта қаратилган ном билан аталаётганлиги “Инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун” тамойилинг амалдаги ифодаси бўлаб бормоқда.

Жамиятимиздаги ҳозирги янгиланиш жараёнида ахлоқшуносликнинг ўз ўрни бор. Унинг олдида янги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ахлоқий даражасига масъуллик ва ҳар томонлама камол топган замон кишиси тарбиясини назарий асослашдек улкан вазифалар турибди. Уларни фақат қадимий ва ҳар доим замонавий бўлиб келган ахлоққа янгича ёндашувлар асосидагина амалга оширса бўлади.

Янгича ёндашувлардан бири-ахлоқшуносликда миллий ғоя ва мустақиллик мафкурасига эътиборни кучайтириш билан боғлиқ. Чунки замонавий комил инсон анъанавий ахлоқий қадриятлар билан йўғрилган янгича мафкурамизни ўзида мужассам этган, миллий ғояни ўз руҳий оламига сингдирган етук шахс бўлмоғи лозим. Унинг қалбида ахлоқ мафкуравийликни ва мафкура ахлоқийликни ўзида ўйғунлаштирган маънавий ҳодисаларга айланмоғи керак. Чунки мафкура бир ёқлама, маҳдуд, ўта сиёсийлаштирилган ғоялар тизими эмас, у ҳам худди ахлоқ каби, ахлоқ билан ёнма-ён туриб, инсонни юксак маънавий парвозларга даъват

<sup>33</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. Ўзбекистон. 1993. 40-бет.

этувчи ботиний кучдир.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгани туфайли халқимиз фақат янги мустамлакачилик занжиридангина озод бўлиб қолмади, балки ижтимоий тузум ўзгаришини бошдан кечирди ва кечиримоқда. Салкам бир асрлик тоталитар тузум халқни «темир қўлқоплар» ёрдамида ушлаб турди: «юқори»нинг гапи-гап, шахснинг фикри мутлақо инобатга олинмасди, эркинликнинг ҳар қандай кўриниши давлатга қарши жиноят сифатида баҳоланар, чизиб қўйилган чизиқдан чиқиш мумкин эмас эди. Жамият синифларга бўлиб ташланиб, унинг аъзолари ягона коммунистик мафкура асосида тарбияланарди. Нимани гапириш ёки гапирмаслик, нимани ўқиши ёки ўқимаслик, нимани ёзиши ёки ёзмаслик в.х. сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маънавий хатти-ҳаракатларнинг ҳаммаси аввалдан белгилаб қўйилар, фуқаролардан жонли роботлар тарзида яшаш талаб қилинар, акс ҳолда ҳар қандай шахс қамоққа ёки руҳий касалхонага ташланар ёки фуқароликдан маҳрум қилиниб, бир умр муҳожирликка, ҳатто ўлимга маҳкум этилар эди. Ана шундай «темир» сиқув ва қўрқув остида яшаган халқнинг бирдан озодликка чиқиши, дафъатан ҳамма ўзини эркин ҳис қилиши силлиқ кечиши мумкин эмаслиги, ҳаттоқи маълум даражада хавфли экани табиий.

Шуни таъкидлаш зарурки, сўнгги йиллар мобайнида кишиларнинг ижтимоий онгига муайян ўзгаришлар содир бўлди. Эндиликда қадриятларни янгича баҳолаш, уларни такомиллаштириш, илғор миллий анъаларни сақлаган ҳолда умуминсоний қадриятларни хурматлаш туйғуси шаклланмоқда. Республикализнинг янгиланиш ва ижтимоий тараққиёт йўли ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маърифий, маънавий-маданий ва бошқа соҳаларини қамраб олади. Бу йўл мустақил Ўзбекистон ички ва ташки сиёсатининг умумий стратегиясини белгилаб беради. Шу боис янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлайди. Шу боис, мамлакатимизнинг ижтимоий-маънавий соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларда маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш, маънавий-маданий меросга ижобий муносабатда бўлиш, халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи анъаналарни ривожлантириш, унинг гузаллигини рўёбга чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Кишиларнинг турмуш тарзи ва маданиятини, майший ҳаётини такомиллаштириш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш ҳамма вақт жамиятнинг муҳим ва асосий мақсади бўлиб келган. Ахлоқий фазилатлар, уларни шакллантиришнинг миллий жиҳатлари ҳар доим сақланиб қолади ва жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга мойил бўлади. Халқимизнинг миллий маънавияти, ўзига хос ахлоқий фазилатлари, турмуш тарзи маданияти бугунги кундаги жамият тараққиётининг муҳим омилларидандир. Шунингдек, турмуш тарзи маданиятининг миллийлик хусусиятлари халқнинг анъанлари ва урфодатларида, кундалик ҳаёти ва маънавий турмуш соҳаларида ўз аксини топади.

**Назорат саволлари:**

1. Илмий техник тараққиёт натижасида юзага келадиган ахлоқий ва эстетик муаммолар.
2. Интернетнинг ахлоқий-эстетик тафаккурни ўзгаришига таъсири хақидаги фикрингиз.
3. Иллатнинг жамият ижтимоий тараққиётига салбий таъсири хақидаги фикрингиз?
4. Иллатларнинг кўриниши, туркуми, хусусиятлари хақида нималарни биласиз?
5. Ахлоқий муҳит ва экологик ахлоқ деганда нималарни тушунасиз?
6. Биоэтика масалари хусусида нималарни айта оласиз?
7. Тиббиёт эстетикаси ва биоэтика хақида нималарни биласиз?

**З-мавзу: Ахлоқ психологияси. Руҳий таҳлил йўналиши ва гайризўравонлик. Гендер муаммолари. Аёл ва эркакларнинг оддий хулқатвори ва мотивациясининг ахлоқийлиги ва рационаллиги.**

#### **РЕЖА:**

- 3.1. Ахлоқ психологияси
- 3.2. Руҳий таҳлил йўналиши ва гайризўравонлик.
- 3.3. Давлат хизматчилари этикаси ва имиджи.
- 3.4. Гендер муаммолари
- 3.5. Аёл ва эркакларнинг оддий хулқ-атвори ва мотивациясининг ахлоқийлиги ва рационаллиги

**Таянч иборалар:** *ахлоқ, ахлоқ психологияси, руҳий таҳлил, гайризўравонлик, Гендер муаммолари, хулқ-атвор, мотивация.*

### 3.1. Ахлоқ психологияси

Ахлоқ психологияси – шахс ички руҳий дунёсининг ташки амалий хатти-харакатларида намоён бўлиши. Ахлоқ психологияси икки фактор асосида шаклланади: Таълим; Тарбия

Ҳар бир инсон ўзига яраша катта орзулар билан яшайди. Ушбу орзулар кимнингдир фақат хаёлида айланиб юраверса, бошқа бирор ўз орзуларини амалга оширишга қадам-бақадам ҳаракатда бўлади.

Аниқ натижага фақат мана шу ўз орзуларига қадам-бақадам ҳаракатда бўлган киши эришади.

Инсонларга бўлган муҳаббатнинг йўқолиши ҳар бир шахс учун энг оғир ва энг қимматбаҳо йўқотишдир.

Жамоада яхши кайфият, иш унумдорлигининг юқори бўлиши учун раҳбарнинг бекаму кўст бўлиши унинг ташки қиёфаси, илиқ истараси, муомала маданияти ва бошқа шунга ўхшаш юзлаб омиллар албатта катта роль ўйнайди.

Ушбу омилларнинг энг асосийларидан бири раҳбарнинг ўз-ўзини ҳар қандай ҳолатда тўғри бошқара олиши, ахлоқ ва одоб нормаларидан четга чиқмаслигидир.

Чунки бир маротаба бирон ҳодимни бошқалар олдида ҳақорат қилган раҳбар бошқаларнинг назарида у шундай ҳаракатни такрорлашга қодир, деган фикрда қолаверади.

Бу ўринда ахлоқ нормаларининг табиат қонунлари билан мутаносиблиги ўта яшовчан бўлиб айни шу ҳолатни кўзда тутган машхур психологлардан бири Г. Селье ахлоқий нормалар инсоннинг манфаатини кўзлаши, унинг соғлик ва имкониятларига ижобий таъсир қилувчи бўлмоғи керак, деган эди.

Ахлоқ нормалари доимо шахснинг онги, дунёқараши, тарбияси, маълумоти ва бошқа шунга ўхшаш шахсий кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлиб унинг ҳаётидаги ижтимоий ўрнига катта таъсир кўрсатади.

Шахс қанчалик маънавий юксак поғонада бўлса, жамиятнинг ахлоқий нормаларидан шунчалик кенг фойдаланади ва ўз ҳаёт фаолиятида кўллаган ахлоқий нормалар на табиатга, на жамият ва жамият аъзоларига салбий таъсир келтирмайди.

Г. Селье тили билан айтганда, биологик зарар келтириб бошқа шахсни стресс ҳолатга солмайди, унга маънавий ва моддий зарар келтирмайди.

Агар Европа олимларининг фикрини оладиган бўлсак, улардан И. Кант айнан ахлоқ нормалари инсон ўз устидан ғалаба қилиш босқичи, деб айтган эди.

Қадим юнон файласуфларидан Аристотель ахлоқ нормаларигина кишига нима қилиш мумкину, нима қилиш мумкин эмаслигини кўрсатади, деб айтган эди (Аристотель «Этика» асари).

Ҳар бир раҳбар ўз иш фаолиятида нима қилишини ва қандай қилишини ахлоқ ва одоб нормалари доирасида олиб борар экан, у албатта, ўз қўл остидаги ҳодимга салбий таъсир қилмайди, Г. Селье тили билан айтганда биологик зарар келтирмайди. Аристотель тили билан айтадиган бўлсак, у илгаридан нима қилишини билади.

Жамиятда қабул қилинган ахлоқий нормаларни бажариш, уларни ўз шахсий хулқида ҳис қилиш ўз ўрнида шахс руҳида маълум норматив хулқ вужудга келишига олиб келади. Айни мана шу ахлоқий норма шахснинг ички маънавий дунёсини ташкил қиласди.

Шахс қанчалик маънавий жиҳатдан бой маълумотга эга бўлса, уларга риоя қилса, унинг шунчалик маънавий дунёси, умумий дунёқараси кенг ва камровли бўлади.

Бу ўринда маънавий дунёси бой, ахлоқий нормалар поғонаси юқори шахс жамиятнинг идеали равишда бошқалар унга интилиши, тақлид қилиши арзигулик шахс бўлиб бораверади.

Бундай шахслар билан бошқаларнинг муомаласи, мулоқоти енгил кечиб, бошқалар уларга интилади, улар билан танишлигидан, бирга ишлашидан ва умуман ундайлар билан алоқадорлигидан одамлар мағрурланиб юришади.

Жамоа раҳбарияти томонидан жамоанинг руҳий, ахлоқий, ижтимоий, ташкилий, интизомий ва бошқа жамоани жипслаштирувчи омилларга қаратилган ҳар қандай фаолияг алоҳида аҳамиятга эгадир.

Жамоа ички тизимларининг ҳар қандай бугинидаги ижобий ўзгаришлар жамоанинг ишлаб чиқариш, маънавий юксалиш фаолияти сари куйилган янги кадам бўлади.

Шунинг учун ҳам жаҳон мамлакатларида фаолият кўрсатаётган фирма, концерн ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида ижтимоий-руҳий муҳитни яхшилашга алоҳида эътибор берилади.

Меҳнат жамоасидаги соғлом руҳий муҳитнинг таркибий қисмларини айтиб ўтадиган бўлсак, улар асосан умумжаҳон, умуминсоний ахлоқий қадриятларга мос келиши ва жамоадаги ҳар бир шахснинг ушбу қадриятларни қадри билан белгиланади.

Ахлоқ психологияси –шахс ички руҳий дунёсининг амалий хатти-харакатларида намоён бўлиши. Ахлоқ психологияси икки фактор асосида шакилланади. Қадимдаёқ ахлоқшуносликнинг руҳшунослик (психология) билан алоқаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Зотан, бу иккала фан кишилар хатти-харакати, феъл-атвори ва майл-истакларини ўрганади. Лекин бу ўрганиш икки хил нуқтаи назардан олиб борилади: руҳшунослик у ёки бу хатти-харакат, феъл-атвор, сабабий асос (мотив)ларнинг руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиб беради, ахлоқшунослик эса руҳшунослик тадқиқ этган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради. Руҳшунослик ҳиссиётлар сифатида ўрганадиган инсондаги кўпгина маънавий ҳодисалар ахлоқшунослик томонидан фалсафий-ахлоқий тушунчалар тарзида тадқиқ этилади.

Инсоният тараққиётининг барча босқичларига назар ташлар эканмиз, ахлоқнинг жамият ҳёти ва тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини кўрмасликнинг асло иложи йўқ. Ахлоқ инсон ортирган, эгаллаган билимлари, малакалари, кўникумлари ва шулар асосида юз берадиган инсоннинг руҳий – психологик кечинмалари билан боғлиқ ҳолда, унинг учун қадрли бўлган меросларга ва

қадриятларга айланиб, инсон ва инсоният ҳаёти, эҳтиёжларини қондириш учун асос бўлиб бораверган. Инсоният томонидан яратилган ва амалий ҳаёт давомида кўплаб синалиб, жамият тараққиётига ўз таъсирини қўрсатиб келаётган маънавият бу инсон рухияти, психологик кечинмалари, яъни ички рухий ҳолатлари билан чамбарчас боғлиқ жараёндир.

Ахлоқни ички психологик жараён эканлигини этнопсихологиянинг асосчиларидан бўлган М. Лацарус ва Г. Штейнталлар :Бир бутун бўлиб яшаётган ва бир – бирига маълумот бериб ҳаёт кечираётган кўпчилик инсониятнинг маънавий қонуниятларини очишни этнопсихологиянинг вазифаси деб билишган. Миллатнинг, халқнинг маънавияти ва унга хос бўлган рухият алоҳида индивидларда яшаса – да, унинг пайдо бўлиши, гуллаб яшнаши ва таназзулга учраш қонуниятларини психологик жиҳатларини ўрганиш бу этнопсихология, ижтимоий психология тармоқларининг вазифасидир.

Шуни таъкидлаш керакки маънавиятнинг жамият, миллат, халқ ва инсон ҳаётидаги аҳамияти ва зарурӣ эҳтиёж эканлиги қадимдан маълум бўлиб, унга дунёнинг буюук мутафаккирлари ҳам ўз дикқатларини қаратганлар. Дейлик рус мутафаккирларидан бири бўлган В. И. Даъъ ўзининг “Тольковый словарь” ида маънавият тушунчасини – бир жон ва руҳдан пайдо бўлган, авлодсиз, моддий бўлмаган , инсоннинг ақл ва иродасининг маҳсули бўлган, унинг рухига, тегишли ҳамма ақлий ва ахлоқий қувватлардир, деб тарифлаган. Бу ерда маънавият рухий – психологик ҳолат сифатида инсон ва жамият ҳаёти учун, жамиятнинг келажаги учун зарур бўлган муҳим ходиса, ақлий, ахлоқий муносабатлар билан боғлиқ психологик кечинмалар ва худо тамонидан берилган инъом сифатида тушунилади.

Ахлоқни айнан инсоннинг ички кечинмалари, рухий озуқаси сифатида кўрилиши, маънавият инсон рухияти билан боғлиқ ижтимоий ходиса эканлигидан далолат беради. Агарда Маънавиятни инсоннинг ички рухий кечинмаси сифатида олсақ, у ҳолда рухий тушунчаси, бу кишининг рухига, психик кайфиятига, ички кечинмаларига оид ходиса эканлигини бунда инсоннинг рухий ҳолати, рухий кўтаринкилиги, рухий эзилиши, бир сўз билан айтилганда хиссий – эмоционал психологик кечинмалари билан боғлиқ ходиса эканлиги англаради. Ахлоқ айнан инсон рухий ўсишнинг озуқаси сифатида кўзга ташланади. Ҳақиқатда ҳам маънавий бой инсоннинг рухияти билан маънавий қашшоқ инсоннинг рухияти ўртасида фарқ яққол кўринади. Маънавий бой инсонда рухий кечинмалар, яъни миллат, халқ, жамият манфаатлари, эҳтиёжлари билан узвий боғланган бўлади. Маънавий бой инсон ўз миллати равнақи учун, бошқа қардош миллатларнинг мафаатларини хисобга олган ҳолда жон қўйдиради. Ахлоқи қашшоқ инсон эса ҳар доим ўз манфаатлари йўлида харакат қиласи. Маънавияти бой инсон ҳар доим жамият ютуқларидан шодланади, рухланади ва ўзи ҳам бу ютуқларга суюнган ҳолда маънавиятга хос бўлган харакатларни бажаради.

Маънавият бу ўзида миллатга, жамиятга хос бўлган фалсафий, ахлоқий, амалий, назарий илм ва билимларни, малака,кўнимкаларни, инсон ахлоқ ва одобини,инсоннинг ахлоқий, эстетик, илмий етуклигининг натижаси бўлган иймон,

эътиқод, виждон, инсоф, ихлос, инсоннинг шулар асосида пайдо бўлган дунёқарашининг йифиндиси ва ички руҳий ҳолати деб қараш мумкин. Лекин шу билан маънавиятни тор маънода тушунб қолиш мумкин эмас. Балки маънавият бу инсоннинг бутун фаолиятини ўзида мужассамлаштирган, инсоният тараққиёти давомида ортирган билимлари, илмлари, амалий малакалари билан боғлиқ бўлган ва инсон руҳиятига куч – қудрат бериб турадиган мураккаб жараёндир.

Ахлоқ масалаларини ўрганган этнопсихологиянинг асосчиларидан бўлган В.Вундт тилни, афсоналарни ва анъаналарни ўрганиш бу халқнинг маънавиятини, руҳиятини ўрганишнинг ўзи эканлигини таъкидлаган. Ахлоқни ўрганиш халқнинг аниқ тарихий шароитдаги психологиясини, руҳий эмоционал кечинмаларини ўрганиш эканлигини рус психологи Т.Г. Стефаненко ҳам ўз асарларида кўрсатиб ўтади. Ҳақиқатда ҳам миллат, халқ маънавиятида унга тегишли бўлган эҳтиёжларни, манфаатларни қондириш хисси, ўз анъаналаридан, урф – одатларидан шодланиш, қониқиши, руҳан кўтаринкилик ва келажакка ишонч каби хиссий кечинмалар ўтади. Бу маънавиятга хос бўлган жараёнлар инсонни ва жамиятни келажакка бўлган ишончини ортиради, унинг руҳан ўзига ва атрофидаги инсонларга бўлган муносабатида маънавиятга хос муносабатлар бўлишига умид яратади. Бу эса унга хар доим куч ва қудрат бериб туради. Инсонни ўз ички руҳиятига суюнишга ва ундан маънавий қудрат олшга имкон яратади.

Миллат ва халқнинг ахлоқини муҳим бўлраги бу унинг она тилидир. Она тили ўзида миллатга тегишли бўлган барча маънавий бойликларни жамлайди. Унда халқнинг руҳияти, маданияти, маънавияти ўз аксини топади. Бу ҳақида Биринчи Президентимиз шундай деб ёзади: “Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий – маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир “.<sup>34</sup> Ҳақиқатда она тилининг тараққиёти бу миллатнинг ижтимоий психологик жараёни бўлган ўзлигини англаши, миллий онгнинг ва тафаккурнинг ифодасидир.

Маънавиятни инсон руҳияти, жамият ижтимоий психологик жараёнларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Маънавият инсонни янги кечинмалар, ҳис – туйғулар билан бойитади. Маънавий бой инсон руҳиятидаги кечинмаларни ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Ватанга бўлган муҳаббат, миллатпарварлик туйғулари, оила маънавияти, маҳалла ва маънавий тарбия, урф - одат, анъаналарга ва қадриятларга бўлган муносабат, ёшларга берилиб келаётган таълим – тарбия, жамиятда юз берувчи ижтимоий муносабатлар ва шу каби маънавиятга хос масалалар Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ўз ифодасини топган. Бу аср ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда муҳим хужжат бўлиб хизмат қиласи. Шуни таъкидлаш керакки, маънавият бу инсонга куч ва

---

<sup>34</sup> И.А.Каримов “ Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т. 2008 й. 83-бет

кудрат бағишлиб турувчи, унинг рухиятини бойитувчи ижтимиоий жараён. Инсон бу маънавиятга ҳар доим заруриятни ўзида сезиб туради.

Меҳр маънавий-ахлоқий, фалсафий ҳамда психологик тушунча сифатида кенг маънога эга. Меҳр сўзи ўзбек тилининг изоҳли луғатида (арабчадан олинган бўлиб севги, муҳаббат; мойиллик) инсоннинг ўз туғишганларига, яқин кишиларига ва умуман, одамга, нарсага бўлган самимий муҳаббати; яхши кўриш туйғуси; шафқат, раҳмдиллик; илтифотлилик тарзида таърифланган. Уни психологик категориядан бири деб ҳисоблаш мумкин. Психологияда меҳр тушунчаси севги, муҳаббат, ғамхўрлик, эътибор, эмпатия-симпатия кўринишларида учрайди. Ушбу сўзлар инсонларнинг кундалик турмушида фойдаланадиган меҳр тушунчасига маънодош.

Меҳр шахснинг камолотини белгиловчи омиллардан биридир. Ўз навбатида меҳр шахснинг “психологик имконият”ни юзага чиқаришда туртки берувчи вазифани бажаради. Психологик имконият вазифасига кўра инсоннинг хаётга бўлган қизиқиши, интилиши, хаётга ва атроф-оламга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш хоҳишини жонлантириб туради. Психологик имкониятлар шахснинг ўзини-ўзи бошқаришида фаоллаштирувчи, фавқулодда ҳолатларда тўсиқларни енгидиб ўтишида, қийинчиликларда далда берувчи ва қувватловчи кучдир. Шунингдек, инсонда ўзига ишонч ва дадилликни тикловчи ҳамда унинг мунтазамлигини таъминловчи омиллар ҳам психологик имкониятлардир.

Бугунги глобаллашув, шиддатли тараққиёт, ахборотлашув шароитида тарбия ва ахлоқ масалалари Абдулла Авлоний айтганидек “ё ҳаёт, ё мамот, ё нажод ёки шарофатли ўлим” даражасидаги муҳим масалага айланиб бормоқда. Буни “оммавий маданият” нинг салбий таъсири натижасида ёшлардаги оғиш ҳолатларининг намоён бўлиши (Европа ва Америкадаги бир жинсли никоҳ, ёшларнинг заарли одатларга берилиш ҳолатлари, инсонийлик нормаларининг ўрнини ҳайвонийлик, шахвонийлик егаллаши...) ва ўзлигини англамаганлик оқибатида “сиёсий ўйинлар қурбонига” айланиб қолиши (Арабистон ярим ороли ва Мисрдаги “Араб баҳори” номи билан аталган тартибсизликлар) ҳолатларини мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин. Ушбу вазиятда ёшлар асосий нишонлиги ачинарлидир. Агар ёшларда маънавий бўшлиқ бўлмаса ҳамда уларнинг психологик имкониятларидан фойдаланиш кўникмалари шакллантирилса хулқ-авторида оғишлар йўқолади, маънавий баркамоллик, психологик соғломлик ва иммунитет шаклланади. Бу эса ўзига хос ҳавфсизлик ва ҳимояланишни таъминлашни мустаҳкамлайди. Файласуф ва психолог Эрих Фром “Инсон қалби” номли асарида мазкур муаммо юзасидан ўзининг бир қатор фикрларини билдирган. Унинг талқинича, инсоннинг ҳаётни севиши, эзгуликка мойиллиги, психологик соғломлиги, ўзининг хақиқий қизиқишилари ва интилишларига таяниб иш тутишини “биофилия” деб атаган. “Биофилия” инсоннинг болалик даврида кўрсатиладиган меҳр-муҳаббатга боғлиқ шаклланар экан. Бунда уни ўраб турган муҳитнинг илиқ муносабатларга асосланганлиги, таҳдидларнинг йўқлиги, ички ҳотиржамлик ва уйғунликка олиб борувчи тамойиллар асосидаги тарбия, инсонлар билан жонли мулоқот каби сабаблар муҳим аҳамият касб этади. “Биофилия”

тушунчасига қарама қарши бўлган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, у “некрофилия” деб аталади ҳамда ўлимни севиш, ёвузлик, қонхўрликка нисбатан мойилликни англатади. Унинг шаклланиши эса, инсоннинг кўркув таҳди迪, ташаббус етишмаслиги, зерикарлилик ва қолоқлик устига қурилган ҳаёт тарзи ҳамда рационаллик ўрнига механик яшаш тарзининг ўрнатилганлиги ва бу инсонлар ўртасидаги муносабатларда бевосита намоён бўлиши ҳақида таъкидлаб ўтган. Бунда натижасида у ўзи билан нарциссизм (эгоизмнинг юқори кўриниши), садизм (ўта шавқатсизлик) ва умумий тубанлашувга ҳам олиб келиши мумкин. Шунингдек, Эрих Фроммнинг таъкидлашича, биофилияга мойил инсонлардан ташкил топган ижтимоий мухитда ўсган бола ҳам биофилияга мойил бўлади. Яна у некрофилия ҳам худди биофилия сингари “юқумли” эканлигини айтиб ўтган.

Инсоннинг ижтимоий мавжудот эканлиги бугунги кунда исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шундай экан, у туғилганидан бошлаб ҳаётининг охиригача эътиборга, ғамхўрликка, қўллаб қувватлашга, муҳаббатга бир сўз билан айтганда меҳрга эҳтиёж сезади. Шу ўринда психолог А.Маслоунинг эҳтиёжлар назариясига эътибор қаратилса, ўртамиёна инсон ҳаёти давомида муҳаббатга (меҳрга) бўлган эҳтиёжининг 50 фоизини қондириши тахмин қилинади. Демак, бу миқдор пасайса инсонда салбий томонлама ахлоқий, психологик, патологик ва биологик ўзгаришлар содир бўлиш олиб келади.

Чикаго университети тиббиёт маркази мутахассисларининг кузатувлари шуни кўрсатадики, шахсга болалигидан етарлича эътибор қаратмаслик, у билан эмоционал мулоқотга киришмаслик, “меҳр етишмаганлик синдроми”ни пайдо қиласи. Бу эса, бола улғайгач унда юрак-қон томир касалликлари ва инсултни шакллантиради. Мутахассислар томонидан ўтказилган тадқиқод натижалари, юқоридаги фаразни исботлади. Унда Ёши 55 дан юқори бўлган 1000 киши орасида сўров ўтказилган ва сўровнома ўз ичига “сизнинг ота-онангиз болалигинизда сизга эътиборсизлик, қаттиққўллик, раҳмсизлик қилишган?”, “сизнинг ота-онангиз сиз билан етарлича мулоқот қилмаган?”, “Сизнинг ота-онангиз сизга меҳр кўрсатмаган?” каби саволларни ҳам қамраб олган. Сўровдан 3,5 йил ўтгач респондентлардан 257 таси турли касалликлар сабабли вафот этган, улардан 89 тасида эса фалажланиш аломатлари аниқланган. Статистика шуни кўрсатадики, ўша 89 киши орасида ҳар тўрттадан учтаси сўровларда ўшлигида ота-она меҳридан мосуво бўлишганлигини эътироф этган инсонлар бўлиб чиқкан. Тадқиқод раҳбари бўлган доктор Роберт Уилсоннинг фикрига кўра: “ўтказилган тадқиқод мақсади болаларга меҳр ва эътибор етишмаслик синдроми кейинчалик уларда учрайдиган юрак қон-томир муаммолари билан боғлиқлигини исботлашдир”.

Шу ўринда маънавий манба, Имом Ғаззолийнинг Риёзатун-нафс асаридан қуйидаги фикрларни кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ, “Қачонки болада чиройли хулқ, мақтовга арзигулик бир феъл содир бўлса, уни ҳурмат билан шарафламоқ, кўнглини қувонтирадиган нарса билан тақдирламоқ, кўпчилик орасида бу феълинни изҳор этмоқ зарур” (Абу Номид Ғаззолий, 2006). Аксарият психологлар ҳам боланинг психологик эҳтиёжлари ҳақида сўз юритганда, юқоридаги

таъкидланганларга уйғун назарияларни илгари суришади. Болада психологик ҳарактерга эга, фарзандлик эҳтиёжлари мавжуд бўлиб, улар: мақтовга бўлган, қўллаб-қувватлашга, позитив мулоқотга, эътиборга, ҳамкорликка бўлган эҳтиёж (ўйин ёки хўжалик юмушларида...) ва бошқаларни тинглашларига бўлган эҳтиёжлардир (Е.Д.Титов).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир ота-она ўз фарзандини камолотини кўришни истайди ва бу йўлда ҳаракат қиласи. Бугунги кунда айрим инсонлар “ўз фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлаб қўйиш бу – фарзандига меҳр беришдир” деган “фикрни” қаттиқ ушлаб олган. Бунда улар бор шиҷоати билан моддий таъминот устида бош қотиради, тиришади ёки моддий таъминлаб қўйган бўлса “ота-оналиқ вазифаси бажарилди” қабилида иш тутади. Лекин, ўз фарзандларида ахлоқий, маънавий жиҳатдан оғиши (жумладан: заарали одатларга берилиш, агрессивлик, эрта ёш даврлариданоқ қарама-қарши жинс вакилларига бўлган қизиқиши, шахвонийлик, одамовилик, депрессивлик, аффективлик, юрак ва қон-томир ҳасталиклари каби турли психологик ва физиологик салбий ўзгаришлар) ҳолатлари юзага келгандагина, бунинг сабабини қидира бошлайдилар. Бунда муаммо, қондирилмаган эҳтиёж (меҳрга бўлган эҳтиёж) сабабли юзага келган бўлади. Чунки, психолог олим Зигмунт Фрейднинг фикрига ва шундай назариясига биноан “қондирилмаган эҳтиёжлар инсонда оғиши ҳолатини юзага келтиради”. Бежизга донишманд аждодларимиз “меҳрибон бўлинглар, дунё – меҳр устига курилган, меҳр гулдир” демаганлар. “Меҳр-эътибор орқали нав-ниҳол бола, келажакда ҳар қандай табиий ҳодисотга чидамли, бақувват, текис ва баланд, мустаҳкам томирларга эга дараҳтдек шахс сифатида шаклланади”. Шундай экан фарзанд тарбиясида уларга ўз вақтида меҳр-эътиборни тақдим этиш жоиз, зеро “меҳр кўрган – меҳр кўрсата олади”. Шунингдек, психологлар огоҳлантирадики, “эҳтиёжларнинг ҳаддан зиёд қондирилиши кўнгилхушлик ва бемаънигарчиликларнинг омили бўлади”. Демак, бу ўринда “олтин” ўртамиёналиқни топиш зарурияти ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир талаффуз қилинган жумлада талаффуз қилувчининг руҳий- ақлий олами акс этиб туради. Яни у сўзни қандай ва қай таризда қўллай олиши билан сухбатдошига ўзи мансуб бўлган ички олам, ўни қонун қоидалари ҳақидаги хабар мазмунини ҳам етказади.

Фарзандларга қилинган юмшоқ ёки қўпол муомала ўларнинг руҳий дунёсида, албатда, ижобий ёки салбий таассурот қолдиради. Ота- оналар ва тарбиячи ўқитувчилар болаларнинг феъл- авторини, қизиқишини, уларнинг руҳий дунёсини чуқур билгандагина тарбия самарали бўлади.

Мулоқот - одамлар амалга оширадиган фаолиятлар ичida етакчи ўринни эгаллаб, у инсондаги энг муҳим эҳтиёжни - жамиятда яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эҳтиёжини қондиради. Демак, ўзаро мулоқот жараёнида бир одам иккинчи одамга психологик таъсир кўрсатади. Бу таъсир иккала томондан ҳам англаниши ёки англанмаслиги мумкин. Яъни, баъзан биз нима учун бир шахснинг бизга нақадар кучли таъсирга эга эканлигини, бошқа бири эса,

аксинча, ҳеч қандай таъсир кучига эга эмаслигини тушуниб етмаймиз. Бу эса педагогикада муҳим муаммодир.

Аслида ҳар бир инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг инсоний қиёфаси, фазилатлари, ҳаттоки, нуқсонлари ҳам мулоқот жараёнларининг маҳсулидир. Жамиятдан ажралган, мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган одам ўзида индивид сифатларини сақлаб қолиши мумкин, лекин у шахс бўлолмайди. Шунинг учун мулоқотнинг шахс тараққиётидаги аҳамиятини тасаввур қилиш учун унинг функцияларини таҳлил қиласиз.

Ҳар қандай мулоқотнинг энг элементар функцияси - суҳбатдошларнинг ўзаро бир - бирини тушунишларини таъминлашдир. Бу ўзбекларда самимий салом - алик, очиқ юз билан кутиб олишдан бошланади. Ўзбек халқининг энг нодир ва буюк ҳислатларидан бири ҳам шуки, уйига бирор кириб келса, албатта очиқ юз билан кутиб олади, кўришади, сўрашади, хол - ахвол сўрайди. Шуниси характерлики, таъзияга борган чоғда ҳам ана шундай самимиятли қабулни ҳис қиласиз.

Унинг иккинчи муҳим функцияси ижтимоий тажрибага асос солишдир. Одам боласи фақат одамлар даврасида ижтимоийлашади, ўзига зарур инсоний хусусиятларни шакллантиради. Одам боласининг йиртқич ҳайвонлар томонидан ўғриланиб кетилиши, сўнг маълум муддатдан кейин яна одамлар орасида пайдо бўлиши фактлари шуни кўрсатганки, «мауглилар» биологик мавжудот сифатида ривожланаверади, лекин ижтимоийлашувда ортда қолиб кетади. Бундан ташқари, бундай холат боладаги билиш қобилиятларини ҳам чеклаши қўплаб психологик экспериментларда ўз исботини топди. Мулоқотнинг яна бир муҳим вазифаси - у одамни у ёки бу фаолиятга ҳозирлайди, рухлантиради. Одамлар гурухидан узоқлашган, улар эл назаридан қолган одамнинг қўли ишга ҳам бормайди, борса ҳам жамиятга эмас, балки фақат ўзигагина манфаат келтирадиган ишларни қилиши мумкин. Масалан, қўплаб тадқиқотларда изоляция, яъни одамни ёлғизлатиб қўйишининг унинг рухиятига таъсири ўрганилган. Масалан, узоқ вақт термокамерада бўлган одамда англаш, тафаккур, хотира, ҳиссий холатларнинг бузилиши қайд этилган. Лекин атайлаб эмас, тақдир тақозоси билан ёлғизликка маҳкум этилган одамларнинг мақсадли фаолиятлар билан ўзларини банд этишлари у қадар катта салбий ўзгаришларга олиб келмаслигини ҳам олимлар ўрганишган. Лекин барibir ҳар қандай ёлғизлик ва мулоқотнинг етишмаслиги одамда мувозанатсизлик, ҳиссиётга берилувчанлик, хадиксираш, хавотирланиш, ўзига ишончсизлик, қайғу, ташвиш ҳисларини келтириб чиқаради. Шуниси қизиқки, ёлғизликка маҳкум бўлганлар маълум вақт ўтгач овоз чиқариб, гапира бошлашаркан. Бу аввал бирор кўрган ёки ҳис қилаётган нарсаси хусусидаги гаплар бўлса, кейинчалик нимагадир қараб гапиравериш эҳтиёжи пайдо бўлар экан. Масалан, бир М.Сифр деган олим илмий мақсадларини амалга ошириш учун 63 кун ғор ичида яшаган экан. Унинг кейинчалик ёзишича, бир неча кун ўтгач, у турган ерда бир ўргимчакни ушлаб олади ва у билан диалог бошланади. «Биз, деб ёзади у шу хаётсиз ғор ичида танҳо тирик мавжудотлар эдик. Мен ўргимчак билан гаплаша бошладим, унинг тақдиди учун қайғура бошладим...»

Шахснинг мулоқотга бўлган эҳтиёжининг тўла қондирилиши унинг иш фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Одамлар, уларнинг борлиги, шу мухитда ўзаро гаплашиш имкониятининг мавжудлиги факти кўпинча одамни ишлаш қобилиятини ҳам ошираркан, айниқса, гаплашиб ўтириб қилинадиган ишлар, биргаликда ёнма - ён туриб бажариладиган операцияларда одамлар ўз олдида турган ҳамкасбига қараб қўпроқ, тезроқ ишлашга куч ва қўшимча ирова топади. Тўғри, бу ҳамкорликда ўша ёнидаги одам унга ёқса, улар ўртасида ўзаро симпатия ҳисси бўлса, унда одам ишга «байрамга келгандай» келадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам америкалик социолог ҳамда психолог Жон Морено асримиз бошидаёқ ана шу омилнинг унумдорликка бевосита таъсирини ўрганиб, социометрик технологияни, яъни сўровнома асосида бир - бирини ёқтирган ва бир - бирини инкор қилувчиларни аниqlаган ва социометрия методикасига асос солган эди.

Мулоқот жараёни ўзига хос равишда мураккаб бўлиб, бунда уч хил босқич мавжуд. Дастрлабки босқич – одамнинг ўз-ўзи билан мулоқотидир. Т.Шибутиани "Ижтимоий психология" дарслигига: «Агар одам озгина бўлса ҳам ўзини англаса, демак, у ўз-ўзига кўрсатмалар бера олади» – деб тўғри ёзган эди. Одамнинг ўз-ўзи билан мулоқоти аслида унинг бошқалар билан мулоқотининг ҳарактерини ва ҳажмини белгилайди. Агар одам ўз-ўзи билан мулоқот қилишни одат қилиб олиб, доимо жамиятдан ўзини четга тортиб, тортиниб юрса, демак у бошқалар билан суҳбатлашишда, тил топишишда жиддий қийинчиликларни бошдан кечиради, дейиш мумкин. Демак бошқалар билан мулоқот – мулоқотнинг иккинчи босқичидир. А. Н. Леонтьев ўзининг "Психика тараққиётидан очерклар" китобида мулоқотнинг учинчи шакли – авлодлар ўртасидаги мулоқотнинг аҳамияти тўғрисида шундай деб ёзади: «Агар барча катта авлод ўлиб кетганида, инсоният тури йўқ бўлиб кетмасди, лекин жамиятнинг тараққиёти анча орқага сурилибгина эмас, балки йўқолиб ҳам кетиши мумкин эди». Ҳақиқатан ҳам, авлодлараро мулоқотнинг борлиги туфайли ҳар бир жамиятнинг ўз маданияти, маданий бойликлари, қадриятлари мавжуд бўладики, бунинг аҳамиятини тушунган инсониятнинг энг илғор вакиллари уни доимо кейинги авлодлар учун сақлаб келадилар ҳамда таълим, тарбия ва кундалик мулоқот жараёнида уни авлоддан-авлодга узатадилар.

### **3.2. Руҳий таҳлил йўналиши ва ғайризўравонлик.**

Инсоният тарихи мобайнида қадимда илгари сурилган ғоялар кейинчалик моҳияттан янгиланган, ўзгарган ҳолда яна майдонга чиқишини қузатиш мумкин. Бу ҳодиса ахлоқшунослик соҳасига ҳам тегишли. XX асрда юзага келган ва амалиётда муваффақиятга эришган ёвузликка қарши зўравонлик кўрсатмасдан курашиш - ғайризўравонлик ахлоқшунослиги ана шундай «янгиланган эски ғоя»лардан.

Маълумки, ёвузликни йўқотиш, тўғрироғи, камайтириш, заифлаштириш барча даврларда ҳам асосий ахлоқий муаммо бўлиб келган. Қадимги дунёдаги ва Ўрта асрлардаги Шарқ мутафаккирлари ёвузликни кучсизлаштиришнинг йўли - унга қарши ёвузлик билан жавоб бермаслик, деб билганлар. Бундай ёндашувни қадимги хиндлар ва хитойларда (йўга, жайнчилик, буддҳачилик, даочилик),

насронийлиқдаги Исо алайхиссалом дағватлариды, мусулмонлиқдаги тасаввұф намояндаларыда күриш мүмкін. Лекин бу даврларда ёвузылқа ёвузылқа билан жағоб бермаслықни фақат сабр-тоқат, Худога ташлаб қўйиш орқали амалга ошириш мүмкін деб билғанлар. Агар ҳазрати Исо ўз умматларига «Ўнг юзингта урса, чап юзингни тут», деган бўлсалар, буюк мутасаввиф ва шоир, яссавия тариқатининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий ўз ҳикматларидан бирида шундай деб ёзадилар:

*Золим агар жафо қилса, Аллоҳ, дегил,  
Илкинг очиб, дуо айлаб, бўйун сунгил.<sup>35</sup>*

Лекин аввалги даврлардаги бу қарашларнинг моҳияти чидам ва бардош билан чекланган бўлса, XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган ҳамда ҳозирги пайтда муваффақиятли давом этаётган ёвузылқа қарши зўравонлик кўрсатмаслик ана шу сабр-бардош, чидам орқали бўйсунишни эмас, балки курашишни тақозо этади. Ана шу янгилangan, моҳияти ўзгарган ахлоқий йўналишнинг ибтидосида XIX аср мутафаккири америкалик файласуф-ахлоқшунос **Ҳенри Дэйвид Торо** (1817 - 1862) туради. Бу йўналиш доирасида кейинчалик, XX аср бошларыда Лев Толстой (1828 - 1910), кейинроқ буюк ҳинд мутафаккири ва жамоат арбоби Моҳандис Карамчанд Ганди (1869 - 1948), америкалик рухоний, файласуф, жамоат арбоби Мартин Лютер Кинг (1929 - 1968) сингари мутафаккирлар изланиш олиб бордилар. Шунингдек, АҚШдаги Альберт Айнштайн институти директори профессор Жин Шарп, Польша Фанлар академияси Фалсафа институти профессори Анжей Гжегорчик, Россия Фанлар академияси Фалсафа институти профессори Абдусалом Гусейнов сингари замондош олимларимиз ҳам мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Мазкур йўналиш асосчиси Торо ўзи ёқтирган америкача жамиятдан бош олиб чиқиб, 1845 йилнинг баҳоридан 1847 йилнинг кузигача Уолден кўли бўйида кулба қуриб, дехқончилик билан шуғулланади. Кейинчалик шу тажриба асосида «Уолден ёки ўрмондаги ҳаёт» асарини ёзади. Бундан ташқари у «Фуқаровий итоатсизлик», «Массачусетдаги қулчилик» сингари мақола ва эсселарида ҳам ғайризўравонлик ахлоқшунослиги ғояларини илгари суради. Торо ҳаётда ҳам ана шу ғояларга амал қиласи: солиқ тўлашдан бош тортади. Кунлардан бирида шаҳарга тушганида, уни солиқ тўламагани учун қамаб қўйишади. Кимdir унинг ўрнига солиқ суммасини тўлаб юборгандан кейингина Торони қамоқдан чиқаришади. У ўзининг бу хатти-харакатини қуидагича тушунтиради: «Менда, агар шундай имкониятим бўлган тақдирда ҳам, долларларимга одам сотиб олишларини ёки одамни ўлдириш учун милтиқ сотиб олишларини кузатиб туришга иштиёқ йўқ». <sup>36</sup> Мутафаккир қулдорлик ҳукм сураётган Америка Кўшма Штатлари ҳукумати билан ҳар қандай алоқани узишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва бошқаларни ҳам шунга чақиради.

Торо ғайризўравонлик инқилоби ғоясини ўртага ташлайди. Унинг фикрича, агар минглаб одамлар солиқ тўламаса, у зўравонлик ҳам, қонли чора ҳам

<sup>35</sup> Яссавий. Девони қикмат. Т., Ҷ.Булом номидаги нашриёт – матбаа бирлашмаси, 1992, 35 – б.

<sup>36</sup> Торо Г. Уолден или жизнь в песу. М., Наука, 1980. С. 416.

хисобланмайди; аксинча, солиқ тұлаш давом этаверса, давлатта зўравонлик қилиш ва бегуноҳларнинг қонини тұкиш учун имкон берилган бўлади. Фуқаровий итоатсизликнинг зарур шартини файласуф, шундай қилиб, ҳамманинг солиқдан бош тортишида кўради. Кейинги босқич, Торонинг фикрига кўра, иш ташлаш, давлат хизматчиларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришдан бош тортишларидир. Ана шунда тинчлик йўли билан, қонсиз инқилоб амалга ошади. Лекин мазкур босқичлардан аввал ҳар бир инсон ўзини ахлоқий жиҳатдан тайёрлаш босқичини бошдан кечириши, яъни ўз онги ва қалбида шахсий инқилоб қилиши зарур. Фақат юксак даражадаги ахлоқий тайёргарликкина пировард мақсадга кўнгилдагидек етказиши мумкин.

Биз аввалги бобда ахлоқий қарашларини кўриб ўтганимиз буюк рус ёзувчиси, мутафаккир Лев Толстойнинг ғайризўравонлик масаласига ёндашуви мазкур йўналишнинг асл моҳиятини очиб беришга кўмаклашади.

Ганди ғайризўравонлик гоясини муҳабbat билан боғлайди ва душманга ҳам меҳрни дариг тутмасликка чорлайди. Ганди Хиросима ва Нагасакига атом бомбаси ташланганида, атом бомбасини бошқа бомба билан йўқотиб бўлмагани каби зўравонликни зўравонлик қилиб йўқотиш мумкин эмас, деган фикрни билдириб, шундай дейди: «Инсоният зўравонликдан фақат ғайризўравонлик йўли орқали кутулиши мумкин. Ғазабни фақат меҳр билан енгса бўлади. ўазабга ғазаб билан жавоб бериш ғазабнинг ёйилишига ва кучайишига хизмат қиласи».<sup>37</sup>

Мартин Лютер Кинг ҳам худди шундай ғояни илгари сурар экан, АҚШнинг машҳур Президенти Линкольн ҳаётидан мисол келтиради. Нима сабабданdir Линкольнни кўрарга кўзи йўқ Стэнтон деган киши сайловолди кампаниясида қўлидан келган ёмонлик билан унга қарши курашади. Линкольнни ҳар қадамда ерга ради, минг хил гуноҳда айб-лайди, масхаралайди, ҳатто унинг ташқи кўриниши ус-тидан кулади. Линкольн Президент бўлиб сайлангач, ҳарбий вазирлик лавозимига айнан ана шу Стэнтонни кўрсатади. Атрофидагилар унга: «Жаноб Президент, Сиз хато қиляпсиз, у Сизнинг душманингиз, унинг Сиз ҳақингизда нималарни гапирганини биласизми?!» деб қарши турадилар. Шунда Линкольн бундай деб жавоб беради: «Ха, жаноб Стэнтонни биламан. Унинг мен ҳақимда нималар деганини ҳам эшитганман. Лекин ҳарбий вазирликка ундан бошқа бирор-бир лойик америкалик йўқ». Орадан бир неча йил ўтгач, Линкольн ўлдирилади. Ўшанда қабр устида сўзланган барча нутқлардан Стэнтоннинг нутқи алоҳида ажralиб туради. У Линкольнни энг буюк инсонлардан бири деб таърифлайди ва: «Энди у мангуликка дахлдордир», деб ўз нутқини тугатади. Агар Линкольн Стэнтонга ғазаб билан қараганда, иккиси ҳам ўлгунча бир-бирининг душмани бўлиб қолар эди. Линкольн меҳр-муҳабbat воситасида душмани дўстга айлантириди. У бир пайтлар ўзига савол берган аёлга савол билан шундай деб жавоб берган экан: «Хоним, ахир мен ўз душманингизни дўстларимга айлантириш йўли билан ҳалок этмаяпманми?!»<sup>38</sup>

<sup>37</sup> Ганди М. Моя жизнь. М., Наука, 1969. С. 568.

<sup>38</sup> Кинг М.Л. Любите врагов ваших. Журнал «Вопросы философии», 1992, № 3. С. 69–70.

Ғайризўравонлик ахлоқшунослигига қисқача тўхталиб ўтишимизнинг ўзидаёқ, биз бу йўналишнинг келажақдаги асосий ахлоқий таълимотлардан бири бўлиб қолишини илғашимиз мумкин. Шахс, гурух, миллат, халқлар ўз истакларини, мавжуд мустабид тузум ва ҳукumatдан норозиликларини тинч йўл билан билдиришлари ҳамда ўз мақсадларига зўравонликсиз, қон тўймасдан эришишлари мумкинлиги - инсониятнинг улкан ютуғи. Чунки қонли курашлар, инқилоблар, террор, қуролли кўзголон сингари ҳодисалар муайян миллат ва мамлакат эришган ютуқларни йўққа чиқаради, ўлим, вайронагарчилик, маънавий қадриятларнинг оёқости бўлиши сингари улкан фожиаларга олиб келади.

### **3.3. Давлат хизматчилари этикаси ва имиджи.**

Давлат хизматидаги ходим деганда, давлат органларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш бўйича ташкилий-бошқарув функцияларини бажарувчи, фуқаролар учун ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи юридик аҳамиятта эга бўлган ҳаракатларни амалга оширувчи ва хизмат мажбуриятларини бажармаганликлари учун оғир жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар назарда тутилади.

Давлат хизматидаги ходимларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий маданияти бир-бирига мутаносиб бўлиши керак. Шу муносабат билан мансабдор шахсларда сиёсий ҳислатлар билан бир қаторда, ахлоқий фазилатларни шакллантириш зарурий ҳолдир. Ахлоқий баркамоллик давлат хизматидаги ходимларнинг ишбилармонлик сифатларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида: “Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юқлатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат. Шундай давр келди,<sup>39</sup> – бежизга таъкидламаган.

Жамиятда мутлақ, абадий ва ўзгармас ахлоқ йўқ. Ахлоқ тарихан ўзгарувчан ва нисбий мустақилликка эга бўлган ижтимоий ҳодисадир. Унинг бу хусусиятлари умумий ахлоқнинг таркибий қисмларидан бири бўлган *касб ахлоқида* ҳам яққол намоён бўлади. Жамият ривожининг тархида ижтимоий меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши меҳнатнинг бир тури билан банд бўлган кишилар гурухининг *касб* - ҳунар жиҳатидан ажralиб чиқишига ва шунга мувофиқ равишда турли хил

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари” га бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

мутахассисликнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу эса ҳар бир инсоннинг қилаётган меҳнат тарзига, меҳнатни ташкил қилиш усуулларига қараб, улардан муайян турдаги ҳаракатлар ва руҳий қувватларни сарфлашни талаб этадиган қайтарилиш, ўзига хос кўникмаларни вужудга келтиради. Инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади.

Давлат хизматчилари хулқ-атвори билан жамоада бошқа давлат хизматчилари билан ўзаро ишchanлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этилган.

Давлат хизматчилари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкаслари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, уларга асосиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда давлат хизматчиларининг ташқи кўриниши фуқароларнинг давлат органига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

Давлат хизматчилари хизматдан ташқари вактда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.”<sup>40</sup>

«Имиж » сўзи инглизчадан олинган бўлиб, “образ, тимсол” деган маънони англатади. Танишувнинг дастлабки дақиқаларидаёқ сизнинг имиж инингиз тўғрисидаги таассурот пайдо бўлади. Кимки ўзининг ташқи кўриниши, ўзини тутиш, равон ва маъноли нутқи, хушмуомала феъли, меҳрибонлиги билан ўзи ҳақида яхши имиж яратса, шубҳасиз, омад эшикларини осонгина оча олади.

Кўпинча истеъодди ва меҳнатсевар, катта имкониятга эга одамлар керакли, зарурий имижлари йўқлиги боис мансаб пиллапояларидан юқорига кўтарила олишмайди. Бундай омадсизлик асосан, ўз имконияти, куч-қудратига етарли баҳо бера олмасликдан, ўзига ишонмасликдан келиб чиқади.

Ўз шахсий имижини яратишда ўз имкониятини яхши билиш, унга керакли баҳо бера олиш, муайян вазиятларда ўзини тута олиш энг муҳим нарса.

*Имижеология* – одамлар учун ёқимли бўлиш санъати ва илми. Имиж иология илмий-амалий фан бўлиб, ўзида психология, менежмент, нотиқлик, ахлоқ, ишchan этикет каби бир қатор соҳалардаги билимларни синтез қилган ҳолда мужассам этади.

---

<sup>40</sup> Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи хокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 марта ги 62-сон [Қарори](#). [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Имижеология фани инсон, ходим, раҳбар, ташкилот, жамоа, фирма, шаҳар, миллат, давлат кабиларнинг мазмун-моҳияти асосида вужудга келган ташқи кўриниш, унинг қиёфаси, салобати ва уларнинг обрўйи, шуҳратга эришишининг тарихий тажрибалари, илмий асослари, шаклларини ўрганади. Имижмейкерлик фаолияти ёрдамида уларнинг шуҳратини ва нуфузини ошириш имкониятлари очиб берилди. У, энг аввало, шахс, раҳбар, ижодкор ва ишбилармон одамнинг қиёфаси, нуфузи, обрўйи, фикри, сўзи, харакатлари ва иш фаолиятлари ёрдамида обрў орттириш, хурматга сазовор бўлиш, шуҳрат қозониш, инсоннинг энг яхши томонларини очиш ва тарғиб қилишга ва ўз даражасига яраша мавқега эга бўлиш кабиларни тадқиқ этади.

Имижеология инсон, ходим, раҳбардаги ёмон иллатларни йўқотиши, сохта обрў орттираётганларни фош қилиш, инсондаги энг ажойиб ижобий ҳислатларни умумлаштирган ҳолда гўзал ва баркамол, жозибали, кўркам, истарали, ёқимтой, севикили одам бўлишни ўргатади. Имижеология олижаноблик, фаросатлилик, камтарлик, хушмуомалалик, озодалик каби инсоний фазилатлар, мақсадга мувофиқлик, мантиқийлик, гўзаллик, ахлоқийлик, инсон маданияти, ўгит ва ибрат, устоз ва шогирд анъаналарига таянган ҳолда инсоннинг нуфузини қўтариш, обрўини ошириш, хурматга сазовор қилиш йўлларини очиб беради.

Аввало, нимага эришмоқчисиз шуни ойдинлаштириб олишингиз лозим, чунки ҳар бир жамоа доирасининг ўз имижи бўлади.

Танишувнинг биринчи дақиқаларида бизнинг имижимиз ўзгаларда биз ҳақимиздаги дастлабки таассуротни пайдо қиласди.

Унутмангки, палапартиш кийинган кишини ҳеч қаерда хуш кайфият билан кутиб олмайдилар.

Имижингиз сизнинг қизиқишлирингиз, инсонларга бўлган муносабатингиз, маданиятингизни англатади. Чунки ўзини ва ўзгаларни унчалик назарга илмайдиган кишиларгина бачканга, палапартиш кийиниб, инсонлар кўзига кўринишдан андиша қилмайди.

Ташқи кўриниш нафақат аёллар учун, балки эркаклар учун ҳам жуда аҳамиятлидир. Яна бир бор таъкидлаш жоизки, кийиниш инсоннинг диди, дунёқарашини, қай даражада тартибли эканлигини очиб беради.

Сизнинг ташқи кўринишинингиз - муваффақиятга эришишингиздаги муҳим омиллардан бири.

#### **3.4. Гендер муаммолари**

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатидаги нутқидан иқтибос келтиришни ўринли деб биламан:

“Мени кишиларимизнинг онгода пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлни аввалимбор она, оила қўрғонининг қўриқчиси сифатида хурмат қиласиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”.

Жамиятнинг асосий ижтимоий вазифаларидан бири бўлган соғлом авлодни

тарбиялаш оила ва унда аёлнинг тутган ўрни билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқукий маданиятни шакллантириш энг аввало оиладан бошланади. Ҳуқуқ ва мажбуриятлар борасида илк тушунчалар шаклланадиган, дунёқараш теранлашадиган оила муҳитига эътибор фуқаролик жамияти қуришнинг дастлабки омиллариданdir.

Мамлакат тарихида илк бор Сенат раислигига аёл киши – Танзила Норбоева сайданди. Маълумки, Норбоева Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси бўлиб ишлаган.

Мазкур соҳадаги қонунчилик чораларига тўхталадиган бўлсақ, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқукий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида 2019 йил сентябрь ойида “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди. БМТнинг деярли барча агентликлари, жумладан БМТ Тараққиёт Дастури, БМТ Ахолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноят бошқармаси, Халқаро миграция ташкилоти ушбу икки қонун бўйича ўз изоҳ ва таклифларини беришди.

Гендер тенглик бўйича институционал чораларга келсақ, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати таркибида аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш бўйича миллий қонунчиликда халқаро стандартларни уйғуллантириш билан шуғулланувчи янги Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил қилинган. Бундан ташқари, меҳнатга оид ҳуқуқларнинг кафолатлари ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уйдаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш мақсадида Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази ва Хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази, Ҳукумат ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази каби янги тузилмалар ташкил топди.

Мазкур янги ташкил этилган барча институционал механизmlар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда БМТ Конвенциясига мувофиқ аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам беришнинг ягона яхлит механизмига айланиши масаланинг муҳим томонидир.

Таъкидлаш жоиз, қабул қилинган норматив-меъёрий ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг гендер сиёсати соҳасидаги муҳим қадамидир ва у қонунчилик ҳамда амалиётнинг халқаро меъёр ва стандартларига тўлиқ мос келади, шу билан бирга, уларнинг бир қисми БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари тавсияларига асосланган.

Айниқса, “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу Қонун кўп йиллик муҳокамалардан сўнг қабул қилинди. Қонун оиладаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш, уларга бошпаналар ажратиш, ишонч телефонлари ва

нафақат жисмоний зўравонлик, балки психологияк ёки иқтисодий жиноятлар бўйича мажбурий жавобгарликка тортиш орқали аёлларни ҳимоя қилиш учун асосдир. Бундай чоралар, хусусан, БМТнинг инсон ҳуқуqlари бўйича идоралари томонидан узоқ вақт давомида тавсия қилиб келинган.

Гендер сиёсатининг мониторинги ва самарадорлигини баҳолаш соҳасида [www.gender.stat.uz](http://www.gender.stat.uz) сайтида қўшимча 54 та гендер кўрсаткичларини киритиш орқали муҳим ўзгаришлар рўй берди.

Шу билан бирга, ушбу йўналишда давомий изчил ишларни амалга ошириш талаб этилади. Бу ерда нафақат қабул қилинган кўрсатмалар, балки уларнинг халқаро мажбурият ва стандартларга мувофиқлиги, жойларда ўз вақтида ва аниқ бажарилиши ҳам муҳим ахамиятга эга.

Шу мъянода, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишининг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирок этишини таъминлаш бўйича ишларни изчил давом эттириш зарур.

Шу боис ҳам олиб борилган тадқиқот оила муҳитида қонунларга ҳурмат ҳиссини тарбияловчи ижтмоий механизmlарни ўрганиш, унинг назарий-методологик асосларини яратиш, сўнgra уни аҳоли ўртасида, ҳар бир оиласида ёшлар онгига сингдиришнинг амалий йўриқларини аниқлаб, ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш учун янги дастурлар ишлаб чиқиши тақазо этади.

Тарихдан маълумки Бизгача аёлларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган харакатлар қилинган. 1899-йил 14-апрелдаги Лондон конференсиясида аёллардан шахвоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллашга қарши кураш тўғрисидаги резолютсия қабул қилинди. Бир қанча давлатларда фохишабозликка қарши кураш мақсадида миллий қўмиталар ташкил этилишига келишилди. Шунга асосан фаолиятининг йўналиши қизларнинг ахлоқий-маънавий бузилишининг олдини олиш, тартибсиз жинсий ҳаёт кечирувчи фохиша аёлларни соғлом турмуш тарзига қайтариш ҳамда ахлоқий -манавий бузуқликнинг заарларини тарғиб қилишдан иборат бўлган аёлларни ҳимоя қилувчи миллий қўмиталар ташкил этила бошланди. Бундай қўмиталар 1990-йил Россияда, 1901-йил Италияда, 1902-йил Испанияда ва бошқа қатор давлатларда ташкил топди. Улар бир-бирлари билан кучли алоқа қилган ҳолда халқаро уюшмани ташкил қилишди ва Лондонда Марказий идора – Халқаро бюорога асос солинди. Халқаро Бюро ҳар уч йилда Халқаро Конгресс чақирадиган бўлди. Бу қўмиталарнинг фаолияти ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларга, хусусан фохишаликка қарши кураш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш имконини берди.

XXI аср бўсағасида ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ муоммолар долзарб тус олиб, жамият турли соҳаларининг нормал ривожланишига жиддий хавф сола бошлади. Бу даврда ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар, хусусан фохишалик ва порнографик маҳсулотлар тарқатилишига қарши кураш муоммолариға доир халқаро-ҳуқуқий нормалар ҳар томонлама чукурроқ таҳлил қилиниб, янада такомиллаштирилди. 1996-йил августда Стокголмда бўлиб ўтган

Болаларни тижорат мақсадида сексуал эксплуатация қилишга қарши Бутунжағон конгрессида қабул қилингандык Декларатция болаларни фохишабозлик мақсадида фойдаланишидан ҳимоя қилиш учун давлатлардан барча зарур чора-тадбирларни амалға оширишни талаб қиласы.

1999-йил Венада Интернет жағон ахборот тармоғыда бола порнографиясининг тарқалишига қарши кураш бүйічі Халқаро конференсия бўлиб ўтди. Бу конференсия хулосасига кўра бола порнографияси маҳсулотларини ишлаб чиқиш, тарқатиш, экспорт қилиш, узатиш, импорт қилиш, қасддан сақлаш ва реклама қилишни бутун жағон бўйича жиноят деб эълон қилиш таклиф этилди.

Бола меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999-йилги 182-конвенсия Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳар бир азосининг зиммасига бола меҳнатининг энг ёмон шакллари учун жиноий жавобгарликни жорий этиш ва қўллаш, бола меҳнатининг энг ёмон шаклларига барҳам берилишига эришиш учун бошқа зарур чораларни кўриш мажбуриятини юклиди.

Конвенсияда илк бор болалар меҳнатининг энг ёмон турлари тушунчасига мукаммал халқаро-хуқуқий таъриф берилди. Унга мувофиқ, мазкур тушунча ўз ичига фохишабозлик билан шугулланиш, порнография маҳсулотлари тайёрлаш ёки порнографик томошаларда иштирок этиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки таклиф қилишни ҳам қамраб олади.

Ижтимоий - сиёсий муносабатлар бошқарувининг маънавий ахлоқий асослари глобаллашуви ва универсаллашуви, уларнинг миллий хусусиятлари ривожланишини истисно қилмайди. Бундан ташқари жамиятнинг ривожланиш хусусиятлари ва уларнинг мезонлари доимий равишда динамик ўзгариб туриши билан ижтимоий-сиёсий муносабатлар бошқарувининг ҳазарий таҳлил доирасини кенгайтириб боришни тақозо қилмоқда.

Жисмонан соғлом, маънан кучли ва ақлан етуқ авлодни яратиш - оиланинг энг асосий ижтимоий вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис мустақил давлатимизда оиланинг мустаҳкам бўлишига, унинг тарбиявий имкониятини оширишга тобора катта аҳамият берилмоқда, бу масала ҳукуматимизнинг расмий хужжатларида қонун билан ҳимояланган ва кафолатлаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: «Оила жамиятнинг асосий бўғунидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хуқуқига эга», - деб кўрсатиб берилган.<sup>41</sup>

### **3.5.Аёл ва эркакларнинг оддий хулқ-атвори ва мотивациясининг ахлоқийлиги ва рационаллиги**

Бугунги кунда аёллар учун қатор имтиёзларни ўз ичига қамраб олган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, фармонлари ва Олий Мажлис қонунлари эълон қилинди ва амалға оширилмоқда. Биринчи Президент И.А. Каримовнинг «Хотин-қизларга муносабат жамиятимизнинг маънавий, ахлоқий

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон. 2001 .-17 6.

етуклигининг ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак», - деган сўзлари мағзида беҳад катта маъно, қолаверса, улкан вазифа ётибди.<sup>42</sup> Ана шулардан келиб чиқсан ҳолда, биз хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий билимларини ошириш учун кучларимизни бирлаштиришимиз лозим. Шундагина қад ростлаётган ҳуқуқий давлатчилигимизда ўзбек аёлининг бой интеллектуал ижодий қувватидан ҳам тўла фойдаланиш имконига эга бўламиш.

Барчага маълум, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсадини амалга ошириш доирасида “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш”га оид тўққизта вазифани ишлаб чиқди.

Бешинчи мақсаднинг вазифаларига (Гендер тенглик) мувофиқ, 2030 йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, ушбу мақсад давлатнинг турли даражаларида Давлат дастурларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик тамойилларини жорий қилишни ўз ичига олади.

Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда:

- аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш;
- аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш;
- аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш;
- ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитиши.

Ўзбекистонда бир қатор қонун хужжатлари, жумладан, Президентнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Гендер тенглигини жорий қилиш нуқтаи назаридан таълимдаги ижобий силжишларни алоҳида таъкидлаш керак. Яъни, 2017 йилдан бошлаб аксарият олий ўқув юргларида турли мутахассисликлар бўйича сиртқи бўлимлар фаолияти

<sup>42</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон. 2001. -25 б.

тикланди. Таълимнинг ушбу шакли ёш аёлларга болаларни парвариш қилиш ва бошқа оиласвий мажбуриятларни бажаришга халал қилмасдан олий маълумот олиш имкониятини беради.

Хотин-қизларимизга илм-фанда, маърифат ва таълим-тарбияда ўз фаолликларини намоён қилишларига кўмаклашиш, ижодий изланишлари учун моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни замонавий техника ва технологияларни ўзлаштиришга давват этиш ижтимоий заруриятга айланиб бормоқда.

Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадида ҳамда 1999 йилни “Аёллар йили” деб эълон қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишида кўрсатиб ўтилган вазифалардан келиб чиққан холда<sup>43</sup> “Хотин-қизларни оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган тадбирларнинг давлат дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида<sup>44</sup> аёллар манфаатларини, оналик ва болалакни муҳофаза қилиш, давлат, жамият қурилиши ва маданий қурилишда, жамиятни маънавий ва демократик янгилашда уларнинг ролини оиширишнинг ҳуқуқий асоларини такомиллаштириш, оилада, қулай маънавий-ахлоқий оиласвий муҳитни, болаларни тартиялаш шарт-шароитларини, моддий-маиший турмуш шароитларини шакллантиришда аёлларнинг мақоми ва ролини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган эди.<sup>45</sup>

Маълумки, ижтимоий ҳуқуқлар инсонга давлат томонидан бериладиган ижтимоий ёрдам билан белгиланади. Ушбу гурухга шахснинг касаллиги туфайли, кексалиги ёки боқувчисини йўқотганлиги сабабли, болалар тарбияси билан, шунингдек умумий меҳнат қобилиятини қисман, вақтинча ёки бутунлай йўқотган пайтда давлат томонидан етарли маблағ билан таъминлаш қаби ваколатлар киради. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 9-12 моддаларида эса меҳнат қилиш ва маш-ғулотни эркин танлаб олиш, адолатли иш ҳақи олиш; касаба уюшмалари тузиш ва уларга аъзо бўлиш, ижтимоий таъми-нот, етарли турмуш даражаси ҳуқуқи, очликдан ҳоли бўлиш, сиҳат-саломат бўлиш ва билим олиш ҳуқуки белгиланган. Мазкур ҳуқуқларнинг таъминланиши, албатта бошқа ҳуқуқларнинг, айниқса аёллар масалалари билан боғлиқ қонуний ҳужжатларнинг ахлоқий асосларининг таъминланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Зеро, бу боғлиқлик бевосита аёллар ҳуқуқий маданиятини янада

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. “Халқ сўзи” газетаси. 1998 йил, 10-декабр.

<sup>44</sup> “Хотин-қизларни оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган тадбирларнинг давлат дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 1999 qbk? 19 февраль.

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. “Халқ сўзи” газетаси. 1998 йил, 10-декабр.

юксалтиришга хизмат қилади.

Бироқ, бугунги кунда айрим аёлларимиз хуқуқий савияси пастлиги, қонунларни менсимаслиги туфайли хуқуқбузарлик холатларини содир этмоқдалар. Улар томонидан анъанавий жиноят турлари билан бирга ўғрилик, харидорларни алдаш, камомадлик каби иқтисодий жиноятлар, шунингдек тан жароҳати етказиш, қасдан одам ўлдириш, безорилик, гиёхвандлик моддалари билан шуғулланиш, хужжатларни қалбакилаштириш каби ижтимоий хавфли жиноятлар ҳам содир этилмоқда. Энг ачинарлиси шундаки, ҳам миллий ҳам диний ахлоқа зид бўлган ғайриахлоқий холатлар ҳисобланган қўшмачилик ва бузуқчилик билан шуғулланиб жиноий жавобгарликка тортилганларнинг сони ортиб бормоқда.

Халқаро ҳамжамиятда кенг фойдаланиладиган "gender тенглик" тушунчаси – эркаклар ҳамда аёллар давлат ва жамият ҳаётнинг барча соҳалари, жумладан, бошқарув, қарорлар қабул қилиш ва хавфсизлик секторида тенглик асосида иштирок эта олишини назарда тутади.

Тўғри, мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар тенглиги мустаҳкам хуқуқий асосга эга. Конституциямизда уларнинг тенг хуқуқли эканликлари кафолатланган. Меҳнат қонунчилигида ҳам gender тенглиги белгиланган.

Бироқ шунга қарамасдан меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллаш учун хотин-қизларнинг имкониятлари амалда айрим соҳаларда чегараланган.

2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқлар ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонун мамлакатимиз равнақи йўлида сабитқадам бўлиш, аниқ натижага йўналтирилган мақсадли дастурлар ишлаб чиқиши ҳамда қонунда белгиланган тамойиллар асосида муҳим натижаларга еришишга замин яратди.

32 та моддадан иборат ушбу қонунда "gender", "gender статистикаси", "gender-хуқуқий экспертиза", "жинсий камситиш" тушунчалари ва турлари; мазкур йўналишда ваколатли органларнинг вазифалари ва функциялари; давлат бошқарувидаги иштирок этишда, ишга қабул қилиш ёки ёллашда, кредитлар олишда ва тадбиркорлик билан шуғулланишда gender тенгликни таъминлаш бўйича нормалар; gender тенглик бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда жавобгарлик масалалари акс эттирилган.

Конунда эркаклар ва аёллар учун тенг хуқуқлар ҳамда имкониятларни таъминлашнинг асосий принциплари белгиланган.

Конунда алоҳида модда билан жинси бўйича камситиш ҳисобланмайдиган холатлар ҳам батафсил очиб берилган.

Эътиборли жиҳати, қонунда норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг gender-хуқуқий экспертизасини ўтказишга оид алоҳида норма белгиланган. Бу эса, бугунги кунда қонун хужжатлари ва уларнинг лойиҳалари коррупсияга қарши экспертизадан ўтказиб келинаётгани каби gender тенглик нуқтаи назаридан ҳам хуқуқий экспертизадан ўтказилишига асос бўлади.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати, унда gender статистикасини шакллантириш механизми очиб берилган. Давлат статистика органлари мазкур

статистик қўрсаткичларни шакллантириш, уларни доимий янгилаб бориш учун ваколатли орган этиб белгиланган.

Қонунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги Вазирлар Маҳкамаси ва Gender тенгликни таъминлаш бўйича комиссиясининг, шунингдек, давлат органларининг ваколатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштироки белгиланган.

Қонунда хотин-қизлар ва эркакларни ишга қабул қилишга оид нормалар белгиланган бўлиб, уларга кўра давлат хизматидаги бўш лавозимларни, шу жумладан, раҳбар лавозимларини эгаллаш учун танлов эълон қилинади. Бунинг учун давлат органларида маҳсус комиссияси тузилиб, номзодлар тўғрисидаги маълумотлар ушбу комиссия томонидан кўриб чиқиласди.

Меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича иш берувчининг мажбуриятлари аниқ белгилаб кўйилгани ҳам қонуннинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Қонун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хотин-қизлар ҳукуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича конвенсияси талабларига мос келади.

Миллий қонунчилигимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқлар ҳамда имкониятларни кафолатлашга қаратилган яхлит қонуннинг мавжуд эмаслиги узоқ йиллардан бери халқаро ҳамжамият, хусусан, БМТ тегишли тузилмаларининг кескин муҳокамаларига, таъбир жоиз бўлса, еътиrozларига сабаб бўлиб келган.

Шу боис ҳам қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган қоида ва тамойилларига содиқлигини яна бир карра намоён этиб, дунё ҳамжамиядаги ўрни ва нуфузи янада мустаҳкамланишига хизмат қиласди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун эркаклар ва аёллар учун тенг ҳукуқлар ҳамда имкониятларни таъминлашни тартибга солишда муҳим қадам бўлди.

Gender – инглизча "gender" – "зот" сўзидан олинган бўлиб, жинс тушунчасини физиологик воқелик устқурмаси бўлган ижтимоий қурилма сифатида белгилайди. Жинс эркаклар ва аёллар ўртасидаги универсал биологик фарқ бўлиб, анатомик ва физиологик моҳиятни, яъни индивиднинг биологик жинсга – эркак ёки аёл жинсига мансублигини аниқлаш учун асос бўладиган биологик белгилар бирлигидир. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги жиҳдий бўлмаган фарқлар уларнинг биологик хусусиятларига тааллуклидир. Бироқ эркаклар ва аёллар ўртасидаги биологик фарқлардан ташқари, ўз табиатига кўра биологик сабабларга асосланувчи кўплаб фарқлар бор, яъни ижтимоий роллар, фаолият шаклларининг бўлиниши, хатти-харакат ва индивидларнинг психологик тавсифларида кўплаб фарқлар мавжуд. Таъкидланганидек, эркаклар ва аёллар ўртасидаги биологик табиий фарқлар билан эркаклар ва аёллар хатти-харакатини, ижтимоий ва маданий тавсифларини аниқроқ фарқлаш учун gender атамаси қабул қилинган. Gender тушунчасининг киритилиши энг умумий маънода икки тушунча – биологик ва ижтимоий жинс тушунчаларини фарқлашга ёрдам беради. Кундалик ҳаётимизда жинс билан боғланмаган кўплаб

тушунчалар "эркакларга хос" ёки "аёлларга хос" деб ҳисобланади. "Эркакларга хос" ёки "аёлларга" хос тушунчаларни аникроқ фарқлаш учун "феминлик" (аёллик) ва "маскулинлик" (эркаклик) тушунчалари қабул қилинган. Янги тушунчаларнинг киритилиши эркакларга хослик ва аёлларга хосликнинг биологик зиддиятини бартараф этиш ва эътиборни турли маданиятлар шаклланишининг ички механизмларини gender нуқтаи назаридан очишга қаратиш имконини берди. Антропологлар, психологлар ва социологлар гендернинг биологик эмас, балки ижтимоий ва маданий жиҳатдан белгиланиши, маданий ва тарихий жиҳатдан эса нисбий эканлигини таъкидлайдилар.

Ижтимоий жинс ижтимоий амалиёт ёрдамида ташкил қилинади. Жамиятда муайян жинс ролларининг бажарилишини тақозо этадиган хатти-ҳаракатлар меъёрий тизими вужудга келади; тегишли тарзда ушбу жамиятда "эркакларга оид" ва "аёлларга оид" бўлган хусусиятлар борасида қатъий қарор топган тасаввурлар қатори пайдо бўлади. Gender – табиатан белгиланмаган, ижтимоий ҳодисалар ато етган хусусиятлар йиғиндисидир. Gender – жинснинг маданий ниқоби, бизнинг ўз ижтимоий-маданий тасаввурларимиз доирасидаги жинс ҳақидаги қарашларимиздир. Бунинг устига жинс, фақат gender демакдир, яъни унинг ижтимоийлаштирилиши натижасида жинсни ташкил етган нарсадир. Жинс инсонга тегишли эмас, балки инсон жинсга оиддир, у эса ҳокимият ва тилга эга. Gender аёллар ва эркакларга таъсир кўрсатувчи барча ижтимоий жараёнларда мавжуд, ташкил топади ва қайта тикланади. Гендернинг ижтимоий ташкил топиши назариясида учта асосий тушунча фарқланади: жинс, жинсий мансублик ва gender.

Мустақил республикамизда эса, хотин-қизларининг ижимоий-сиёсий соҳаларда тенг хуқуқлилик тенденциясига бугунги кунда тўлақонли мос келишини мисоллар асосида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, хукумат таркибидаги раҳбарлик вазифаларида ишловчи аёллар айни дамда 16 фоизни, Конституциявий судда 20 фоизни, Олий судда 14,6 фоизи, Олий хўжалик судида 15,8 фоизни ташкил этади. Шунингдек, бошқа жабхаларда, яъни саноатда 42,8 фоиз, қишлоқ хўжалигига 42,4 фоиз, маориф, маданият ва фанда 2,9 фоиз, соғлиқни сақлашда 75,9 фоизни хотин-қизлар ташкил этади.

Ўзбекистон бошланғич ва ўрта мактабда гендер нотенгликка барҳам бергани таҳсинга сазовор. Ўзбекистондаги хотин-қизлар таълим олишда тенгдирлар. 2017 йили қизлар бошланғич таълим соҳасида 50%ни, ўрта мактабда эса 54%ни ташкил этган. Ўтган йилги статистик маълумотга кўра, олий таълим соҳасида ҳам хотин-қизлар сони ортган ва талабаларнинг 40% хотин-қизлар бўлган, бу 2011 йилдаги кўрсаткичдан 36% кўп демакдир. Хотин-қизларнинг саводхонлик даражаси эса 99,98%ни, яъни дунёдаги энг юқори кўрсаткичардан бирини ташкил этади. Ўзбекистон бундай ютуқлардан фаҳранса арзиди.

Иш жойларида Ўзбекистонда ҳануз гендер нотенглик кузатилмоқда, бу масалага кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон статистика қўмитасига кўра, 2017 йили иқтисод соҳасида эркакларнинг 61,5%, аёлларнинг эса 38,5% меҳнат билан банд бўлган. БМТнинг хабар беришича, ўрта таълим олган хотин-

қизларнинг фақат 35% ишлайди, олий мұълумотли хотин-қизларнинг 68% иш билан таъминланган. Мәҳнат қилаётган хотин-қизлар қанча кўп бўлса, оила тушуми ва мамлакат иқтисодий ўсиши учун шунча яхшидир.

Албатта, хукуматимиз томонидан аёлларга доимий алоҳида эътибор қаратилиб, уларга кенг имкониятлар яратиб бериладигининг боиси бор. У ҳам бўлса келажак бунёдкори бўлмиш ёшларни тарбиясига кўпроқ жавоб бергувчи инсон, аёллар бўлганликларидир.

Аммо, юқорида зикр этилган фикримизни ўрни келганса қайта-қайта эътироф этиш жоизки, айрим аёлларнинг билиб-бilmай жиноят кўчасига кириб қолаётганликлари кенг жамоатчиликни доимий эътиборида бўлиб турган муаммолардандир. Аёлларни ижтимоий-иқтисодий ва хуқукий-маънавий эътибордан четда қолдириш жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларидан биридир. Аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар нисбатан ижтимоий хусусиятга эгалиги билан ташвишлидир.

Аёллар жиноятчилиги аввало оила тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Аёл жиноят содир қилса оиласда аҳлоқий-маънавий мухит изидан чиқади, унда ўсиб келаётган авлод онги ва қалбида вайронкорлик туйгулари таркиб топади.

Вояга етмаганлар ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг содир этилишига сабаб бўлувчи омиллардан бири - оила ажримларидир. Ажримлар ва нотинч оиласлар бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлиб турибди. Тўғри, мустақиллик йилларида ажримлар кўрсаткичи 1,5 баробар камайган бўлса-да, унинг асорати доимо хавф солиб туради. Сўнгти йиллардаги статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, йилига ўртacha 14,5 - 15 минг никоҳ бекор қилинади. Мисол учун 2003 йилда жами 161747 та никоҳ қайд этилган бўлса, шу йилнинг ўзида ФХДЁ идоралари орқали 5614 та никоҳ бекор қилинган. Бу рақамга суд идоралари орқали бекор қилинган никоҳлар сони кўшилса, у республикада истиқомат қилаётган ҳар минг аҳолига 0,6 кўрсаткични ташкил этади. Агар ажримларни, яъни ажрашиб кетаётган эркак ва аёлларни ёшига кўра таҳлил қилсак, энг кўп ажрим 20-34 ёшни беради. Бу асосан оиласий турмушнинг биринчи 4 йили 35,5%) ва 5-9 йиллари демакдир. Ажрим туфайли ўртacha ҳар бир нотўлиқ оиласда 2,5 нафар бола қолади. Тўғри, айрим аёллар иккинчи никоҳга киради, маълум маънода кимнингдир ёрдамида шу болага тўлақонли тарбия беришга интилади. Лекин бу кўрсаткич жами аёлларнинг 3,3 фоизини ташкил этади, шаҳарда бу кўрсаткич 6,3 фоизни ташкил этади, холос. Демак, турмуш ўртоғидан айрилгач она ўз бўйнига болалар тарбияси, рўзгорни юритиш каби катта масъулиятни олишга мажбур.

Шунингдек, Хусусан, аёлларнинг шахсий турмушидаги зўравонлик муаммоси жамият ва давлат томонидан эътиборни талаб этмоқда. Бу муаммо фақат бизнинг давлатимизда эмас балки мустақил ҳамдўстлик давлатлари ва бошқа ривожланган давлатларда ҳам ўз ечимини топмаган ва уни ҳал қилиш йўллари кўрсатилмаган. Америка ва Европанинг ривожланган мамлакатларида мазкур муаммоларни ҳал қилишга киришилди. Улар 10-15 йил муқаддам масаланинг муҳимлигини англаб, аёлларни турли зўра-вонлиқдан муҳофаза қилиш тўғрисида

тегишли қонуний ҳужжатлар қабул қилдилар ва жабрдийда аёлларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус ижтимоий хизмат соҳаларини таш-кил этдилар. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликларнинг содир этилиши инсон ҳуқуқларини жиддий бузилишига олиб келади.

Бугунги кунда оила аъзолари онгига етказилиши лозим бўлган энг муҳим қонуний ҳужжатдан бири - Никоҳ шартномаси бўлиб, унда эр-хотин ўртасидаги ахлоқий, маънавий, мулкий муносабатларга оид кўрсатмалар бериб ўтилган. Республика из аҳолисининг 40 фоизини вояга етмаганлар ташкил қилиши ҳамда ҳар бир оиласда ўртача 5-6 нафар фарзандлар борлигини эътиборга оладиган бўлсак, аёллар ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигининг мониторинги тизимини яратиш долзарб эканлиги яна бир бор намоён бўлади. Чунки онаси жиноят содир этган, қаровсиз ва назоратсиз қолган болаларнинг жиноят содир қилиши ҳеч гап эмас.

Аёлларга нисбатан учрайдиган зўравонликларнинг энг кўп шаклларига уларни бирга яшашга, фоҳишилик қилишга мажбуrlаш, номусига тегиши, зўравонлик қилиши ва спиртли ичимлик, гиёхвандлик моддалар истеъмол қилдириш, мунтазам хўрлаш ва руҳий таъсир кўрсатиш ҳамда бошқа йўллар билан ўлимга олиб бориш кабилар киради. Тажриба кўрсатадики, бунга оиласда бўлиб турадиган узоқ давомли жанжаллар ҳам сабаб бўлади.

Тадқиқотлардан маълум бўлишига, аёлларга нисбатан зўравонлик жаҳондаги барча мамлакатларга, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётидан қатъи назар, мавжуд ҳолат ҳисобланади. Ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, Японияда 59 фоиз аёл жисмоний зўравонлик қурбони бўладилар. АҚШда 40 фоиз, Канадада 25 фоиз ва ҳакозо. Социологлар хулосасига кўра, 60 млн. аёл турли шаклдаги камситилиш, таҳқирлаш ва зўравонлик қурбони бўладилар. Африка мамлакатларида (Танзания 60%), Жанубий Осиё (60%), Лотин Америкасида (57%) аёлларга нисбатан зўравонлик кучайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Зўравонлик нати-жасида жуда катта иқтисодий зарар қўрилади, аёлларнинг иш жойида меҳнат унумдорлиги камаяди, оиласнинг маънавий-ахлоқий томонига, унинг нормал ривожланишига тиклаб бўлмас даражасида зарап етади.<sup>46</sup>

Аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат ҳудудининг барча қисмларида, хоҳ қишлоқда бўлсин, хоҳ шаҳарда бўлсин бирдай таъминланиши талаб этади. Зеро, қонунчилик актларининг мукаммаллашуви ҳам ҳар бир жамиятнинг инсон ҳуқуқларига ва айниқса аёл ҳуқуқларини таъминлашга бўлган хошиш ва интилишларига боғлиқ бўлади.

Маълумки, оиласдаги турли носоғлом муносабатлар, жанжал-тўпалон, ичкилиқбозлиқ, қиморбозлиқ кабилар шахснинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу муносабатлар ота-оналар ўртасидаги низолар кўринишида намоён

<sup>46</sup> Қаранг:Холиков Д.Р. Ҳуқуқий маданият оиласа мустаҳкамлиги асоси. /Масъул мухаррир В.Каримова: Республика “Оила” илмий-амалий маркази. –Тошкент: Фан. 2007. -138 б.

бўлади. Бу муносабатларнинг олди олинмаса, улар ортиб боради. Хулк-атвор нормаларидан четга чикувчи ўсмиirlар айниқса, ёлғиз, ота-оналардан бири ўгай бўлган оиласарга қўпроқ тўғри келади.

Демак, шахснинг ривожланишидага энг муҳим омил - тарбия масаласи. Ёш авлодни тарбиялаш деганда, биз фарзандларни ахлоқан пок, одобли, эстетик бой, жисмонан бақувват қилиб камол топтиришни тушунамиз. Шу билан бирга, ижтимоий тарбия хуқуқий ва, умуман, маданий тарбияни ҳам ўз ичига олади. Асосий максад чукур маълумотли, ҳар жихатдан юксак маданиятли ва онгли, жамиятимизнинг актив фуқароларини тайёрлашдир.

### **Назорат саволлари**

1. Ахлоқ психологиясининг мавзуси ва тушунчаси хақида нималарни биласиз?
2. Ахлоқий муносабатларнинг инсон характеристига таъсири хақидаги фикрингиз?
3. Ахлоқни ички психологик жараён эканлиги хақида нималарни биласиз?
4. Давлат ҳизматчиси этикаси ва имижи деганда нимани тушунасиз?
5. Гендер муаммоларининг умуминсоний ва миллий хусусиятлари хақида нималарни биласиз?
6. Аёл ва эркакларнинг оддий хулқ-атвори хақидаги фикрингиз?
7. Ўзбекистондаги гендер муносабатларига эътибор хақида нималарни биласиз?

**4-мавзу:** Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги; касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти. Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характеристи. Модернизация жараёнларида эстетик фаолиятнинг қўринишлари.

## РЕЖА:

- 4.1. Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги
- 4.2. касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти.
- 4.3. Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси.
- 4.4. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характери.
- 4.5. Модернизация жараёнларида эстетик фаолиятнинг кўринишлари.

**Таянч иборалар:** касб этикаси, ахлоқий маданият, касбий бурч, касбий эркинлик, этикет, эстетик англаш, эстетик англаш турлари.

### 4.1. Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги

Ахлоқий маданият шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. У шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси ҳисобланади. Зоро, ахлоқий маданият ахлоқий тафаккур маданиятининг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилмадир. У шахснинг ўзгалар билан ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Инсоннинг хатти – ҳаракати, хулқ – атвори ва юриш – туриши ва уларни доимо назорат қила билиш даражаси, кишилар ўртасидаги муомала муносабатидир. Ахлоқий маданият шунингдек, инсоннинг ўз хатти – ҳаракатларини меъёрини англашдир.

Жамиятда мутлок, абадий ва ўзгармас ахлоқ йўқ. Ахлоқ тарихан ўзгарувчан ва нисбий мустақилликка эга бўлган ижтимоий ходисадир. Унинг бу ҳусусиятлари умумий ахлоқнинг таркибий қисмларидан бири бўлган касб ахлоқида ҳам яққол намоён бўлади. Жамият ривожининг тарихида ижтимоий меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши меҳнатнинг бир тури билан банд бўлган кишилар гурухларининг касб – ҳунар жиҳатидан ажralиб чиқишига ва шунга мувофиқ равишда турли хил мутахасисликларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу эса ҳар–бир инсоннинг қилаётган меҳнат тарзига, меҳнатни ташкил қилиш усусларига қараб, улардан муайян турдаги ҳаракатлар ва руҳий қувватларни сарфлашни талаб этадиган қайтарилилар, ўзига хос кўникмаларни вужудга келтиради. Инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат бир томондан ҳамкасабалар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айни пайтда касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг юксак шаклларидан бири, унинг жамият ахлоқий ҳаётидаги ўрни юксак. Ҳар бир жамиятда муайян гурухлар борки, эгаллаган касблари уларни бошқа жамиядошларига нисбатан имтиёзли даражага олиб чиқади. Кўпчилик жамият аъзоларининг ҳаёт-мамотлари, соғлиги, маънавий соғломлиги, хуқуқий ҳимояси, илмий салоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар ўшандай имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурч масъулиятини қай даражада ҳис этишларига, ҳалоллик ва виждан юзасидан иш кўришларига боғлиқлиги ҳаммага маълум. Ахлоқий баҳо

омилларига кўра, касб одобини бир неча турга ажратиш мумкин: муаллимлик одоби, ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари одоби, муҳандис одоби, шифокорлар одоби, сингари бирқанча касбий одоб турларини санаб ўтиш мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, барча касбий одоб қонун-қоидаларининг таъсир доираси, миқёси бир хил эмас. Баъзи бир касбий одобнинг бузилиши оддий одобсизлик доирасидан чиқиб, ахлоқсизликка айланиб кетади.

Ҳар қандай инсон ишни ҳалоллик билан сифатли бажарганда, у ким ва қайси соҳанинг эгаси бўлишидан қатъий назар, одамлар хурматига сазовор бўлади. Инсон меҳнат қилиб, камолотга эришиб бориши мумкин деймиз. Унинг баркамоллиги эса ўзининг ички имкониятларини тўла рўёбга чиқариш билан боғлиқ. Ҳар томонлама ривожланган шахс - баркамол инсон ҳаётдаги жамики инсоний фазилатларни ўзида мужассамлантиради.

Ахлоқий маданият касбий одобда ҳам яққол кўзга ташланади. Чунки инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади.

Бу муносабат, бир томондан, ҳамкасабалар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айни пайтда, касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг юксак шаклларидан бири; унинг жамият ахлоқий ҳаётидаги ўрни юксак.

*Касбий этика* - ҳар бир касб-хунарга хос ахлоқий норма, принцип ва сифатларни ўрганади ва ҳаётга татбиқ этади.

Ахлоқий тарбия назарияси -ахлоқнинг жамият талаби, эҳтиёжи ва манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда уни ҳаётга татбиқ этишнинг восита ва услубларини ўрганади ва ўргатади.

Жамиятда мутлақ, абадий ва ўзгармас ахлоқ йўқ. Ахлоқ тарихан ўзгарувчан ва нисбий мустақилликка эга бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Йиллар ўтиши билан ишлаб-чиқариш, фан ва техника ривожланиб, ижтимоий меҳнат тақсимоти янада чукурлашади. Бу жараённинг узлуксиз давом этиши эса ўз навбатида, ҳар бири муайян ижтимоий функцияни бажарадиган янгидан-янги фаолият соҳалари пайдо бўлишига сабаб бўлади. Уларнинг соҳиблари эса шунга кўра муайян ижтимоий бурчларни бажара бошлаганлар. Мазкур бурч ва мажбуриятлар муайян ахлоқий қоидалар ва хулқ-атвор нормаларида ўз аксини топди. Шундай қилиб, *касб ахлоқининг пайдо бўлиши узлуксиз меҳнат тақсимотининг маҳсули, унинг ахлоқий дастури, ахлоқий баҳоси сифатида фаолият кўрсата бошлиди*.

Ана шу ахлоқий баҳо омилларига кўра, касб ахлоқини ҳар бир касб-хунарнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва вазифаларига қараб бир неча турга ажратиш мумкин:

- ўқитувчилик ихтисосига қараб - педагог ахлоқи;
- тиббиёт ихтисосига қараб - шифокор ахлоқи;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш ихтисосига қараб - юрист ахлоқи;

хизмат қўрсатиш ихтисослига қараб - хизмат қўрсатиш этикаси ва ҳаказо. Жамият ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшувчи барча касб эгаларини шартли равища давлат ҳизматидаги ходим деб юритдик.

Давлат ҳизматидаги ходимларнинг хуқуқий ва ахлоқий маданияти бир-бирига мутаносиб бўлиши керак. Шу муносабат билан мансабдор шахсларда сиёсий ҳислатлар билан бир қаторда ахлоқий фазилатларни шакллантириш зарурӣ ҳолдир. Ахлоқий баркамоллик давлат ҳизматидаги ходимларнинг ишбилиармонлик сифатларидан бири ҳисобланади.

Давлат ҳизматидаги ходимларнинг иши – оғир юмуш. Уни шараф билан адо этмоқ учун, киши ўзи раҳбарлик қиласиган соҳани билишигина эмас, балки яна бир қатор сифат ва фазилатларга эга бўлмоғи керак. Улар ичida аввало тил ва нутқ имкониятларини ишга сола билишни ажратиб қўрсатиш даркор.

Нутқий мулоқотга киришган кишининг мақсадлари доирасини умумлашган ҳолда қўйидагилар билан белгилиш мумкин:

- 1) ўзга(лар)га, муайян жамоага ўз ғоя ва фикрларини етказиш орқали ҳамфикрлар доирасини кенгайтириш;
- 2) маънавий (руҳий) ҳаётини узайтириш орқали ҳаётда из қолдириш;
- 3) ҳукмронликка бўлган интилишни амалга ошириш;
- 4) шартномага асосан ўз ҳизмат доирасида муайян (сиёсий, иқтисодий, молиявий) масалани ҳал этиш;
- 5) эътибор қозониш;
- 6) жамиятда тутган баланд мавқеини сақлаб қолиш ва ш.к.

Давлат ҳизматидаги ходимларнинг ахлоқий сифатларини қўйидаги жихатларини тавсифлаш мумкин:

- хулқий нуқтаи назардан ходимнинг ахлоқий тутган йўли, унинг дид-фаросати ва яшашдан мақсади йўналиши;
- адолат, виждон ва бурч давлат ҳизматчиси фаолиятидаги юксак ахлоқий фазилат сифатида:
- ахлоқий меъёрларга бўйсиниши;
- этикет қоидаларига риоя қилиш.

Шунингдек, давлат ҳизматидаги ходимларга қўйиладиган ахлоқий талаблар хуқуқий асосга эга бўлиб, улар қонунлар, низомлар ва йўриқномалар тарзида расмийлаштирилади: уларни бузган ҳодимлар интизомий жазога, қонунга зид иш кўрганлар эса жиноий жавобгарликка тортилади. Шунинг учун давлат ҳизматидаги ходимларнинг касб ахлоқи, жасурлик, шижаот, адолат ва садоқатлилик каби ахлоқий меъёрларга таянган ҳолда ҳар бир ишга беғараз ва холис ёндашишни тақозо этади.

Давлат ҳизматчиси касб одобининг нормалари инсонни қадр – қимматини хурмат қилиш ва қонунни бузганларга нисбатан қонунда белгилинган талаблар асосида иш қўришга асосланади. Улар ҳокимият ва қонун вакили сифатида иш кўрар экан, унинг ахлоқи тарбиявийлик хусусиятга эга бўлиши лозим. Уларнинг

ахлоқи қанчалик юқори бўлса, халқнинг давлатга, қонун кучига ишончи ҳам шунчалик кучли бўлади.

Жамиятда мутлоқ, абадий ва ўзгармас ахлоқ йўқ. Ахлоқ тарихан ўзгарувчан ва нисбий мустақилликка эга бўлган ижтимоий ҳодисадир. Унинг бу ҳусусиятлари умумий ахлоқнинг таркибий қисмларидан бири бўлган *касб одобида* ҳам яққол намоён бўлади. Жамият ривожининг тарихида ижтимоий меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши меҳнатнинг бир тури билан банд бўлган кишилар гурӯхларининг касб – ҳунар жиҳатидан ажralиб чиқишига ва шунга мувофиқ равишда турли хил мутахасисликларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу эса ҳар–бир инсоннинг қилаётган меҳнат тарзига, меҳнатни ташкил қилиш усусларига қараб, улардан муайян турдаги ҳаракатлар ва руҳий қувватларни сарфлашни талаб этадиган қайтарилима, ўзига хос кўникмаларни вужудга келтиради. Инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади.

Ҳар бир жамиятнинг маънавияти инсон камолотининг у ёки бу босқичига хос бўлган иймон ва эътиқоди, ахлоқ-одоби, тажриба ва малакасини ўз ичига олади ва инсонларнинг фаолияти, истеъододи, қобилияти, юриш-туришида намоён бўлади. Маънавият инсоннинг қон-қонига йиллар давомида тарбия орқали сингиб боради. Шу маънода инсоният тархи маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч – қудрат манбай эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр – оқибат, баҳт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди.

Давлат хизматидаги ходимлар ҳам ҳалол-пок, виждонли, иймонли, диёнатли, меҳр-шафқатли бўлиши керак. Давлат хизматидаги ходим лавозимига эгри йўл, эгри қўл, эгри мақсад билан эришиб бўлмайди. Феъл-аворида эгрилик бор киши давлат хизматида узоқ фаолият юритолмайди.

Давлат хизматидаги ходим иш фаолиятида тажриба, кўникма, маҳорат, билим, ақл ва англашнинг ҳам роли катта.

Давлат хизматидаги ходим фаолиятининг самарадорлиги унинг тафаккури, ақл-англашига ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Тафаккур унга кенг ва чуқур фикрлай олиш, яхшини ёмондан, фойдани заардан, муҳимни номухимдан бехато ажратади. Агар Давлат хизматидаги ходимда ана шундай фазилатлар шаклланган бўлса, ундей ходим ишнинг сир-асрорларини қийналмасдан эгаллаб олади, ўз жамоаси ўртасида обрў ва ишонч қозонади. Демак, ҳар қандай мансабдор шахс кенг ва чуқур фикрлай олиши билан бирга, билимли ва уддабурон, ҳаракатчан ва шижаотли бўлиши ҳам керак.

Давлат хизматидаги ходимнинг ахлоқий маданияти - индивид томонидан ахлоқий онг орқали жамият маданиятини англаш этиш даражаси; ахлоқ талаблари инсон хатти-ҳаракатлари жамиятнинг шакллантирувчи таъсири остида қай даражада чуқур ва уйғун эканлиги кўрсаткичидир. Турли омиллар таъсири остида: давлат хизматидаги ходим ахлоқий маданияти ҳаётий тажриба ва тарбия; билим ва

санъат шахс жамиятнинг ахлоқий маданияти ютуқларини турли даражада ўз онги ва хатти-ҳаракатларида жамлайдиган мураккаб дастур бўлиб, ўз ичига инсониятнинг шундай тажрибасини оладики, унга кўра инсон анъанавий вазиятларда ахлоқан иш юритади, ҳамда онгнинг ижодий элементларини – ахлоқий ақл, интуицияни ҳам ўз ичига олади ва улар ёрдамида муаммоли вазиятларда ахлоқий қарорлар қабул қила олади.

Давлат хизматидаги ходимнинг ахлоқий маданиятини шакллантиришдан мақсад - анъанавий ва ижодий элементларнинг оптималь уйғунлигига эришиш, шахснинг аниқ бир тажрибасини жамоатчилик ахлоқининг барча бойликлари билан бирлаштиришdir.

Муаллимлик одоби, хуқук-тартибот ходимлари одоби, мухандис одоби сингари бир қанча касбий одоб турлари борки, улар жамиятда ахлоқий муносабатлар силсиласида муҳим аҳамиятга эга. Шуни айтиш керакки, барча касбий одоб қонун-қоидаларининг таъсир доираси, миқёси бир хил эмас. Баъзи бир касбий одобнинг бузилиши оддий одобсизлик доирасидан чиқиб, ахлоқсизликка айланиб кетади. Масалан, раҳбарлик одобидаги баъзи нұқталарга тўхталаийлик. Раҳбар қуий лавозимдагиларга менсимай, қўпол муносабатда бўлиши, ўзига ишониб топширилган худуд ёки ташкилотдаги оддий одамлар арз-додига, орзуистакларига тўраларча қарashi одобсизликка кирса, унинг шахсий бойлик орттириши йўлида коррупция воситасида мамлакат, вилоят ёки ташкилот манфаатларини қурбон қилиши ахлоқсизлик, нафақат раҳбарлик касбига, балки Ватанга ҳам хиёнат тарзида баҳоланиши мумкин. Баъзан касбий одобнинг касбий ахлоқ деб аталиши ҳам ана шундан.

Инсоннинг ҳаёт тажрибаси, фаолияти, билими, илми, одоб-ахлоқи, хатти-ҳаракати билан ўзининг маънавий оламини бойитиб боради. Инсон ақлан ва ахлоқан бойиган сари ўз олдига улуғвор вазифаларни қўяди ва унга эришиш учун ҳаракат қиласди. Ҳаракат эса маънавий пойдеворни талаб қиласди. Ахлоқий қадриятларга риоя қилишни ҳар бир шахс ўзидан бошлиши керак. Энг асосий нарса ахлоқий қадриятларни билиш эмас, балки уларга амал қилишdir. Шахснинг фаолиятига нисбатан ахлоқий баҳони жамоатчилик беради. Зоро, ахлоқлилик – шахс фаолиятининг жамоатчилик белгилаган маънавий мезонларига мос келишидир. Барча ахлоқий хатти – ҳаракатларнинг маънавий асоси бўлган иймон ва виждан тушунчалари инсон ҳаётининг ички руҳий қонунидир. Ахлоқ муаммолари таҳлилида инсон кўпроқ шу ички қонунга таяниб иш кўради.

Давлат хизматидаги ходимнинг ахлоқий маданияти - элементларининг яхлит тизими бўлиб, ахлоқий фикрлаш маданияти, ахлоқий мулоҳаза юритиш қобилияти, ахлоқий билимлардан фойдалана олиш, яхшилик ва ёмонликни ажратиш, юзага келган вазиятнинг ўзига хос хусусиятларига ахлоқий меъёрларни қўллай билиш ва хақозаларни қамраб олади. Ўз ичига яна туйгулар маданиятини, ахлоқий тажрибада хис-туйгу ва ўйларнинг амалга оширилиш қиёфасини, уларнинг кундалик ҳаётда хатти-ҳаракат меъёрига айланиб бориш даражасини ҳарактерловчи хулқ-атвор маданияти; шаклларни регламентловчи қоидаларга қай даражада амал қилиш

сифатидаги этикетни, мулоқотда шахснинг ўзини тута билишини олади. Давлат хизматидаги ходимнинг ахлоқий маданияти - умумий ахлоқий тамойилларни билиш, уларни чуқур ҳис этилган қарашлариға айлантириш, ҳатти-харакатларнинг энг муносиб шаклини қўллай билишдир. Унинг ҳар бир элементини ўзлаштириш Давлат хизматидаги ходимнинг ахлоқий маданияти мустаҳкамлигини шакллантиришга ёрдам беради.

Ахлок ва ахлоқий нормалар кишилар фаолиятининг муайян соҳасигагина тааллуқли бўлмай, балки ҳалқ ҳаётининг ҳамма жабҳаларига кириб боради. Ахлоқий хислатлар соҳаси кўплаб масалаларни, яъни фуқаролик жамиятининг ахлоқий мезонларига, бозор иқтисодиёти шароитининг ахлоқий қарашларига бўлган муносабати ва бошқалардан тортиб то замонавий турмуш қоидалари, шахсий хулқ-авторгача бўлган масалаларни ўз ичига олади. Бу эса онгни қайта куришда ахлоқий тарбиянинг имкониятларини кенгайтиради.

Хизмат кўрсатиш ходимларнинг касб одоби ва эстетик маданиятининг вазифалари. Хизмат кўрсатиш ходимларнинг касб этикаси ва эстетик маданияти – умуминсоний ахлоқ қонунлари, принциплари ва нормаларини, эстетик қадриятларини аҳолига хизмат кўрсатиш, муомала қилиш ҳамда уларга ахлоқий тарбия бериш, эстетик маданиятини шакллантириш усуллари, йўлларини ўрганадиган ва ўргатадиган назарий-фалсафий фандир.

Хизмат кўрсатиш ходимларнинг эстетик диди деганда уларнинг гузалликни хунуклиқдан, дидлиликни-дидсизликдан, муносибликни-номуносиблиқдан фарқ қилиш қобилияtlари тушунилади. Шунга кўра кимда-ким гузалликдан завқланса, унинг эстетик диди яхши бўлади ва аксинча гузалликка бепарво бўлса унинг эстетик диди ёмон бўлади.

Яхши муносабат қоидаларига бағишлиланган қўп жилдли асарида америкалик ёзувчи Алиса Цоун «Ўзингнинг обрўйингни сақла, ўзингдан паст маданиятли кишиларга ўхшама. Эсингда бўлсин, сен ундан либосинг, қадди-қоматинг, ҳатти – ҳаракатинг ва одобинг билан устун бўлишга ҳаракат қил» деб ёзган. Айнан ўз обрўсими сақлашни ҳис этиш туйғуси аҳолига ва сайёҳларга хизмат кўрсатадиган корхоналар ходимларининг ўз бурчларини сифатли адо этишга, истеъмолчиларни алдамасликка, улар билан этикет талабларига кўра хушмуомалалик қилишга, ўзини ёмон йўллардан қайтаришга ва ташқи қиёфасини яхшилашга ҳамда жамиятнинг бошқа талабларига итоат қилишга мажбур қиласи. Ахлоқ нормалари ахлоқий муносабатларнинг таркибий қисми ва ахлоқий муносабатларнинг таркибий қисми ва ахлоқий онг шаклларида мавжуд бўлади. Ахлоқ принциплари-умумлашган ахлоқий тушунчалар бўлса, ахлоқий нормалар ахлоқий принципларга риоя қилиш учун қандай ахлоқий хислатлар зарурлигини кўрсатади.

Муаллим ўз билимларини ўшларга узатиб, уларнинг тимсолида ҳаётини узайтиргандек бўлади, олим ўз шогирдлари тимсолида ўз руҳини келажакка кўчирса, маслақдош ҳамкаслари орқали ўз маконини кен-гайтиришга ҳаракат қиласи. Худди шундай, сиёсий арбоб ёки раҳбар ўз ғоя ва фикрларини ҳаётга тадбик этиш, ўз ишларини давом эттирадиган маслақдошларни шакллантириш

орқали ҳаётда из қолдириб, келажакка ошно бўлишга интилади. Демак, ҳамфикр, маслақдошларни шакллантириш хар бир инсонга ўз маънавий, интеллектуал ҳаётининг муддатини узайтириш учун керак.

Инсон маънавий маданиятининг асосий мезони – ахлоқий етуклик хисобланади. Ахлоқий етуклик эса ўзида – ҳалоллик, инсофлилик, виждонийлик, саҳоватпешалик, шафқатлилик, меҳрибонлик сингари ахлоқий фазилатларни мужасаам этади. Шундай экан, муомала маданиятининг асосий мезонини яхши хулқ ва гузал фазилат уйғунлиги ташкил этади.

Шуни қайд этиш лозимки, инсонни ҳайвондан фарқ қиласиган энг муҳим хусусиятларидан бири, унинг ўзини яшаши, турмуш учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эга эканлигидир. Бу малака инсоннинг инсонлараро муомала маданиятида яққол кўзга ташланади.

Муомала шахслараро муносабатнинг шундай кўринишини, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ахлоқий, эстетик, маданий, сиёсий ва руҳий жиҳатдан алоқага киришадилар, таъсир ўtkазадилар ва таъсирланадилар. Шу боисдан муомала ижтимоий категория сифатида турмушнинг барча соҳаларида қўлланиш моҳиятига кўра бевосита ёки билвосита иштирок этади.

Дастлаб «муомала» ва «алоқа-коммуникация» тушунчаларининг ўхшаш томонларини аниқлаб олиш лозим. Алоқа-коммуникация - ялпи алоқанинг бир тури бўлиб, йўналтирилган алоқа деб юритилади. У моҳиятан маълум бир ҳодиса ҳақидаги маълумотни бошқаларга узатади. Масалан, оммавий воситаларида кўрсатув учун йўналтирилган маълумотларда муомала алоқа-коммуникация воситаси вазифасини бажаради. Бошқача қилиб айтганда, бундай холатда муомала энг аввало субъект-объект муносабати сифатида намоён бўлади.

Муомала жараёни икки тарафлама характерга эга: у ўз моҳиятига кўра ахборот ёки маълумотларни шунчаки узатиш ва қабул қилишга қараганда кенгқамровли бўлиб, икки ёки ундан ортиқ инсонларнинг ўзаро таъсирини мураккаб тизими ҳисобланади. Шунга кўра муомала акти бир инсоннинг бошқа инсон(лар) билан муомалага киришиб, унда ўзиникига ўхшаш хусусиятларни топа олиши, уларга муносиб жавоб қайтариши, улар билан ўзаро мулоқотда оптимал даражага эришсагина ўзининг муомала жараёнидаги муносиб ўрнига эга бўлади. Бундай холатда муомала энг аввало, субъект-субъектга муносабати тарзида кўзга ташланади.

Лекин шуни таъкидлаш лозимки, кўпгина илмий-оммабоп адабиётларда муаллифлар «муомала» ва «коммуникация» тушунчаларини синоним тарзида ишлатадилар. Айтиш мумкинки, муомала жараён сифатида тугал натижани объектив эҳтиёжлар, аниқ манфаатлар, мақсадлар, тузилмалар, воситалар, муомала техникаси нуқтаи-назаридан кўриб чиқади. У пайдо бўлгандан бошлаб илмий тавсифланадиган қатор даража ва босқичлардан ўтиб келган.

Шунингдек, муомала ҳамкорлик фаолиятининг муҳим омили эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Муомаланинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқукий соҳалардаги ҳамкорлиги иккала томоннинг манфаатига асосланади. Шундай

бўлган тақдирдагина, мулоқот самарали якунланиши мумкин. Бу борада мамлакат Президентларининг давлатлараро ҳар томонлама шартномани имзолаш учун олиб борадиган мулоқотлари юқоридаги фикрларга мисол бўлади

#### **4.2. Касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти.**

Бугунги давр бошқарувчи ёки раҳбардан ижтимоий воқеликда рўй берадиган ҳодисалар, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳакида билим ва кенг дунёқарашибга эга бўлиш ҳамда ҳодиса ва фаолиятни чуқур таҳлил қилиш, ундан хулоса чиқариш кўникмасига эга бўлишни талаб этади. Бундай талаб аввало, масъулият ёки масъулиятлилик тамойилига асосланган ҳолда реалликка айланади. Зеро, ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси ҳам бошқарувда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатdir.

Шуни таъкидлаш керакки, айрим адабиётларда масъулият ахлоқшунослик ва ҳуқуқшунослик фанининг категорияси сифатида талқин этилади. Чунончи, масъулият – шахс томонидан ўз маънавий бурчини тўлақонли бажариши ва ҳуқуқий меъёрларга амал қилиши билан боғлиқ алоҳида ижтимоий-ахлоқий ҳодиса. Бундан ташқари, масъулият - бошқарув қарорлари қабул қилишда давлат ҳамда жамият манфаатларини устувор тарзда англаш даражаси шахс хулқ-атвори устидан ижтимоий назоратни амалга ошириш шакли сифатида талқин этилади.

Бурч ва масъулият бир жиҳатдан, бошқарув фаолиятида тартиб-интизом устуворлигини таъминлашга хизмат қилса, иккинчи жиҳатдан, ахлоқан мукаммал бошқарувни такомиллаштиришга хизмат қиласди. Шу боис Шарқ ахлоқий тафаккури масъулиятлиликни бошқарув маданиятининг ўзига хос кўриниши ҳамда самарадорлик асоси деб билади.

Айтиш зарурки, масъулият ахлоқий муносабатларда ва ахлоқий фаолиятда жавобгарлик ҳиссини тақазо этади. Жавобгарлик ҳам масъулиятдан айри ҳолда воқе бўлмайди. Бундан ташқари, масъулият ва жавобгарлик одамларнинг онги ва дунёқарашини тубдан ўзгаришига, уларда мавжуд маънавий ва моддий ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш туйғусини кучайтиради. Бу давлат ва жамиятнинг мақсадларини тўлақонли амалга ошириш учун салоҳият, имконият ва кучларни тўлиқ сафарбар этиш имконини беради. Зеро, Асосий қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида “Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи юксак масъулиятини анлаган ҳолда, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, ўзининг муҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қиласди” - деган қоида бежиз баён этилмаган.

Ўзбекистоннинг чорак асрлик мустақил тараққиёти даврида эришган ютуқларининг асосий омили – мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган авлод шакллангани билан бевосита боғлиқ. Чунки, Собиқ иттифоқ даврида шаклланган айрим “қадрият”лар кишилар онгида ижтимоий тенглик тушунчаси ҳақида нотўғри тасаввурни пайдо қилди. Яъни, яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам давлат барибир боқади, деган мафкура одамлардаги ташаббусни бўғиб қўйди. Ҳамма нарса - давлат мулки, деган ақида одамларнинг миясига сингдирилиб, кишилар мулқдорлик, эгалик туйғусидан бегона бўлиб қолди. Бундай ҳолат раҳбар, ҳодим, ишчининг меҳнатга интилишига, шахсий рағбатига, иш натижаси учун масъулиятини оширишга жиддий салбий таъсир кўрсатди. Бу ҳолат айниқса, мустақиллика эришгандан сўнг бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ масъулиятли давр шароитида раҳбардан фуқароларнинг кайфиятини ҳисобга олишни, ўтган даврнинг ижобий тажрибаларидан самарали фойдаланишни, заифлик қилмасликни (чунки битта раҳбарнинг зиифлиги кўплаб ҳодимларнинг заарланишига олиб келади) асосий мезонга айлантириди. Натижада давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими Президентлик бошқарув усули, вилоятлар, районлар ва шаҳарларда ҳокимлик лавозими таъсис этилди. Бундан ташқари, суд ҳокимиятининг ислоҳ қилиниши давлатда қонун устуворлигини таъминланишига ҳамда барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминланишини асос солди. Фуқаролик жамиятининг турмуш тарзи таркибий қисмларини ташкил этувчи мана шу омилларнинг барчаси масъулият, жавобгарлик, интизом, ички уюшқоқликнинг негизи бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йилларда давлатимизнинг раҳбари Ислом Каримов «Труд» газетаси мухбирларининг (1996 йил 26 майда мухбирлар Александр Потапов ва Валерий Бирюков ишитирокида амалга оширилган ушбу сұхбат матбуотда «Ҳар қандай мухолиф билан баҳслашишга тайёрман» сарлавҳаси билан чоп этилган эди) «Президентнинг бўш вақти, ўзингизни оддий инсон, баҳтли инсон сифатида ҳис этадиган фурсатингиз борми?» - деган саволига « - Биласизми, ўзимни бемалол тутишга, устимдаги юкни - ҳар куни зиммамда бўладиган улкан масъулиятни олиб ташлашга ҳамиша катта эҳтиёж бор. Мендан бошқа ҳеч ким ҳал қилмайдиган муаммолар ором бермайди. Ўз имкониятларимни мен сира бўрттираётганим йўқ, лекин мен мавқеимга кўра, ҳамма иш учун жавоб берадиган одамман. Бинобарин, ҳаммадан олдин энг мухим масалаларни ҳал этиш учун жавобгарликни ўз зиммамга олишим мумкин.» - деган оқил жавобни берган эди. Ушбу жавобдан халқ фаровонлиги учун тиним билмай ишлашдек шарафли масъулиятни англаш ва хис этиш, жавобгарликни зиммасига олиб билдирилган ишончни оқлаш жамоада натижадорликни таъминлашга хизмат қилишини англаш қийин эмас.

Бугунги кунда ҳар бир раҳбар кадрнинг масъулият билан ишлаши ҳамда соф виждонлилигига қўп нарса боғлиқ бўлиб, ишни ташкил қила билиш қобилияти раҳбар фаолиятини баҳоловчи бош мезонга айланиб бормоқда. Авваллари

раҳбарларнинг обрўси унинг лавозими, хизмат соҳасининг ҳашамдорлиги, раҳбарни нуфузли кишилар томонидан қўллаб-қувватланиши ва қабулида одамларнинг турнақатор бўлиб қутиши билан боғлиқ талаб билан белгиланган. Бундай бошқарув усули нафқат раҳбар фаолиятига балки давлат ва жамият ривожига жиддий тўсиқ бўлди.

Ўзбекистонда 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастурини амалга оширишда “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган талаб устувор аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, мамлакатимиз ҳаётидаги долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илгор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилди. Жумладан, “I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари”да кўзда тутилган муҳим масалалар қаторида давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг муносиб ижтимоий таъминот тизимини яратиш, айни вақтда мансабдор шахслар жавобгарлигини ошириш, аввало, бошқарув соҳасида биринчи навбатда ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этиш, бундан ташқари, ижро ҳокимияти органлари зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш тартибини, уларнинг масъулият доирасини аниқ белгилаш масалалари кўрсатиб ўтилди.

Шуни таъкидлаш зарурки, барча замонларда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ҳам маънавий соҳаларда олиб бораётган сиёсатнинг тақдири бошқарувчи ёки раҳбарнинг масъулиятига, ўз ишини билиб бажаришига қараб белгиланган. Мавжуд ижтимоий муаммоларнинг ечими эса халқ ишонч билдирган кишиларни ўз вазифасини пухта ва ҳалол бажаришига, ўз ишига масъулият билан ёндашишига боғлиқ бўлган. Шу боис раҳбарлик масъулиятининг мезони деганда раҳбарнинг эл-юрт тақдири учун жавобгарлигини тушуниш мақсадга мувофиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, зиммасига юклатилган масъулиятни тўлақонли бажаришига қараб, бошқарувчининг бурчга садоқати ҳам баҳоланади. Бу бошқарувчидаги фидойилик, ватанпарварлик, инсофилик каби сифатлардир. Бироқ, мазкур сифатларнинг етишмаслиги натижасида масъулиятсизлик шаклланади ва бунинг оқибатида бошқарувга салбий таъсир кўрсатувчи қатор иллатлар юзага келади. Шу маънода масъулиятсизлик ижтимоий-маънавий иллат бўлиб, унинг натижасида бошқарув этикасига зид келувчи қуйидаги иллатлар келиб чиқади:

- бюрократия;
- сансалорлик;
- сафсатабозлик;

- расмиятчилик;
- қўзбўямачилик;
- ўзибўларчилик;
- лоқайдлик;
- инсофиззик;

Раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида маълумотларни соҳталаштириш, хўжасизлик, давлат мулкини талон-тарож қилиш, қўшиб ёзишдек хунук ишларга йўл қўйган агросаноат уюшмасининг фаолияти ўрганилганда асосий муаммо раҳбар ва мутахассис ходимларнинг қўнимсизлиги, раҳбарни бир йилга ҳам етмай алмаштирилиши ва унинг ўз вазифасига масъулиятсизлиги, билим даражасининг ихтисоси бўйича пастлиги ва нотўғри танлангани бўлиб чиқсан. Натижада оддий дехқоннинг машаққатли меҳнати натижасида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти айрим корхоналарнинг омборларида тайёр маҳсулот сифатида тўлиб-тошиб ётибди. Иккинчи корхонада эса айланма маблағларининг ҳаракатсизлиги оқибатида шу маҳсулотни ишлаб чиқарувчиларга иш ҳақи бериш имкони йўқ. Одамларга ишлаб топган ҳақини вақтида бермаслик эса - адолатсизликдир. Бундай ҳолни ўзгартириш учун, авваламбор, раҳбарларнинг масъулиятини ва жавобгарлигини қатъий кучайтириш зарур хисобланади. Ёки бўлмасам, хуқуқ органлари фаолиятининг қонуний негизини мустаҳкамлаш ишига масъулиятсизлик турли кўринишдаги жиноятчиликни кўпайиши ва кучайишига сабаб бўлади. Шу боис ҳар ким ва ҳар бир нарса қонунга бўйсуниши, жамиятда қонун бошқарувнинг асосий ва кўп қиррали воситасига айланиши учун хуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасига катта масъулият юкланди. Бу, ўз навбатида уларнинг касб маҳорати ва ахлоқий сифатларига бўлган талабни кескин ошириш зарурлигини тақазо этади. Бу билан мазкур органларга қўли эгри, порахўр, виждонсиз кимсалар кириб қолишини олдини олиш бўйича кафолатланган қонуний тизимни шакллантиришга эришилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган хulosи шуки, масъулият – раҳбар маданиятининг асосий белгиларидан бири бўлиб, унинг маълум соҳага жавобгарлигини ифода этади. У алоҳида шахс, ҳодим масъулиятидан фарқ қилиб, кўлами кенглиги билан ажралиб туради. Шу боис раҳбар масъулияти ҳамиша муҳим саналган. Масъулият, аввало, ҳар бир кишининг виждони, иймони, қолаверса, жамоа, жамият, Ватан, миллат олдидаги бурчини теран англашдир. Умуман, масъулият раҳбарнинг зиммасидаги вазифасига нисбатан жавобгарлик туйғусидир.

Мамлакатимизда 2018 йил – “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастурида давлат идораларининг мансабдор шахслари, турли лавозимдаги ҳодимларнинг ҳар бири учун муқаддас қоидага айланиши лозим бўлган вазифа қўйилди: “Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан ишлаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт”. Бу барча раҳбарларнинг ўз вазифасига бўлган масъулиятини оширишнинг энг зарур қоидасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси - ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юқлатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат” – эканлиги уқтиради. Шу боисдан, раҳбар масъулиягини ошириш - жамият барқарорлигини мустаҳкамлаш омили бўлиб, масъулиятли раҳбар, энг аввало, ўзига, ўзгаларга нисбатан талабчан бўлади. Бошқарув тизимининг ҳар бир унсури ўртасида қатъий белгиланган ўзаро алоқалар ва таъсирлар мавжуд бўлиб, “масъулият”нинг мазмuni мазкур ўзаро алоқалар ва таъсирлар ўртасида мувозанат ўрнатишдан иборат бўлиб, у пировард натижада куч ва йўналишлар жиҳатидан турли ҳаракатларни яхлит тузилма манфаатларига бўйсундирган ҳолда мувофиқлаштириш имконини беради. Шу маънода масъулият – бу бошқарув тизимининг ташкил топиш ва амал қилиш жараёнини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи омил, эркинлик ва зарурат категорияларининг ўзаро нисбати, шахс эркинлиги, хулқ-атвори ва фаолиятининг муҳим жиҳатидир.

#### **4.3. Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси.**

Этикет тушунчасининг келиб чиқиши эрамиздан аввалги 2,5 - 3 минг йилликда Қадимги Мисрда пайдо бўлган. Этикет (*éiquette*) атамаси эса XVII асрнинг охирида вужудга келган. Аммо қадимги манбалар этикет қоидалари таъб, расм-руслама одатлар шаклида азалдан ибтидоий даврдаёқ, қабилаларда мавжуд бўлганлигини асослайди. Бундай қоидаларни тўлиқ бажармаслик ўзи яшаётган жамоат ёки қабилага хиёнат қилиш билан баробар бўлган. Аввалида бундай қоидалар нафақат ахлоқий, балки ҳуқуқий, иқтисодий, диний ҳамда қонқариндошлик муносабатларни ҳам қамраб олган эди. Жамоатнинг ҳар бир аъзоси унга сўзсиз бўйсунар эди. Шу тариқа этикет бу даврда мустақил қоидаларига эга бўлмаган, асосан жамоатнинг ижтимоий муаммолларига боғлиқ ҳолда татбиқ этилган. Яъни бу қоидалар табиий жамоатнинг талаби билан вужудга келган. Бундай талабларнинг бажарилиши қабила ёки жамоатнинг катталари томонидан назорат қилинар эди.

Кейинчалик эса бу қоидалар мустақил равишда ажралиб чиқиб, фақатгина ахлоқий меъёрлар даражасида кўрила бошланди. Қадимги Шарқда, жумладан, Сомир алқовларида инсон ҳатти ҳаракатларини тартибга солувчи ёзма ёдгорликларида – гилтахталарда ўз аксини топган. Қадимги Мисрда эса бу тартиб қоидалар қонунлар мажмуи сифатида эмас, балки бадиий адабиётлар орқали намоён бўлган. Бундай қоидалар, айниқса Сомирда илоҳийлик билан йўғрилган. Уларни бажармаслик Худонинг қаҳри билан қайтарилиши таъкидланган. Қадимги скандинавия адабий ёдгорлиги “Эдда” эпосида нафақат дастурхон атрофида ўтириш қоидалари, балки ҳатто мезбон шарафига тилак айтиш меъёрларини ўзида мужассам этганини асослайди.

Бу каби ҳатти-ҳаракатлар меъёрлари жамият тараққиётининг йўналишини белгилаб берар эди – яшаш тарзи, одамлар дунёқараши, жамиятдаги даражаларни фарқларди. Бу эса кейинчалик турмуш этикети, балки сиёсий этикетни вужудга

келишига сабаб бўлди. У бутун бир жамият билан бирга ўзаро давлатларнинг ташқи муносабатларини ҳам белгилар эди.

Сиёсий этикетнинг вужудга келишига 1278 йилда Қадимги Миср фиръавни ҳамда Хетт қироли Хаттуш III билан кумушга битилган ёзма келишув асос бўла олади. Гарчи Миср бунда мағлубиятга учраган бўлсада, қирол учун Миср каби давлат билан ҳамкорлик қўл келар эди. Шу тарзда келишувнинг имзоланиши дипломатик этикетнинг (сиёсий этикет) бошқа этикет турларидан анча аввалроқ пайдо бўлди, десак, адашмаган бўламиз. Зотан, давлатлараро муносабатлардаги қабуллар қадимги Миср учун катта аҳамият касб этган. Зеро бундай қабуллар жуда катта дабдаба ва ва ҳаддан зиёд қоидалар ва русмлар билан амалга оширилар эди. Кейинчалик бундай қабуллар бошқа давлатларда ҳам амалга оширила бошланди.

Қадимги Юнонистонда эса элчилар махсус “Гермес нишонлари” деб номланган вакиллик нишонларини ўzlари билан олиб юрганлар. Элчилар халқаро этикетнинг билимдонлари сифатида, ушбу юртда қабул қилинган сиёсий қонун-қоидаларни қай даражада билишлари келишув битимининг тақдирини ҳал қилган. Қадимги Римда эса сиёсий этикет янада устунликка эга бўлган. Мисол учун, элчилар қабулининг аввали зиёфатлар билан бошланиб, ташрифни тугалланишида эса икки томонлама совға ҳадя қилиш билан якунланган.

Шу тарзда оқсуякларни оддий фуқаро ва улардан пастроқ даражада бўлган инсонларни фарқлай билиш учун алоҳида одамларни ўзини аъло жамоатда тутишнинг тартиб қоидалари пайдо бўлди. 1207 йилда испаниялик Петроус Альфонси муаллифлигига илк бор “Ўзини тутиш қоидалари” деб номланган китоб пайдо бўлди. Албатта, бу изланишлар қадимги Турон ҳамда Эронзаминда бундай ёдгорликлар бўламаган, деган фикрни билдирамайди. Зотан бунда пандномаларнинг ўрни бекиёс. Аммо шуни аниқлаш зарурки, миллий ўзлигимизни англаш билан боғлиқ бу илмий атамалар жуда қўп чалқаштирилиб тушунилиши ёки тарғиб қилиниши натижасида кўпгина ноаниқликларни вужудга келтиради. Айтайлик, ахлоқ билан хулқ ва одобни, одоб билан этикетни бир маънода тушуниш холлари учрайди. Аслида бу тушунчалар бир-биридан ҳам назарий, ҳам амалий, ҳам кўлланиш жиҳатидан фарқланади.

Қадимги Шарқда, жумладан, Сомир алқовларида инсон ҳатти ҳаракатларини тартибга солувчи ёзма ёдгорликларида – гилтахталарда ўз аксини топган. Қадимги Мисрда эса бу тартиб қоидалар қонунлар мажмуи сифатида эмас, балки бадиий адабиётлар орқали намоён бўлган. Бундай қоидалар, айниқса Сомирда илоҳийлик билан йўғрилган. Уларни бажармаслик Худонинг қаҳри билан қайтарилиши таъкидланган. Қадимги скандинавия адабий ёдгорлиги “Эдда” эпосида нафақат дастурхон атрофида ўтириш қоидалари, балки ҳатто мезбон шарафига тилак айтиш меъёрларини ўзида мужассам этганини асослайди.

Бу каби ҳатти-харакатлар меъёрлари жамият тараққиётининг йўналишини белгилаб берар эди – яшаш тарзи, одамлар дунёқарashi, жамиятдаги даражаларни фарқларди. Бу эса кейинчалик турмуш этикети, балки сиёсий этикетни вужудга

келишига сабаб бўлди. У бутун бир жамият билан бирга ўзаро давлатларнинг ташқи муносабатларини ҳам белгилар эди.

Бизнес иқтисодий ахлоқий асосга таянади. Коммерциядаги тадбир бизнесида этикет ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, модомики, у компаниялар ўртасидаги ҳамкорликнинг давомийлигини ва тузилган битимнинг омадлилигини белгилаб беради. Ҳамкорликнинг умумқабул қилинган қоидаларни бузиш мумкин эмас. Ишдаги қалтислик қонунни ҳатлаб ўтишдаги қалтислик билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Муваффақиятли тадбиркорликнинг асосий муруввати – тажриба натижаларидир: олинган даромадлар, касбий қониқиши, жамиятда, шериклар олдида ижобий нуфузга эга бўлиш, фирма ёки ташкилотнинг мустаҳкамлаш учун пул жамғармасини яратиш. Тадбиркорлардаги ахлоқий-рухий тайёргарликка эга эмаслик, тезда пул топиш илинжида саводсиз интилишлар, пулларга нотўғри муносабат, фирманинг рақобатбардошлигини ошириш ва мустаҳкамлаш учун фирманинг даромадидан фойдаланишининг муҳимлигини англамаслиқда намоён бўлиши мумкин. Булар маркетинг маълумоти ҳажмининг жуда камлиги; фирмалар тўғрисидаги маълумотларнинг, шерикларни топишдаги информацион механизмларнинг йўқлиги; муваффақиятсиз реклама; истеъмолчи ва ҳаридор талаблари борасидаги маълумотлар тўпламига эга бўлмаслик; ривожланмаган иш муносабатларининг технологияси; иш баённомаси, савдо муомаласи одобига риоя қилмаслик; шерикларнинг миллий ва ҳудудий руҳиятининг хусусияти борасида мўрт нишонга эга бўлиш; атамалар ва тил масаласида қийинчиликлар; чет тилларини билмаслик; бизнес, менеджмент, маркетинг, коммерция, банк ишлари доирасида аниқ тушунчалар асосига эга бўлмаслик; хужжатларни расмийлаштиришдаги қийинчиликлар; мутахассислар ва тадбиркорлар қўллайдиган илмий - техник атамаларнинг эскирганлигидир. Ҳаёт фазоси бўлмиш бозор тараққиётини ўзлаштирас эканлар, тадбиркорлар бир нарсани билишлари лозим: бозор тузилмасига киришга интиқ бўлган тадбиркорлардан фақат 10-15 фоизигина муваффақиятга эришадилар. Мувафақиятга фақат ўзининг ижодий жиҳатдан истеъодини ифодалаш ҳисси кучли бўлган, доимо одамларни, уларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишиларини ўрганадиган, одамларнинг ишончини қозонишга интиладиган, виждонли ва ахлоқли, тинимсиз маънавий ҳамда касбий комилликни ўзида намуна сифатида қўрсатадиган, ва охир-оқибат, бошқарув маҳоратининг юқори қўрсаткичи бўлмиш – одамлардаги интеллектуал фаолиятни оча биладиган одамларгина эришадилар. Бу ҳақиқий тадбиркорнинг хусусиятларидир.

Охирги йилларда кўпгина ташкилот ва муассасалар тўғридан-тўғри ташқи бозорга чиқиши ҳуқуқига эга бўлдилар, савдо, иқтисодий ва ишлаб чиқаришда турли мамлакатларнинг фирма ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри алоқа қилишга янги имкониятлар очилди, шу билан бирга илмий изланишлар доирасида, тадқиқотлар ва технология алмашинуви, профессионал кадрларни тайёрлашда кенг алоқалар яратилди. Мамлакатларнинг баъзи милий ва руҳий хусусиятларини билиш тадбиркорларга ҳар бир ерда унинг қонунларига мос тарзда ўзини тутишига

ёрдам беради ва энг асосийси – назарда тутилган ташкилотда муваффақият қозонади.

80-йилларда бизнес этикети З та асосий йўналишга ажралган:

➤ Филантропия этикети - яхши ўтадиган ва бизнесни хайрли ҳаракатларни амалга оширишга туртки берадиган яхши натижаларга эришишини таъминлайди.

➤ Адолатлилик этикети- фирма ҳамкорлари ўртасида ишончлилик ва тенгликни таъминлайди.

➤ Шахсий автаномия этикети- бошқа субъектлар - бизнес бўйича ҳамкорлар, клиент ва конкурентлар ҳуқуқларини ҳисобга оладиган асосий ахлоқий қоидаларга йўналтирилган

Бизнес – жиддий ҳатти-ҳаракатлар сфераси ва у жиддий ва асосланган билимларга шунингдек, бизнес-этикетга таянади. Бизнес-этикет ҳамкорларнинг сухбат чоғида ёмон ва ноқулай вазиятлардан асрайди.

“У ёки бу инсоннинг унинг иқтисод билан боғлиқ ишларининг 15 фоизи унинг профессионал билимларига, 85 фоизи эса одамлар билан мулоқот қила олиш қобилиятига боғлиқ”, – деб ҳисоблайди Дейл Корнеги.

Питер Коостенбаум “Бизнес фалсафаси” китобида “Бизнеснинг юраги – этикет, хокимият ва фалсафа” деб ёзган эди. Ва қуйидагилар фирманинг узоқ муддатли ютуқларга эришишига туртки бўлади деб ҳисоблайди.

- Фойда
- Одамлар (мораль)
- Товар ва хизматлар
- Пристиж

Иш кунимиз қачон бошланмасин, унинг бошланғич асоси уй шароитидан: кайфиятимиз, ўзимизни қандай ҳис қилишимиз, кўпроқ қандай ҳордиқ чиқариб, оиласдаги муносабатларга ва ҳ.к. боғлиқдир. Чиройли табассум ва эрталабки саломалик эр-хотинининг яхши кайфиятда бўлишида кучли таъсирга эга. Аммо кайфият кейинроқ ҳам бузилиши мумкин – йўлда, шаҳар транспортида. Автобус, вақ тифиз бўлган пайтда трамвай ва троллейбуслардаги тикилинч – асабга тегишга, ва ўз йўлида кайфиятни бузилишга сабаб бўлиши мумкин. Бундай шароитда кайфиятни бузмаслик мумкинми? Ҳа, мумкин. Ҳар қандай чўғ олиши мумкин бўлган жанжални мутойиба, табассум билан ўчириш мумкин. Ҳар қандай шароитда ўз ҳатти - ҳаракатни бошқаришга интилиш лозим. Хушмуомалали, тавозеъли бўлиш, одамларга табассум қилиш ҳам инсоннинг ўзида, ҳам бошқаларда яхши кайфиятни ушлаб туришга сабаб бўлади.

Муассаса хонасига кираётган киши эшикни тақиллатмаслиги керак – бу фақат иш билан банд бўлган одамларнинг асабига тегиб, диққатини бўлади. Одатда расмий муассасанинг эшиги тақиллатилганда раддия ҳеч қачон билдирилмайди. Раҳбар хонасининг эшигини агар котиба бўлмаса, тақиллатиш лозим. Агар раҳбар эшикни тақиллатмай киришни шама қилса, бу қоидага бўйсунган маъқул.

Мажлислар, йиғилишлар – агар унинг иштирокчилари беҳуда чиқишлиар билан бошқаларнинг вақтини олмаса, фойдалидир. Тор доирадаги мажлисда, агар бегоналар бўлмаса бир – бирига эркинроқ муносабатда бўлиш мумкин. Мажлис пайтида ўғринча конфет сўриш ёки эснаш мумкин эмас. Эркаклар фақат раис устки костюмини ечгандагина, ўзларининг костюмларини ечишлари мумкин. Ён верида ўтирган киши билан бир оғиз гап билан сўзлашиб олиш мумкин, аммо сұхбат олиб бориш ярамайди.

Сизнинг касбдошингиз кўп чекади. Унда у хонанинг тез-тез шамоллатилишига норозилик билдирилмаслиги керак. Ёки унинг ўзи буни назоратга олиши лозим. Чекувчилар яаша ҳуқиқа эга, аммо чекмайдиганлар бу ҳуқудан маҳрум дегани эмас. Ходимлардан бири даво учун кўп саримсоқ пиёз истеъмол киласди. Аммо, бошқалар бунга чидай олмайдилар. Агар даволаш услубларини хуш кўрадиган бундай шахс «дори» нинг ҳидини кетказадиган нарсалардан фойдаланмас экан, унда бундай даволаш услубидан воз кечишига тўғри келади.

Ходимлар ичида озодаликнинг «касаллари» бўлади. Улар ҳамиша бир нимани тозалаш, артиш билан шуғулланадилар. Озодаликнинг ортиқча мазамати унинг акси бўлмиш ювенишга кўп вақт ажратмайдиганлар каби ёқимсиз ҳис уйғотиши мумкин. Агар бу аёл ёш бўлса, сув мўъжизалар яратиш қурдатига эга эканлигига ишора қилиш мумкин. Ёши каттароқ одамга бундай дейиш ноқулай.

Дипломатик этикет – бу дипломатлар ва бошқа расмий шахсларнинг бир-бири билан дипломатик тадбирларда бўладиган мулоқотлари чоғида амал қиласдиган яхши хулқдарининг қоидалари.

Дипломатик этикет шаклланиш жараёнида умумий этикет қоидаларига таянади, шу билан бирга дипломатик нормалар ва қоидалар бизнес этикети амалиётида ва умумий этикет қоидаларида ўз аксини топади. Ушбу қоидаларни бузилишига йўл қўйиш мумкин эмас, оддий такаллуфнинг муносабатларда кўлланмаслиги дипломатик этикетда ҳурматсизликка тенглаштирилади ва халқаро ва миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқаришга қодир.

Этикет қоидаларига айниқса, дипломатлар томонидан риоя қилинишига катта эътибор қаратилади, чунки бу қоидаларнинг бузилиши ёки бажарилмаслиги мамлакат еки унинг расмий вакиллари нуфузига путур етказиши ва бунинг натижасида мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Дипломатик этикет турли-тумандир. У ўз ичига учрашувлар, ўзаро салом алмашиш, табрик йўллаш, қабул маросимларини ўтказиш, ташрифларни амалга ошириш, сұхбат ва музокаралар олиб бориш этикети ва дипломатик церемониални камраб олади.

Дипломатия — бу ўзаро келишувлар, битим ва конвенциялар тузиш санъатидир. Ушбу натижаларга учрашувларнинг муваффақиятли якунида эришилади.

Дипломатик учрашувлар ўзининг белгиланган регламенти, этикети ва кўпинча ўз протоколи билан ажралиб туради. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки,

дипломатик учрашувларнинг қатнашчилари дипломатия каби нозик фаолиятнинг асосини ташкил этувчи субординация қоидалари ва профессионал чекланишларга қатъий риоя қиласидар.

Учрашувлар ўзаро салом алмашиш билан бошланади. Саломлашиш турлари ҳар хил бўлади. Хорижий мамлакатларда узоқ сафарда бўлган киши бу мамлакатнинг миллий удум ва қонун-қоидаларини ўз мамлакати урф-одатлари билан таққослайди. Мисол учун, шуни таъкидлаш лозимки, мусулмонлар учун Шариат қонунларига биноан аёл ва эркак кишининг қўллари, агар улар қариндош бўлмаса, ҳатто бир-бирига тегиб кетиши ҳам қатъиян ман этилади.

Бирор-бир киши шарафига қабул маросимини ташкил этаётган пайтда ёки уни меҳмонга таклиф этаётган ҳолларда, меҳмон қайси динга эътиқод қилишини билиш зарурдир. Ислом дини қоидаларига кўра спиртли ичимликларни истеъмол қилиш қатъиян ман этилади. Ҳиндулик дини қоидаларига асосан эса таомлар вегетариан турида бўлиб, зинҳор мол гўштидан тайёрланмаган бўлиши лозим.

Дипломатик салом алмашиш қоидалари умумқабул қилинган салом алмашиш қоидаларидан деярли фарқ қилмайди.

Аввал таништирилиши керак бўлган кишининг исми-шарифи айтилади, сўнгра кимга таништирилаётган бўлса, унинг исми-шарифи. Кичик ёшли кишини катта ёшли кишига, эркак кишини аёл кишига, лавозим жиҳатидан паст кишини лавозими жиҳатидан баланд кишига таништирилади.

Таништирилаётган киши, агар эркак киши бўлса, бошини бироз эгиб таъзим қиласиди, аёл киши эса бошини бироз эгиб қўйиш билан кифояланади.

Агар аёл киши уни қизиқтираётган киши билан танишиш ниятида бўлса, у иккаласига таниш бўлган кишини таништириш ҳақида илтимос қилиши мумкин. Иккаласига таниш бўлган киши, уларнинг қизиқиши доирасидан келиб чиқкан ҳолда, сухбат қуришга ёрдам беради.

Ўтирган ҳолда бошни эгиб таъзим қилиш деярли ноқулай бўлгани учун эркак киши танишаётган пайтда ўрнидан туриши лозим. Аёл киши эса аксинча, ўз ўрнидан турмаслиги лозим. Аёл кишига ёши ундан катта аёл таништирилаётган бўлса ёки у таништирилаётган киши ҳақида ўзининг алоҳида фикрини изҳор қилмоқчи бўлган ҳоллар истиснони ташкил этади. Ушбу ҳолларда у ўрнидан туриб саломлашиш учун қўл узатиши мумкин.

Эркак киши билан танишаётган ҳолларда аёл киши агар ўзи учун бу нарсани ўринли деб топса, саломлашиш учун қўл узатади, акс ҳолларда бошини бироз эгиб саломлашиш билан кифояланади. Қолган ҳолларда ёши каттароқ бўлган киши саломлашиш учун қўлини биринчи узатади.

Хонага кириб келаётган киши биринчи бўлиб йигилганлар билан саломлашади. Биринчи бўлиб кетаётган киши йигилганлар билан ҳайрлашади.

Бирор-бир кишини бошқаларга таништираётган пайтда нафакат унинг тўлиқ исми-шарифини айтиш билан чекланиш керак, балки бу шахсга хос фазилатлар ҳақида қисқача гапириб ўтилса, сухбат давом этиши учун замин ҳам яратилади ва янги танишганларнинг фикр алмашиши бироз осонлашади.

Агар дипломатик қабул маросимида ёши ва лавозими тенг бўлган икки кишини таништириш керак бўлса, яқинроқ турган ёки нисбатан таниш бўлган кишини биринчи таништириш лозим. Агар таништирилаётганлар ичida бири машхур киши бўлса, унга иккинчисини таништириш билан чегараланиб қолиш мумкин.

Амалий ёки протокол учрашувлари (эҳтиром юзасидан танишув ёки ҳайрлашув учрашувлари) давомида сухбат олиб борилади. Сухбат кўп вазиятлардан келиб чиқиб, регламентга буйсунмайди. Аммо учрашувга ташриф буюрувчилар ҳам, уларни қабул қилувчилар ҳам ўзлари учун тааллуқли бўлган баъзи бир қоидаларни эътиборга олишлари даркор. Чунончи, эҳтиром ёки протокол ташрифи унча узоқ эмас, яъни 20, кўпи билан 30 дақиқадан ошмаслиги зарур.

Дипломатик церемониал (тантана маросимлари) хилма-хил, мураккаб, нозик томонлари мавжуд бўлган церемониал ҳисобланади.

Дипломатик иротокол талабларининг ривожланиши урф-одатлар, давлатчилик ва умумқабул қилинган хулқ-атвор қоидаларини ўзида акс эттиради.

#### **4.4. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характери.**

Эстетик англаш мазмунан кенгқамровли тушунча бўлиб, мавжуд барча соҳаларга даҳлдор саналади. У нарсаларнинг ўзига хос хусусиятларини тафаккур орқали талқин этишда ҳамда турли хил муносабатларни ўрганишда инсонга кўмак беради. Шунингдек, англаш жараёнининг тўғри шакланиши ақлий тараққиётнинг асосий омили ҳамдир. Бир сўз билан айтганда, англаш нарса–ходисаларнинг яхлит қиёфасини акс эттиради, воқеликни инсон сезги аъзоларининг таъсири орқали белгиловчилик ва бошқарувчилик имкониятларини намоён қиласди.

Моддий буюмларни англашдан фарқли ўлароқ, бадиий англаш жараёнлари ўта талабчанлиги билан ажralиб туради. Негаки, юқорида таъкидланганидек, бадиий англаш ижодий жараён билан боғлиқ тарзда намоён бўлиб боради. Мабодо ижод жараёни тўхтаса, бадиий англаш ҳам шу онда якун топади. Ёхуд содда қилиб айтганда, китобхон бадиий асарни ўқиб тугаллагандан сўнг унинг ушбу мавзуни англаш этишга бўлган кейинги холати ҳам тугалланади.

Бадиий ижодни англаш моддий нарсаларни англаш этишдан фарқланади. Ҳолбуки, моддий предмет аксарият холларда ўзгармас ва айни пайтда кишида доимо бир хил таассурот қолдиради. Бадиий асарни англаш этиш натижасида инсон воқеликка теран кўз билан назар ташлашга, мавжуд муаммоларни нозик туйғулар ёрдамида ҳал этишга ҳаракат қиласди. Шунингдек, бадиий англаш фавқулодда ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, у ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Бундай холатни бадиий асарни қайта ўқиши жараёнида қузатиш мумкин.

Эстетик англаш ҳам бадиий англаш сингари назарий ва амалий аҳамиятга молик тушунчадир. Негаки, эстетик англашни тадқиқ этмай туриб, бадиий ижод назариясини тўлақонли тарзда англаб этиш ҳамда санъатнинг ижтимоий табиатини очиб бериш мумкин эмас. Эстетик англаш масаласи тўғридан–тўғри инсон эстетик тарбиясига даҳлдорлиги боис инсон ва жамият, инсон ва давлат, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар ривожида сезиларли таъсирга эга. Чунки, эстетик

